



Гулнор пари

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ



КУП ТОМЛИК

Мисқол пари
Гулнор пари
АВАЗХОН



достонлар

ҒАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ
БАДИИЙ АДАБИЁТ
НАШРИАТИ
Тошкент · 1967

Айтувчи

МУҲАММАДҚУЛ ЖОМУРОД УҒЛИ ПУЛКАН

Нашрга тайёрловчи

МУҲАММАДНОДИР САИДОВ, ЗУБАЙДА ҲУСАИНОВА

Масъул муҳаррир

МАНСУР АФЗАЛОВ



Гўрўглининг Чамбилга подшо бўлганини эшитиб, ҳар уруғдан йигитнинг сараси бориб новкар бўлаверди. Қирқдан, Хитойдан, Манғитдан, Муйтандан, Кенагас, Наймандан шунга ўхшаган ҳар уруғдан [йигитлар йиғилиб келиб], Гўрўглибекнинг қўшини тўқсон олти мингга етди. Ана энди Гўрўгли тоза подшо бўлиб кетди. Энди Чамбилни бир таъриф қилиб мақтайик: Олтмиш ошхонали Чамбил, бир минг қўшхонали Чамбил, уч минг тўйхонали Чамбил, ёв келганда отишадиган саксон сардобали Чамбил, неча сарбоз ётадиган, сардор ётадиган Чамбил. Чамбил шундай обод бўлиб кетди. Шундай кун пайшанба куни бўлди. Ярим кеча бўлганда Гўрўглибек ўтиришдан қайтди. Шундай келатса одам товуши баланд чиқади ўрдада. Гўрўглибек йўталмай аста-аста оёқни босиб, уйига борди; тешиқдан аста кўзини қисиб қаради. Шундай қараса, Соқибулбул созни чалиб, сўз айтиб ўтирибди, ҳеч ақлга тўғри келмайди. Ой Зайдин хизмат қилиб турибди, чой дамлаб. Шунда ой Юнуснинг ўнг ёнбошида Гулчеҳра пари ўтирибди; чап ёнбошида бир пари ўтирибди. Шу Юнусдан сулувлиги ўн беш ҳисса зиёд. Яна шунга ўхшаган танимаган қизлар ҳам кўп... Ҳаммаси ҳангома, чақ-чақ қилиб ўтирибди, ўз шавқи завқида. Ҳалиги Юнуснинг олдидаги қиз шундай қора узумларни нимкаласоз танглайи билан эзиб ютыпти. [Узум] киндигигача қоп-қора бўлиб билиниб ботяпти, қорнига ўтыпти. Гўрўглибек бу сирхолларни кўриб, ўзидан кетиб, йиқилиб қолди. Унги ёканлигини ҳам, туш ёканлигини ҳам билмай қолди. Ана бул ётди.

Ҳиндистон подшосининг қизи Гулнор пари Мисқол билан ҳам дўст эди, Юнус билан ҳам дўст эди. У ҳам шу

қангомага ваъдалашиб эди. Узининг уйида меҳмони бор эди. Шуйтиб, кечроқ қолиб эди. Узоқни калта қиладиган бир амални Юнус пари ўргатиб эди. У ҳам келди қангомага. Ана энди Чорхона бут бўлди.

Гўрўғлибек тағи ўзига келди. Яна интилиб қаради. Шундай қараса, бир қиз ўтирибди, гавҳари Ямани тармаштирган қасабасига. Тошнинг ёруги, ўзининг шуъласининг ёруги бир саратон юлдузли, ҳур юзли, бўтакўзли, бир яхши овозли, янги бўйи етай дебди. Кўйлагини пичагини кўтариб турибди муштдай безли; ҳур талъатли, малонка келбатли ҳеч сулувлиги ақилга тўғри келмайди. У қизлар ўз шавқи-завқида ўтирибди. Орадан бир йил ўтса ҳам, ҳеч гапни билмайди. Гўрўғлибек энди ўзбекилиги тутди. Астагина гурро бурулиб кетин қайтди; қирқ эшикли маслаҳатхонага етди. Катта подшо кетди, деб Ҳасанхонни ўртага олиб, май суздириб, бу беклар бошқаватдан ўтириш [қилаётган] экан. Гўрўғлибек лўп эгиб кириб борди. Ҳамма бекларнинг кўзи чанғироқлашиб, қўрқиб қолди. Гўрўғлибек тўрға ўтди. Токчадан созин олиб чертди. Ҳасанхон аллаёр деб май сузиб бераверди. Гўрўғлибек бошқа қангомани йўқ қилди. Ҳамма нарсани ўртадан кўтариб олди. Энди навбат Гўрўғлига келди. Ҳасанхон эсли бола эди. Бу гапларни билди. Бошидаги кокилларини каллапўшининг остига солиб, Гўрўғлибекка қараб, калласини ҳам қилиб, қўлини қовуштириб отасининг тарзига қараб бир сўз айтаверди:

Ҳангомамиз қизиқ бўлди бегумон,
Бўлгаймиз ҳаммамиз дунёда эсон.
Қиблагаҳ тагин-а малол келмаса,
Бир сўзим бор сизга айтай, отажон.

Уйқу келди, дейиб бундан кеттингиз,
Кетиб туриб, бориб анча ёттингиз,
Бошқа тусли бўлиб афти-юзингиз,
Анчадан кай¹ бунда яна еттингиз.

Бошқа тарзли бўп қолибди юзингиз,
Каттарибди мен қарасам кўзингиз.
Шу келганнинг маънисини сўрайман.
Нимага саргайди ойдай юзингиз?

¹ Анчадан кейин.

Бойлар кўчиради кўклам кўчини,
Эр йигит душманга қилиб кучини.
Ичкарига бориб буйтиб чиқдингиз,
Ота, айтинг, чиққанингиз важини!

Кўнглингиз бўлибди, отажон ҳайрон,
Сизга қараб менинг кўнглим бўп вайрон,
Кўзларингиз қайнаб, юзлар қизариб,
Бу чиққанингиз важин айтинг, отажон!

Яхши отни деҳқон қўяр уюрга,
Эл обод бўлади берган хайрга.
Бошқа тарзали бўлиб кепсиз, отажон,
Кун ёйила келдингиз [сиз] бу ерга,
Менга айтинг, келганингиз важини!

Мен билувда кўп гапларни биласиз,
Токчадан дўмбирани олиб чаласиз,
Юзингиз қизил бўп, кўнгили қувониб,
Ҳар замонда, қиблағоҳим, куласиз.
Менга айтинг, кулганингиз важини!

Ана энди ҳамма одам Ҳасанхоннинг бу гапига ҳайрон қолди. Гўрўглибек кулиб, сөзни тинг-тинг эткизиб чалиб, аввал бекларга, қирқ йигитларга, Темирхон, Ақмад сардор, катта-катта ўтоғасиларга қараб, Гўрўглибек бир сўз айтаверди:

Мен бу ердан турдим-да, уйимга кетдим.
Яқинлашиб бир ғовирни эшитдим.
Эшикдан кирмайин ўзим тўхтатдим;
Соқибулбулнинг созини эшитдим.

Ҳайрон қолиб [мен] муртимни тарадим,
Ёмон кунда яхшиликка ярадим.
Аста-аста ўзим энгагим чўзиб,
Тешикдан мўралаб шундай қарадим.

Соқибулбул бежой созин чертибди,
Эсон банда муродига етибди.
Юрагимга ҳовур тушган халойиқ,
Тиззасига ёстиқ қўйиб бек соқи,

Хотинлар ичида айтаётибди.
Хотини тушкур ишқибоз экан,
Ҳамма хотин бежой болқиб кетибди.
Айтаверсам соп бўлмайдн кўрган сўз,
Юраккинам пича куйиб кетибди.

Ой Зайдин коса бериб, буралиб,
Гала хотин ҳангама қип ётибди.
Ҳар тарафга, қарайвердим мен ўзим,
Уйнинг ичи қизга тўлиб ётибди.

Бир нечаси, мен қарадим, қашқа қиз,
Туркман элнинг қизини танидим;
Ҳангамани бежой катта қилибди,
Бари сулув, меҳмон ўзи бошқа қиз.

Мушки анбар ҳовли бункиб кетибди,
Юнус пари, Чеҳра пари қаттакон,
Юнусжоннинг тўғри чап ёнбошида,
Еган овқат киндигидан кўриниб,
Қатор-қатор бўп қорнида ётибди.
Кўрганимни айтаверсам бежой кўп,
Уни кўриб анча ёсим кетибди.
Бекларим, маслаҳат қандай бўлади,
Жуда кўнглим икковига кетибди?

Уртаб кетди қараганда кўзлари...
Асалдан шириндир айтган сўзлари
Мен сизга ростини айтсам, халойиқ,
Ун беш кунлик ойга ўхшар юзлари.
Ҳурми, парими, ўзим билмадим,
Келган ўзи бир подшонинг қизлари.

Этагидан ушлаб била кетгудай,
Била юрса муродига етгудай,
Мен сизларга ростин айтсам, халойиқ,
Бир кўрпада қучоқлашиб ётгудай.
Шундай қизлар кепти менинг уйима,
Қаердан келибди менинг жойима?
Иъзатли, ҳурдайин қизлар келибди.
Тиши оппоқ дурдай қизлар келибди.

Шуйтиб, бўйнига қўлни солгудай,
Сулувликдан ҳеч камн йўқ барининг,

Никоҳ қилиб, ҳар ким хотин қилгудай.
Кашли, пешнобли қизлар келибди.
Семиз қўйдаи иргалади бадани,
Ҳаммасининг юзи гулнинг хирмони.
Гавҳар тошли, қордай тўшли,
Мартабали, жонон қизлар келибди.
Урта қўлдаи дўнан қизлар келибди.

Ҳамма жойи хўп келишган ўзига,
Ишонинглар, мендай подшо сўзига!
Ишқивоз бўп қолдим иккита қизга,
Ҳимматли, дудоқли қизлар келибди.

Хотин қилса яхши хизмат қилгудай.
Кетиб қолса, йўлда сарсон бўлгудай.
Иккитаси бежой яхши ёронлар,
Тўлғонтириб бир қўйинга солгудай.

Мен уят-суятни қўйдим, ёронлар,
Ростин айтсам, чўртта хотин қилгудай!
Шунинг учун бошқа бўлди юзгинам,
Чагирайиб қолди икки кўзгинам.

Ҳамманг ишонмасанг менинг гапима,
Қараб келгин, Ҳасан, болам ўзгинанг!
Астагина туриб жойингдан, кетгин,
Дубирни чиқармай сен уйга етгин!
Эҳтиёт бул зинҳор, болам, бу ишга,
Ҳеч кимга билдирмай, чопқиллаб қайтгин;
Кўрганингнинг ҳаммасини кеп айтгин!

Сенсан менинг ҳам ҳузуру қувватим,
Бормикан дунёда бир бағри бутун?
Тезроқ тиндириб кел, дарров хизматни;
Кечикмайин дарров, чироғим, қайтгин!

Рози бўлгин мендай подшо ишидан,
Кўрган одам қочиб кетар ҳушидан.
Мен сенга ростини айтсам, Ҳасанхон,
Сен ҳам кирсанг чиқблмайсан қошидан.

Еш баччасан таги кўнгилни берма,
Тиклаб қара, зинҳор ичкари кирма!

Агар кирсанг келолмайсан, Ҳасанжон,
Зинҳор хаёлингни, болам, бой берма.
Аста бориб, чопиб келгин, фарзандим!

Хайр, деб Ҳасанхон турди-да, кетди.
Гўрўглининг чўртта хаёли кетди.
Аста-аста Ҳасан босиб оёгин,
Бир-бир босиб энди Ҳасанжон,
Бу ҳам шундай уйга узалиб етди.

Салласини хўп ўхшатиб ўради,
Тушни кўрса яхшиликка йўради;
Шундайин узалиб бачча тешиқдан,
Қошин дол қип, Ҳасан тиклаб қаради.

Соқибек чалибди қизиқ созини,
Айтаётир катта дoston сўзини.
Ҳасан тиклаб қараб шундайин кўрди,
Ҳасан кўрди Гулноржоннинг ўзини.
Мисқол ойни кўриб бетоқат бўлди,
Яхши кўрди ярқиллаган кўзини.
Кўриб олди юзта сулув қизини.
Сўлқиллашиб ўтирибди сулувлар,
Хон Ҳасанхон тўхтатолмай ўзини.

Ҳасанхон ночор отасининг гапидан ўтолмай қайтди.
Ҳасанхон аста-аста чопиб, маслаҳатхона томга етди. Ан
энди гапни Ҳасанхондан эшитмак даркор.

Ҳасанхон ўрталиққа бориб, ҳамма турган бекларга бир
сўз айтаверди:

Менинг отам Ваянганнинг тождори;
Майхонада Гўрўглининг сардори,
Кўрганимни айтиб берай сизларга,
Бежой яхши экан қизларнинг бари.

Ёйдайин қўйилган қоши, қабоги,
Кўрганнинг қолмайди ичида доғи.
Бежой сулув экан кўрдим барини,
Хурга ўхшайди пешонаси, сиёғи,

Ундан кейин, шулдир туркманнинг беги,
Қарадим беҳуш бўп ўзимдан кетдим.

Эслиликдан ўзгинамни тўхтатдим,
Жаннатдан келибми, билдим ҳаммаси.

Малоикага, худи ҳурга ўхшатдим,
Сўзлатиб эшитсак эканди тилини.
Гулбозлар боқди тоза гулини.
Мен билмадим на жойлардан келганин,
Сўраб билмак даркор ўсган элини.

Эшитсак бўларди айтган сўзини,
Сатта тожик қишда кўмган музини.
Сўраб билсак қандай одам қизини,
Билмак даркор меҳмонларнинг ўзини.

Кўрганларнинг ичи ғамга тўлганин,
Юнус анам яхши хизмат қилганин,
Ой Зайдин ҳам, Гулчеҳра ҳам бор экан.
Билмак даркор улар қайдан келганин.
Маслаҳат қинг, бориб уни сўрайик,
Лашкар қилиб орқасидан юрайик,
Отама икковин олиб берайик.
Халойиқ, маслаҳат қандай бўлади?

Шундай қизлар кепти Чамбил элига,
Халойиқ, маслаҳат қандай бўлади?
Ажаб бунда кепти яхши паризод
Билмак даркор келган сулув қизларни.
Маслаҳат бер, хон Ҳасанга жамоат!

Юринг энди ёппа ёвлиқ борайик,
Эшикларни очиб, очиб кўрайик.
Сўраганининг асло бўлмас айиби,
Қандай одам эканлигин билайик.

Туркман элдан одам йигиб, халойиқ,
Сўнг билан катта маслаҳат қилайик.
Нима бўлсак ундан кейин бўлайик.

Ана энди ҳамма халойиқ: «Гўрўглига худо инсоф берса
амри подшо вожиб. Бир олган олганники қилса, ҳаммамиз-
га битта-битта хотин тегса», деди. «Худой» деган кўп
бўлди. Ана энди Аҳмад сардор — тўгри ўзбек бечора, ха-
лоийққа қараб, бир сўз айтяпти:

Шундай қилсак, элатга гап бўлмасми?
Ҳамма подшо лаънатнома қилмасми?
Ўзбаки-зураки қилсак бу ишни,
Беклар, бу ишингиз уят эмасми?

Осмоннинг остига сўз бўл кетмайми?
Ундан ул, бундан бул эшитмайми?
Шундай бориб кўрсак, келган қизларни,
Ҳамма подшо, эҳ ҳақ, хайфи сенга, деб,
Чамбид элни келиб тўпга тутмайми?
Бу ишимиз уят бўлиб кетмайми?

Юнус пари катта подшо боласи.
Энди бўлди сўзларингнинг чаласи.
Уят сўзни сўзламанглар халойиқ,
Икковини кўп мақтайсиз, Ҳасанжон,
Шу келганлар бир подшонинг боласи.

Юнусжонман бир жойда дўст бўлганди,
Бир-биридан кўнғиллари тўлганди.
Бу ишингиз, беклар, уят бўлмайми?
Дўсти Юнусни қутлуғлаб келганди.

Билмайсизми, ўзбекларнинг расмини,
Эрга тегса «қутлуғ бўлсин» бир гап бор?
Қутлуғ бўлсин деган ота меросди,
Ота-бобомиздан қолган ёдгор.
Маълум бўлиб қолар шунинг келгани,
Уят бўлар, бу ишларни қўйинглар.

Олис шаҳарлардан ўзи келганди,
Бу ўйни қўйинглар, бари ёлгонди!
Мен сизга ростини айтай жамоат,
Уялтирманг, келган меҳмон қизларни!
Уй қутлуғ бўлсин деб бунда келганди,
Гапирма, бу ишинг уят Гўрўгли!

Қариндошга яхшиликка яраймиз,
Шол путани салтанатга ўраймиз.
Ой Зайдин асло ёлгон айтмайди,
Эртан билан ой Зайдиндан сўраймиз.

Олқор деган баланд тоғда ётади,
Назаркарда мерган уни отади.

Ой Зайдин тўғри қиздир ёронлар,
Эртан билан биз сўрасак айтади.

Баччалик қилманглар, бу иш кўп ёмон!
Чамбил олга кепти хўп азиз меҳмон.
Тириклайин кўмманг туркман, ўзбекни,
Уйланг бу гап орти билсанг ёмондир.
Юнусжоннинг қалин дўсти келгандир
Чамбил олга келгандир азиз меҳмон.

Уй билан ёронлар кўп иш битади,
Боғда юрган олма, анжир отади,
Аввал ўйлаб қилмоқ даркор бу ишни.
Гулчеҳраман Зайдин ростин айтади,
Уйланглар, бу ишнинг орти кўп ёмон!

Энди Аҳмадбекнинг бу гапи маъқул тушиб, ўтирган беклар айтди: «Маъқул сўзга қорув йўқ», деди. «Туя муомила (билан) чўкади, деган бир гап бор», деди. Шу гапни дуруст қилиб тураверсин. Энди гапни Соқибулбул билан Юнусдан, Мисқолдан, Гулнор паридан, Гулчеҳражондан, ўтирган сатта сулув қизлардан эшитмак даркор.

Ана энди Соқибулбул маст бўлиб, қизларга қараб, бир сўз айтди. Тонг отиб кетди. Соқибулбул шу қизлар кетолмасин деб айтди. Ана энди Соқибулбулнинг айтаётган сўзи:

Болдан ҳам ширинди сўзлар,
Ярқиллашиб жоду кўзлар,
Кўкрагида муштдай безлар,
Кулинг, ўтириш ганимат!

Эримас тоғларда қорлар,
Юракдан кетди губорлар,
Хур сифатли сап парилар,
Майхўрлиқ қилинг, жононлар!

Юракдан кетди войимлар,¹
Сатта гардони майинлар,
Буралишган сап ойимлар,
Уйнаб кулмакка қойимлар,
Кетсин юракдан туюнлар²
Иш бўп кетмасин қийинлар!

¹ Ваҳимлар.

² Тугуилар.

Гуланор кеп Ҳиндистондан,
Ҳеч қўрқмайман ширин жондан.
Қутулмайсан баринг мендаи;
Умидим анча кўп сеидаи.
Узим келдим қотоғондан,
Жўш қинг аллаёр-аллаёр!

Жонимни айланин қурбон,
Нечовлар бўп кетди сарсон;
Майхўрлик қилинг, Юнусжон,
Бу дам билсанг ғаниматди!

Соқибек кўп сўзни айтди,
Навбат сап қизларга етди.
Айтинг қаддингдан, қаддингдан!

Ана бу бойвачча қиз, подшонинг қизи шўх бўлар экан,
Ҳиндистон подшосининг қизидан эшитмак даркор гапни.
Ўртага кириб, егни туйиб, қошини, кўзини сузиб, томоша
қилганнинг кўнглин бузиб, Гулдор пиёлани қўлига олиб,
ҳар ранг товоқларга [майни] солиб, аллаёр деб бир сўз
айтди, уйнинг теварагини одам тутди:

Коса берай қўлим толиб,
Ҳар косага майни солиб,
Менинг белгинам буралиб,
Юнус, аллаёр-аллаёр.

Жовдирашиб жоду кўзлар,
Асалдан ширинди сўзлар,
Сўлқиллаган санам қизлар,
Нўш қинг, аллаёр-аллаёр!

Юрагимнинг кетгай дарди,
Обод Чамбил элнинг юрти.
Олинглар майнинг навбати,
Жўш қинг, аллаёр-аллаёр!

Қарининг қўлида ҳасса,
Юракларда ғаму гусса.
Кўзим йўлда, қўлда коса,
Қизлар, аллаёр-аллаёр.

Ҳарна бўлсақ энди бўлдик,
Қидиришиб бунда келдик,
Юнусга хизматкор бўлдик.
Майхонада коса олдик,
Мажлисни каттакон қилдик,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Ҳангамада оғзингдан дур
Сочинг, аллаёр-аллаёр!
Худо берса, яхши эрни
Қучинг, аллаёр-аллаёр!

Беклик халқи майлар ичар,
Уруш қип душмани санчар,
Кафанинг тўнини бичар;
Қўрқоқлар ўлдим деб қочар.
Маст бўнг, аллаёр-аллаёр!

Подшо қилдик Юнусжонни,
Қўрармизми Ҳиндистонни,
Хизматга соп Гулнорхонни,
Чеҳра, аллаёр-аллаёр.

Юнус пари биздан голиб,
Қўлиман косани олиб,
Эрам¹ боғдан Мисқол келиб,
Гулнор косани олиб,
Тонг отгунча мажлис қилиб,
Соқибулбул созни чалиб,
Чалинг, аллаёр-аллаёр!

Бу турган жоду кўзларни
Юнус пари хизматларга
Солинг, аллаёр-аллаёр!

Шу бугун мажлис этармиз,
Қўлга косани тутармиз,
Саҳар Ҳиндистон кетармиз.
Насва тортган куни бир куи,

¹ Қўламада «Эрон боғи» ёзилган. Халқ дostonларининг кўпчилигида бу эпик жой номи «Эром боғи» шаклида бўлаганига учрабиз шу шаклни қабул қилишни лозим топдик.

Тағи Чамбилга етармиз.
Авж қинг, аллаёр-аллаёр!

Қовоғимиз уюлишдик,
Қарчигайдай чуйилишдик.
Эрам бовдан Мисқол пари,
Ҳиндистондан Гулнор пари,
Чамбил элга йирилишдик.
Маст бўнг, аллаёр-аллаёр!

Эшитинг ой Юнус додди,
Қулоқларим гувлаб кетди.
Қизиқ Гулнорнинг суҳбати,
Туркман элнинг паризоти,
Дўстлар, аллаёр-аллаёр.

Сўз оз бўлсин; қизил тилдан,
Қистаб ўтдик неча чўлдан.
Насва тортиб келиб қолдик,
Биз келдик Ҳиндистон элдан,
Юнус опа қулоқ солинг,
Хабар олинг ҳамиша қолдан!
Дўст бўнг, аллаёр-аллаёр;
Маст бўнг, аллаёр-аллаёр!

Ҳар ким ёриман жуфт бўлди,
Кўп айтсам сўзим лоф бўлди.
Олинг сулувлар, аллаёр;
Энди мажлисим соб бўлди,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Ҳаммасига сўзи ёқиб,
Чеҳра пари қаддин бувиб,
Қизиб кетиб Гулнор пари,
Нима бўлганин билмайин,
Беҳаёл бўп лабин тишлаб,
Ҳар тарафга қошин қоқди.
Торни туман чолиб қолди;
Элдан одам келиб қолди.
Гулнор сўзини эшитиб,
Эшикдан қараган беклар,
Эсанкираб, эси кетиб,
Чала жонсар бўлиб қолди.

Ана энди чирқиллаб элни одам босиб кетди. Тонг отганлигини, бу қизлар кетолмаслигини билди энди. Бир нечаси «ҳеч ким билмаганда кетар эдик-да, энди бизларни туркман, ўзбек олади-да» деди.

Гўрўглибек оҳ тортди: ҳужрасига кириб, кўкрагини нам ерга қўйиб ётди; беҳуш бўлиб ўзидан кетди. Шу кундуз ҳам ўтди. Энди бу қизлар уялиб, қандай бўлди дейишди. Гўрўглибек ўлгандай йўқ бўлиб кетди. Кун намозшомга етди. Энди Юнус пари «меҳмонларга нима берамиз», деб Гўрўглини сўратди. Ҳамма «бизлар кўрганимиз йўқ», дейди. Юнус парининг ўзи шу ҳужранинг оғзидан ўтиб келаётиб эди, пиш-пиш ётди. Аста ҳужрани очиб қараса, Гўрўглибек ўликка ўхшаб ётибди. Юнус пари ҳай-ҳай деб, Гўрўглибекка қараб бир сўз айтаверди:

Ширрон элни қўзидай бўзлатибсиз,
Ваянгандан обрў топиб қайтибсиз.
Полвоним, кўтаринг қора бошингни,
Сабаб нима, хафа бўлиб ётибсиз?

Бемаънидан оқизибсиз ёшингни,
Нега буйтиб қочирибсиз ҳушингни?
Юнусдай қаллигинг келди, тўрам деб,
Шоҳ тўрам, кўтаргин азиз бошингни!

Эшитайни, валла матим, сўзингни,
Ҳеч бемаъни сарғайтириб юзингни,
Юнусдай бойбиччанг келди кўргани,
Полвонгинам, очгин қора кўзингни!
Сўйлайди оғзимда бебўгин тилим,
Менинг ҳолим яратган ҳаққа маълум.

Сиз буйтиб ётибсиз жоним қолмади,
Оч кўзингни, кўтар бошинг полвоним!

Тарафларнинг кўнглини қабартибсиз,
Иншоолло мартаба етибсиз.
Сизни кўриб менинг жоним қолмади,
Сабаб нима, хафа бўлиб ётибсиз?

Сиздай мард арабдан олди ўчини,
Макка борган қиладикан хожини.
Сўзингни кўзима сурма, шоҳ тўрам,
Юнусга айт ётганингни важини.

Сизни кўриб, юракларим бўлди қон,
Бўлиб келди неча одам саргардон.
Икки азиз меҳмон бунда келувди,
Ой Юнусга маслаҳат бер, бегижон!

Сўз чиқади Соқибулбул тилидан,
Ошиб келган Лангар тоғнинг белидан;
Шоҳ тўрам, ўзима беринг маслаҳат,
Меҳмон келган Ҳиндистоннинг элидан!

Тортиқ тароғини ўзи қилибди,
Уят эканини ўзи билибди.
Бул отасин Той ҳинди дер отини,
Сизга айтай авлодини эотини.

Гулнор пари Ҳиндистондан келибди,
Сулув қизлар сизга меҳмон бўлибди.
Бирор нарса лозим эди ёпмоққа,
Эрам боғдан Мисқол пари келибди.

Ойга ўшан¹ чин сулувининг юзини,
Гўрўгли эшитди Юнус сўзини.
Бу гапни эшитиб Гўрўгли подшо,
Нимкаласоз очай деди кўзини.

Ишқивознинг юрак-бағри куяди,
Фарзандсизнинг ўтган умри зояди.²

¹ Ухшаган.

² Эседир.

Ғайрат қилиб, Юнус пари, туринг, деб,
Гүрўғлининг бориб бошин суяди.

Мисқол пари кўп қочирган ҳушини,
Тулжи олиб ейди тоғнинг қушини,
Гүрўғлибек ой Юнуснинг гапиман,
Дод деб кўтарди қора бошини.

Ана энди Гүрўғлибек, дод-фарёд деб Юнусжонга қараб, бир сўз айтди:

Яхши бўлгин, ҳеч ёмонлик кўрмагин,
Қиёматгача Юнусжон ўлмагин!
Айтаверсам, менинг дардим кўп қаттиқ,
Юрагимда дардим кўпдир, сўрмагин!

Ёнашма, Ой Юнус, менинг олдима,
Кет-кет, қаддингдан асло турмагин!
Худо раҳм айлағай сенинг ҳолингга,
Насиб тортиб келдинг Чамбил элига.

Бу дардима келиб шерик бўлмагин,
Қаддингдан, кетавер, келган йўлингга!
Шу ишимни сен битириб бермасанг,
Кетавергин, сен ҳам ўсган элингга!

Уйқум келиб, ўзим мажлисдан кетдим,
ўнгма-сўл бўп уйнинг олдига етдим.
Аста-аста бориб уйнинг қошига,
Дўмбиранинг товушини эшитдим.

Энгагимни мен тешикка тирадим,
Давлатим бор, ҳар ранг салла ўрадим;
Бу товуш эшитиб менинг ўзгинам,
Ҳини билан уйга тиклаб қарадим.

Айтаверай сенга ўзим кўп сўзини,
Овладим кўллардан ўрдакман ғозни.
Уй ичида кўриб ўзим, қаддингдан,
Тўрда кўрдим икки бегона қизини.
Ҳар тарафда кўрдим неча канизини.

Ишқивоз бўп ўзим хуноба ютдим,
Уруш кунни ўликни шохдай чотдим.

Мен сенга айтайин рости сўзларин,
Чап ёнингда [жўриб] битта жононин,
Беҳуш бўп, қаддингдан, ўзимдан кетдим.

Ҳеч ким мени суямади вой-вой,
Далада мен ўзим кўп вақтлар ётдим.
Ёсим кетиб, ўзим очиқ қолибман,
Ёта-ёта менинг ўзим, совқотдим.

Шовқин солсам, мен уялдим ёлатдан,
Астагина туриб изима қайтдим.
Майхонада ўзим банги бўп ётдим.
Куйганимдан бориб дўмбира чертдим.

Юрагимда армон кўпди, сўрама,
Бориб бир-бир қилиб ёлатга айтдим.
Мен сенга ростини айтсам, ой Юнус,
Олдингдаги қизга ишқивоз бўп кетдим.

Мен кетаман турган қизнинг юртига,
Тўранг миниб олар Ғиркўк отига.
Мен сенга ростини айтсам, қаддингдан,
Ошиги мубтало бўлдим бетига.
Шерик бўлдинг мендай марднинг дардига.

Ана ёнди Юнус пари Гўрўглибекка қараб, «гам ема,
қўнглингиз кетса, уни иложи осон», деб бир сўз айтавер-
ди:

Ишқ йўлига ҳозир бўпсиз гирифтор,
Ул иккови мендан зиёд эмас-да.
Гулнор пари, тўрам, менга хизматкор.

Ваҳим кетсин кўнглингни чорбогидан,
Утолмайди Юнуснинг арвоҳидан.
Мисқол пари, тўрам, менинг канизим.
Кеп кетади ўзи Эрам богидан.

Хизматкорга шуйтиб кўнгли бердингми?
Аё тўрам, энтак-тентак бўлдингми?
Гулнор пари, Мисқол пари етимим,
Етимима шунча ишқивоз бўлдингми?

Ёт десам ётади, жавоб бўлса кетади,
Сулувлангдан мартабаси баландроқ,
Жавоб берсам ўзи уйга кетади.

Кетманглар, деб ўзим жавоб бермасам,
Ул-ўлгунча ватанимда ётади.

Етимима шуйтибгина қолдингми?
Аё тўрам, жинни-пинни бўлдингми?
Бир гап бўпти валлакатим ўзингга,
Эмас ерда душман тушар изингга.
Канизимни аё, тўрам, тенг кўрсанг,
Олиб берай, лозим бўлса ўзингга.
Ҳар тарафдан канизларим йиғдирай,
Хотиндан шоҳ, тўрам сизни тўйдирай.
Кўнглингиз қийшайса хизматкорима,
Ғам еманг, хизматкорларимни суйдирай!

Бугун сизга кўрсатаман бўйини,
Кеткараман юракларнинг ўйини.
Мажлис қилиб, ўзим била ўтқазиб,
Агар кўнглинг тўлса қоши кўздан,
Оп берайин Гулнор, Мисқол парини.

Аввал ўзингизни чоқланг, бегижон!
Булар билан қилган ишим битади,
Улгунча ёт десам, бунда ётади.
Жавоб берсам уй-уйига кетади.
Жавоб бермасам, тагин ўлганича,
Булқилламай хизматимда ётади.

Валлакатим жинни-пинни бўлибсиз,
Бу иш бўлса ўзи осон ғам еманг,
Шу палла десангиз, бу иш битади!
Ғам еманг оп берай Мисқол парини,
Тўй қип оп берайин Гулнор парини!
Ихтиёри, тўрам, менинг қўлимда,
Ғам еманг, бу ишлар осон битади!

Йиғайин Чамбилнинг қатта бегини,
Қатта одам буйтиб айтмас ўйини.
Бу ишнинг нложи осон, шоҳ тўрам,
Қилиб берай ой Мисқолнинг тўйини.

Кетиб қопсиз ўзингиздан ҳар замон,
Эрам бордан меҳмон бўлган Мисқолжон,
Куйи қофдан бунда келган Юнусжон.

Ҳиндистондан келган бу, Гулноҳрон.
Агар олиб берсам ишим, айтди.
Тойҳиндига совчи юбор, анжон!

Қулоқ қўйинг ой Юнус,
Иигит куяр ишқивозини тилига,
Отаси зўр подшо, малол аига.
Совчи қўйинг Ҳиндистон, телмасин,
инг элига!

Энди ҳазил билманг айт,
Ҳар тарафга қаратамиз, сўзларни!
Бирдан айтсак жанжал, аларни.
Аввал жўнатайик меҳмон, ўлиб қолмасин,
қизларни.

Йнғиб олай сайёдларнинг
Қуритайин нечовларнинг тўрини,
Қора бошим қора гўрга чўрини.
Ғам еманг оп берай икки, ирмаса,
парини!

Аввал совчи эр кишидан
Ҳазил билманг, валламати, лозимди,
Хат юборсам лашкар кел, м, сўзимни.
Кичик одам деманг, мени, р элимдан,
г ўзимни!

Шунча ҳам кўп бўлди бу
Баракалла Юнус пари селарга хизмат,
Ой Юнуснинг ўзин қил, га деб,
и зиёрат.

Ана энди [Гўрўгли]:

— Шу айтган гапинг бари ростми, — деди.
Юнус пари айтди:

— Менинг гапимнинг ёлғони борми? Хўйт десам лаш-
кар тутиб кетади. Ғам еманг олиб бераман, — деди. Ана эн-
ди Гўрўглибек билан димоғини чоқлаб, ваъдалашиб, Юнус
пари туриб кетди. Меҳмонларнинг олдига етди. Қилди ҳан-
гома, қилди зиёфат. Гўрўглининг хаза, насигача анжом-ас-
га]. Бу анжом-асбобларни кўриб, «агар ўрсатди [меҳмонлар-
ҳам ўлгунча хор бўлмас эканмиз» деди, Гўрўглига тегсак
кетди [қизларнинг]. Ана энди ўрдада, кўнгли қийшайиб
пари, Гулноҳ пари, ҳамма қизларга [ой Юнус], Мисқол
вкан: араб бир сўз айтар

Саргаймасин мешинг ойдай юзларим,
Сизга кўпди юз карашма нозларим.
Айтган гапнинг ҳеч пушмони бўлмайди,
Маслаҳат бер ой Юнусга, қизларим!

Оқшом чолинар хўп қойим созлар,
Мард йигит душманининг бағрини тувлар.
Айтган гапнинг ҳеч зарари бўлмайди,
Маслаҳат бер ой Юнусга канизлар!

Ҳар кимнинг аҳволни худо билади,
Бир одамнинг ранги гулдай сўлади.
Ҳар ким сирни ўрталиқда айтади,
Гулноржон, маслаҳат қандай бўлади?

Кеча оқшом иш қабоҳат бўлибди,
Сўзин айтиб, Соқи созин чалибди.
Мен сизга айтайин бўлган гапларни,
Битта одам ҳамма гапни билибди.
Қизиқ билан ҳеч далага чиқмабми,
Шу, одамнинг эси кетиб қолибди.
Қоровулни қўймоқ даркор эканди,
Билдик, шу ишимиз уят бўлибди.
Ойимлар, маслаҳат қандай бўлади?

Юраги ичи ўртаниб кетибди,
Мен сизга ростини айтсам, Мисқолжон,
Шу, одамнинг чўртта ақли кетибди.

Худоё раҳм айла унинг ҳолига,
Узи каттакандир туркман элига.
Мисқолжон, ўзима беринг маслаҳат,
Бир тасалли шу одамга бермаюв,
Кетиб қолар Ҳиндистоннинг элига.

Ғайрат қилиб неча тоғдан ўтади,
Меҳмонлар, беринглар менга маслаҳат,
Маслаҳатим Чамбилбелда битмаюв,
Шу одамзот бошин олиб кетади.

Ҳай, куйганидди гапни гапга улабди.
Яратгандан эсонликни тилабди.
Бориб эдим қалайсан деб, олдига,
Упкасин босолмай бўзлаб йиглабди.

— У не деганинг?— деди қизлар. Энди Юнус пари кўп гапларни айтди, навбат Мисқол парига етди. Мисқол пари Гулнор парига қараб, ана шуйтиб, бир сўз айтаверди:

Келиб эдик Чамбил шаҳринга меҳмон,
Маст бўлиб кетибмиз бунда бегумон.
Юнус опам бундай деди бизларга,
Маслаҳат бер Мисқолжонга, Гулноржон!

Яхши экан оқшом созин чертади,
Сўзлаганда бадан болқиб кетади.
Гулноржон, ўзима бергин маслаҳат?
Тошошага келиб эдик ҳаммамиз,
Чакки-чукки бемаза сўз айтади,
Гапидан кўнглим ҳуркиб кетади.

Бизар келиб эдик Эрам богидан,
Сайил қилдик бу санам чарбогидан.
Бу сўзни ўйласам, опа, орти бор,
Мен қўрқаман ой Юнуснинг гапидан.

Биз аёлимиз бўп қолмасин қиёмат,
Ҳар жойда бир олло қилсин солomat.
Ой Юнуснинг мен сўзидан қўрқаман,
Гулнор опа, беринг менга маслаҳат!

Нима бўлсак билалашиб бўлайик,
Не иш қилсак рози бўлиб қилайик.
Гулноржон, ўзима беринг маслаҳат,
Икювимиз бир маслаҳат қилайик,

Маслаҳат қинг, энди жонни сотамиз,
Эрам борда олма-вижир отамиз.
Маслаҳат бер, ой Мисқолга, Гулноржон,
Юринг дарров Ҳиндистонга кетамиз!

Қулоқ солманг, ҳарна деса тилига!
Ҳеч қараманг, ҳеч банданинг қўлига!
Ой Юнусни Гулқиз олиб берувди,
Юринг дарров Ҳиндистоннинг элига.

Ҳами замон чакки гапни айтади,
Айтгандан қай ич ўртаниб кетади.

Уйланг, Юнусжоннинг гани иўш қийин,
Ҳами замон чалпас гапни айтади.

Юринг дарров Ҳиндистоннинг элига!
Дучор бўлди туркманларнинг қўлига.
Тезроқ юринг, Ҳиндистоннинг элига,
Йўлиқмайин бахшларнинг қарига!
Ингит халқи сулув қизнинг баҳрида;
Юнус сўзин айтса, ишлар қабоҳат,
Юринг дарров Ҳиндистоннинг шаҳрига!

Энди келмай Эрам боғда юрамиз
Ҳиндистонда уч ой, тўрт ой турамиз,
Сайил қилсак Санам чорбоғ борамиз,
Юринг, Гулнор, отангиз давлатига,
Тезроқ юринг, ватанларга борамиз!

Бу гапларга ҳушим кетди ҳар замон,
Гапни эшитсам юрак бўлар тўла қон.
Юринглар тезроқ Ҳиндистон элга,
Ҳиндистонга дарров юринг, Гулноржон!

Ана энди Гулнор пари Мисқолга қараб, ҳам Юнусжон-
араб, бир сўз айтаверди:

Чамбил элда бўлган завқи-сафома?
Йўлда чарчаб ортган жабру жафома?
Туйқисиндан ёмон гапни айтарма?
Ихтиёрим қўйдим Юнус опама.

Юнус пари юрагимни мойтарма!
Яхши одам айтганидан қайтарма?
Юнус пари ўзи эсли одамди,
Туйқисиндан бемаза гап айтарма?

Пиёлага, балки, майни қўйинг дер,
Оқ баданга гулдор кўйлак кийинг дер.
У гаплардан сенга малол келмасин,
Катта хизмат бўлса сен билан бизга,
Иложи бўлса, эрга тегинг дер;
Бу дунёда айш-ишрат этинг дер.
Кетмаймиз деб айтايки никовимиз,
Эртан билан «хуш келдинг» деб, «кетинг» дер.

Оғяр хизмат бўлса сен билан бизга,
«Ойқалашиб бир кўрпада ётинг», дер.

Тогдагининг кўзи тушар лайлга,
Меҳмон бўлиб келдинг мана ҳовлига,
Унинг учун хафа бўлманг ой Мисқол,
Ҳар ким нима ишлар қилса, майлига.

Париларнинг юзи гуллар нақшидир,
Рустам минган от сараси, рахшидир.
Буйтибгина ёлғиз бўлиб ётгандан,
Бир одамман ўйнаб кулган яхшидир.

Нима деса яхши чопон кияман,
Зулфни тоблаб, қора сочни ёман.
Эр деганга қўрқасанми, ой Мисқол?
Теккин деса, дарров эрга тегаман.

Бу гапингга жоним ҳайрон қолади,
Эрсизларнинг кўнгли вайрон бўлади.
Мен «эрга төг» деса, дарров тегаман;
Қиз деган бир кун куёвли бўлади.
«Эрга теккин», деса Юнус опамлар,
Ростин айтсам сўгин кўнглим тўлади.

Уйтиб, буйтиб шу кундуз ўтди. Энди сўз бошқача бўп
кетди. Илгари гап бўлак эди; эндиги гап рост бўлиб кетди.
Ана энди Юнус пари Гулнор пари билан Мисқол парига
қараб бир сўз айтаверди:

Мен сизга ростини айтай меҳмонлар,
Хон Гўрўгли ётар вақти келибди;
Ҳангомага ўзи қулоқ солибди.
Мен сизларга айтай рост сўзимни,
Кўзи тушиб, эси кетиб қолибди.

Чамбилнинг шаҳрида даврон сурибди,
Уз жойида шундайгина турибди.
Мен сизларга айтаверай қиссани,
Бу дарчадан икковингни кўрибди.
Кўриб икковингга кўнгил берибди.

Айтаверай энди гапнинг ростини,
Ошни, ношни емай уйда ётади,

Ғирни минса Кўйиқоғга етади.
Тагин-а, сизларга гаранг келмаса,
Ой Мисқолни оп бергин деб айтади.

Узум, овқат томоғидан ўтибди,
Киндиккача қоп-қора бўп кетибди.
Гўрўглибек кўриб ҳарна сирларни,
Эсанкираб банги бўлиб кетибди.

Мен сизларга айтаверсам рост гапни,
Ой Мисқолни оп бергин деб ётибди.
Икковингга чўртта кўнгли кетибди.
Мен сизларга айтаверсам бўлганим,
Вой-вой деб, беҳаёл бўлиб ётибди.

Кўнмасанглар, ҳазили йўқ, ўлади.
Хотин деган врга жаннат бўлади;
Ишқибозлик билсанг одамга ёмон.
Қоровуллар қўйди йўлларингизга,
Ҳамин замон ўзи келиб қолади.
Яхши гапман тега қолинг икковинг,
Ҳар қандай бўлса сизларни олади.
Олиб туриб никоҳига солади.
Хўп томошалар қилиб қош-кўзларингизга,
Икковингни иноқ хотин қилади..
Анжом-асбобларни сизга топшириб,
Икковингга ўзи дамхўр бўлади.
Маслаҳат бер, ой Юнусга икковинг,
Гулноржон, маслаҳат қандай бўлади?

Ёмон, эшитибди асал сўзингни,
Хўп кўрибди юз туманли нозингни.
Бўлар гапни айтиб қўяй сизларга,
Худой тақдир қилса олар ўзингний;
Яқинлалатар сенинг жоду кўзингни.
Жанжал қилмай хайр денглар, меҳмонлар,
Ҳар қандай бўлса ҳам олар ўзингни!

Бу Гўрўгли неча тоғлардан ўтган,
Қизил девни бало бўп миниб кетган.
Кўйи қоғга фирибман ўзи етган.
Оти овазама бориб Гўрўгли,
Гулшан боққа бориб, Гулзорда ётган.

Мен ҳам тегмайман деб кўп жанжал қилдим,
Фироб билан ишимни қилиб кетган.
Умри узоқ неча тордан ошгайди,
Кўрган тарафларнинг ақли шошганди.
Гулнор пари, Миққол яри, қулоқ сонг,
Қирқ кун мен тахтимда ухлаб ётганда,
Гулқиз қургур бизни ўзи қўшганди.
Чучук уйқуда қучоқлабди ўзимни,
Ҳийла билан Гулқиз мени қўшганди.
Оп қўйибди, биламай қопман мен ўзим,
Юнус пари сўян дамдан тушганди.

Ана энди Миққол билан Гулнор пари алл ҳайрон бўлди. Юнус катта одам, бу сўзни бежой айтди. Ана энди бу гап оғирга айланиб кетди. Гулнор пари баттоллик қилиб бир сўз айтди:

Гап чиқади куйганларнинг тилидан,
Ошиб келдик ўтди тоғнинг чўлидан.
Умидим Юнусжон сиздан шулмиди,
Келувдим Ҳиндистоннинг элдан?
Ҳеч иш келмас кам ғайратнинг қўлидан;
Нима деса айтганини қилайик,
Эсон-омон кетсак Чамбилбеландан.

Талтайишиб катта одам бўлувдик,
Узбошимчалик ишларни қилувдик.
Сизнинг уйли бўлганлигингизга,
Уй қутауғлаб, «қутли бўлсин», қилувдик.

Неча одам ҳасратимни емайми?
Отам меннинг «эҳақ сенга» демайми?
Бизар тегиб қолсак Гўрўғланбекка,
Ҳайфи лаънат олиб қўйган демайми?
Подшолиққа зўрлик иш уят бўлар,
Ҳамма одам лаънат сизга демайми?
Меҳмонини олиб қўйган демайми?

Ана энди Юнус парига қараб, Миққол пари бир сўз айтварди:

Худоё ўйилсин душманининг кўзи,
Сарғаймасин яхши одамнинг юзи!
Ихтиерим ҳар вақтда сизда.

Менинг ўзим сиздай жонинг қаним.
Жавоб беринг Эрам боқда кетаман.
Қирқ беш кунда тағи Чамбил астаман;
Бориб туриб, ота-энамман гашилашиб,
Ундан кейин олдингизга келаман.
Келиб туриб сўнгра хизмат қиламан.

Амрингизда то ўлгунча бўламан,
Бул калламни этагингга соламан.
Маслаҳат битириб, бориб келаман,
Чин сизқидил келиб хизмат қиламан.

Айтадиган ўзим йнғинда сўзма,
Қарайдиган отама икки кўзман;
Дўсти-душман яна таъна қилмасин,
Ҳаминша мен сизга яхши қанизман.

Ўзим сизга келмоқликка хат берай,
Балки, Юнус, ўзим сизга зот берай.
Амрингизни қиламан деб айтувдим,
Тилгинамдан келмоқликка хат берай.

Тилла пиёлага асал қуяман,
Бориб Эрам богдан одам йнғаман.
Оламан деб ишқи келса полвонинг,
Тағин-а, жанжаллашиб сиз юрмасанг,
Кўнгли кетса, теккин десанг, тегаман.

Тағин-а, бир куни гамага тўлмасанг,
Тегиб қўйсам, кўнглингга оғир олмасанг,
Хон Гўрўгли яхши кўрса ўзимни,
Тўқол, деб онажон жанжал қилмасанг,
Ҳали ҳозир кетаман Чамбил элингдан,
Сен бандасан, ҳеч иш келмас кўлингдан,
Тегиб қўйсам урушмаслиққинамга.
Сен ҳам ҳужжат беринг, Юнус тилингдан!
Кўнглигинанг ошдай бўлиб тошмасанг,
Араз уриб Бало тоғдан ошмасанг,
Аёл деган бахтга бежой кудди,
Тўқол, деб сен бир куни юлшмасанг,
Тег десанг, тегайин Гўрўгли хонга.

Ана энди Мисқол пари айтди:

— Юнус подшоҳим, ҳали-қозирча «теккин», деб мард бўласан. Визар тегиб қўйсақ сиздан тортиб олиб қўямиз Гўрўрелини. Сўнг қип-қизил дард бўласан. Ана энди айтадиган гапимни айтиб бўлдим. Энди ўзинг биласан,— деди. Ана энди Гулнор пари Юнусга айтди:

— Хайр, агар Мисқол тегса, мен ҳам текканим,— деди. Ана Юнус пари Гулнор билан ой Мисқолга қараб бир сўз айтаверди:

Чалқиган кўл ўрдак билан ғозники,
Тўй бор ерда яхши созман сўзники.
Сўзгинамни икковинг синдирмасанг,
Чамбил шаҳри то ўлгунча сизники.

Эшитинг Мисқолжон ўзимдан додди,
Бир неча хушвақтди, нечов бўзлатди.
Ул¹ суйинглар, қиз суйинглар дунёда,
Икковингга бериб қўйй калитти.

Давлатлиман кўнглингни жўширай,
Душман қурсин, ақилларни шоширай;
Айтган сўзни қабул қилсанг икковинг,
Ҳарна борни икковингга топширай.

Қабул қинглар Юнус пари тилини,
Шамол чангитади тоғнинг белини.
Агар қабул қилиб тегсанг икковинг,
Топширай иккиннга ҳамма пулини.
Обод қинглар, энди Чамбилбелини!
Аввал Эрам боққа иккинг боринглар,
Кўриб кенглар Ҳиндистоннинг элини!
Келгандан кай тўй қиламан Чамбилда,
Томоша қинг Асқар тоғнинг белини!
Икковгинанг қабул қилсанг, чироғим,
Бор сизларга бердим туркман элини.

«Гап шу, гап шу», дейишиб энди учови, ҳамма қиз ботига кўтарди қўлини. Уйтиб, буйтиб кун намозшомга етди. Ана энди ё фириб бўлди, ё рост бўлди. Ҳамма одамга рост, ростга чиқиб қолди. Ана Юнус пари талпайибгина мийиғида кулиб, бели буралиб, Гўрўғлибекнинг олдига ку-

¹ ҲНА.

либ борди. Юнуснинг кулагидан умид қилиб, Гўрўглибек
жойидан туриб, бир сўз айтаверди, Юнусжонга қараб:

Туя жетган¹ баланд тордан ўтдимми?
Изингдан садага, жоним Юнусжон,
Совчилигинг, Юнус пари, битдимми?
Пиширган овқатни қизлар едимми?
Яхши гапни эсла одам дедимми?
Кулишингдан мен садақа, ой Юнус,
Ой Мисқол, қаддингдан, хайр, дедимми?

Тоққа чиққан пастга қараб эндимми?
Айтган гапинг париларга қўндимми?
Мен айланай сенинг қилиққинангдан,
Мисқол билан [Гулнор]² пари кўндимми?

Заргарда ўқидим алиф забарди,
Шоир одам айтса сўзга чеварди.
Яхши гапга фаришта омин демиш,
Совчиликдан менга бергин хабарни,
Қаддингдан, совчилик, айтгин битдимми?

Эшитгин Юнусжон менинг зоримни
Хайр, деса сарф айлагин боримни.
Совчилигинг битган бўлса, ой Юнус,
Тўй қип, талат хазинада заримни.

Менга кўрсат Гулнор пари бўйини,
Сен кеткардинг юрагимнинг ўйини!
Совчилигинг битган бўлса, қаддингдан,
Қилавергин Мисқолжоннинг тўйини!

Чақириб кел Туркман элнинг бийн билан
бойини,

Пойгага бойлагин дўнан тойини!
Қабул қилса Мисқол билан Гулноржон,
Қизиқ қилгин икковининг тўйини!

Ширинкомасига аввал кўрайин,
Бир кўрсатгин ўтиришда бўйини!

¹ Жетган — етган, етаклаган.

² Қўлёзмада «Юнус пари» дейилган. Бу дostonчининг хотирпа-
ришонлиги натижаси бўлса керак.

Ҳоним бўлсин учоғимнингдан қурбон,
Ғирни мишсам яқин бўлар Хандистон,
Хайр деса, элни йнгиб тўй қилгин,
Катта тўйни қилавергин, Юнусжон!

Қуллуқ деб, Юнусжон Мисқолжон, Гулнор пари билан Гулчеқрани ой Зайдишнинг олдига етди. Ана шуйтиб, ҳангама чақ-чақ қилиб, хўп ҳангамалашиб ётди. Юнус пари айтди:

— Энди Мисқол, Гулноржон! Хайр десаглар, куёб келса қиз тайёр деган экан,— деди. Мисқол айтди:

— Бизлар еизнинг кўнглингизга қараб, «бир подшомизнинг уйли бўлганини қутли бўлсан қилиб келамиз», деб кўрган ҳузуримиз шу бўлдимми?— деб жавоб айтди. Ана Гулнор паридан эшитмақ даркор гапни. Мисқолга қараб Гулнор пари лабин тишлади. Энди иккови келган бир меҳмон. Гулнор пари айтди.

— Шу бугун ҳангама қилайик, Гўрўғлибекни ҳам айтиб келинг! Хўп гаплашиб, ўрганишиб олайик, гапга солаёик,— деди. Шунга иттифоқнома қилди. Гулнор пари уйтиб, буйтиб алдамоқчи бўлди. Кун хуфтондан ўтди. Юнус пари келиб, Гўрўғлини ияртиб кетди. Ана энди уйтиб, буйтиб кун хуфтондан ўтиб кетди. Гўрўғлибек кмириб келди. Юнус пари кўлтиғидан маҳкам суяб олди. «Хизматингизнинг кўланкасида» деб, Гўрўғлибек маст бўлиб қолди. Ҳамма қизлар гувлаб тура келди. Гўрўғлибек ўтиб тўрни олди. Қизил гулдай яшнашиб, терлаб кетди пишнашиб, чўп терлашиб, кўрган кетди ҳисобидан адашиб. Гўрўғлибекнинг кўнгли кетди жўшиб. Ана энди Гўрўғлибек меҳмонларга қараб бир сўз айтаверди:

Ҳеч одамзот айрилмасин хайрдан,
Одам юрар баланд тоғда чийирдан.
Кўзингдан жон айлансин, Юнусжон.
Ростин айтгин, меҳмон қизлар қаерда?

Ёмонликка, яхшиликка ярайман,
Ев кўп бўлса дурбин олиб қарайман,
Меҳмон қизлар қаердадир, ой Юнус,
Мазҳабини, миллатини сўрайман.

Яхши кўрдим меҳмон қизинг рўйини,
Эли бойлар минар дўнам тойини,

Мазҳабини, миллатини сўрайман,
Бай бергини, меҳмонларнинг жойини!

Билиб олай ҳам зотини, отини,
Узим кўрай, кўнгилларнинг шодини.
Қаддингдан кетайин Юнус паризод,
Менга айтгин меҳмонингнинг отини!
Ростин айт меҳмонлар на элдан келди?

Чопилса пайд берар бедов майиби,
Қўласин йиғитни пири гойиби.
Сўрайман меҳмонлар қайси шаҳардап,
Сўраганнинг асло бўлмас айиби.

Эшитсам экан-да, меҳмон сўзини,
Қийшайтмайди менга икки кўзини.
Хурга ўхшаб мақом қилиб турибди,
Авлодини, миллатини сўрайман,
Бир эшитай меҳмонингнинг сўзини

Урушда ўшайди чин тулпор ҳайвон,
Меҳмонларнинг эшитайин сўзини,
Гўрўгани урушмагин, Юнусжон!
Ростин айт, меҳмонлар қайси шаҳардан?

Бир эшитай бу қизларнинг тилини,
Қайси элдан, қайси чўлдан келади,
Менга айтгин бу қизларнинг элини!
Айтаверинг, меҳмон қизлар қаердан?

Гулнор пари Гўрўглига қараб бир сўз айтаверди:

Кўрмакка отамнинг икки кўзиман,
Соғинса, саргайган ойдаи юзиман.
Мазҳабимни, миллатимни сўраса,
Ҳиндистонда Той ҳиндининг қизман.

Ҳиндистон дер, менинг мамлакатимни,
Кимга айтай, юрагимда дардимни.
Мазҳабимни, миллатимни сўраса,
Ҳиндистонда Той ҳинди дер отамни.
Ҳинди дейди, менинг бу миллатимни.

Баланд тоғлар аччиғанса паст эдик,
Душманга ҳамisha бизлар қасд эдик.

«Қутли бўлсин», қип келувдик Чамбилга,
Юнус билан бир вақтларда дўст эдик.

Сўзламоққа ҳангамада тилим бор,
Очилган боғларда тоза гулим бор.
Қиз халқига аввал совчи қўймайми?
Отам подшо, Ҳиндистонда элим бор.

Мен меҳмонман кўп раҳм айланг ҳолима,
Ҳиндистонда булбул қўнар гулима.
Бу ишингиз энди уят бўлмайми?
Кетаман ҳали ҳозир ўсган элима.

Ана энди ҳангомани бошлаб, Гўрўғлибек ўзи анграйибди,
бурни танграйибди, қизларнинг ўрталигида, ҳар тева-
ракка қараб, шанграйиб, Мисқол парининг канизлари,
Гулнор парининг канизлари бири оқ кийган, бири нопар-
мон кўк кийган, бири қизил кийган, бири адрас кийган,
бири банот кийган, бири қирмиз кийган, сочлари товонга
тушиб, юзи қизил олмадай пишиб, тилла латипалар лабга
тушиб, ҳақиқ мунчоқлар жовдир-жовдир этиб, киндикдан
ошиб, сирғаси ҳар ранг қимирлаб турибди кўш, оқ, яшил
ҳар ранг товлаб турибди. Соқибулбул келиб, совчи чалиб,
бир сўз айтаверди, қизларга қараб:

Жон қизлар қулоқ сонг тилга,
Учасизлар катта белга.
Йиғитнинг дармони қизлар,
Меҳмон бўлсизлар Чамбилга,
Жоним қизлар, қадамнинг менинг устима.

Хуш келибсиз, санам қизлар,
Тиши оппоқ, дурдай қизлар,
Бутадай ярқиллаб кўзлар,
Ҳиндистондан, Эрам боғдан,
Меҳмон бўлган мулла қизлар,
Мулла қизлар, тилла қизлар!

Серақилли жонон қизлар.
Кўрган одам мен олсам, деб,
Олиб ҳангама қилсам, деб,
Хизматима мен солсам, деб,
Чинниман ишқибоз бўлар.
Элни обод қилган қизлар,

Чамбилдан кетманглар сизлар,
Мулла қизлар, тилла қизлар!

Кўрганда бўлмайди армон,
Танадан кетади дармон.
Эрам боғдан, Ҳиндистондан,
Йиғилишиб азиз меҳмон,
Ҳамма одам интизор, қизлар,
Гапирган гапим эп бўлар,
Бундан кўп бўлса лоф бўлар.
Жунин уурса қоп бўлар.
Йўлдан ўтса қараб одам,
Қизнинг куёви кўп бўлар.
Тақдир қилган олар қиёни,
Яхши қизлар жонга қувват.
Бир одам интизор бўпти,
Гўрўглини қизлар юпат!

Сатта улкан семиз қизлар,
Қора қошли жоду кўзлар,
Кўкракда тебраниб безлар,
Бизни уришманглар сизлар.
Мулла қизлар, тилла қизлар!

. Ана энди шу турган қизлар гулдай яшнаб, бир-бировига қараб, лабини тишлаб, вақтини хушлаб, ҳамма қизлар өриб кетди. Баракалла Соқибулбулга, ўлганча айттириб одамни мақтаган экан. Гулнор пари Мисқолжонга айтди:

— Ҳар ким топганини айтари бўлди, вақтли туриб ўйга қайтари бўлди,— деди. Мисқолжон:

— Улмағин. Бир ўртага кириб, бир сўз билан мажлис қилайик. Бир буралиб, май сузиб бергин, қиёматгача ёдгор қолсин,— деди. Ана энди Мисқол пари уят-суятни қўйиб, ўртага кириб, Мисқол пари рўмолни елкага қайтариб ташлаб, лабини тишлаб, шу Юнуснинг гулдор пиёласини қўлига ушлаб, худди ўн беш кунлик ойдаё болқиб, ана Мисқолжон ҳар кимга қараб, сўз билан косани узатишини кўринг!

Омонат банданинг жони,
Куймагай-да устихони,
Навбатни онг Чамбил хони,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Уйилмагай-да қовоғи,
Юракнинг кетгай-да доғи,
Навбатни онг Чамбил беги,
Беклар, аллаёр-аллаёр!

Ортмагай-да жабри шафо,
Бўлсин бунда завқи сафо,
Косани онг, Юнус опа,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Ўзим келувдим макондан,
Сайил қилдим гулистондан,
Косани онг Мисқолжондан,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Мисқол косани узатди,
Билсанг бу дам ғаниматди,
Олинглар, майнинг навбати,
Авж қинг, аллаёр-аллаёр!

Қиз чиқади исмалоққа,
Ҳали, ҳозирга ўзим якка,
Биз кетармиз Эрам боққа,
Қолдинг, аллаёр-аллаёр!

Ширин жонимни сотарман,
Неча тоғлардан ўтарман,
Эрам боғига кетарман,
Жонлар, аллаёр-аллаёр!

Юракнинг йўқдир рубори,
Кўрганнинг кетар мадори,
Косани ол, Чехра пари,
Олинг, аллаёр-аллаёр!

Косани олинг қўлимдан,
Ол косани, Зайдин пари,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Карвон тиркар иорча лўкни,
Сайил қилсак Эрам боғни,
Бу кундан кай кўрмоқ йўқди,
Қолдинг, аллаёр-аллаёр!

Тез келармиз тоғи бунда,
Авор берманглар меҳмонга,
Гуй тортади ғангир ғозлар,
Навбат, аллаё-аллаёр!

Келар энди баҳор, ёзлар,
Косани онг, сулув қизлар,
Қизлар, аллаё-аллаёр!

Юрагимда йўқди кеклар,
Булдирайди кўп чарвоғлар,
Асли бўлмағи бедимоғлар,
Майни ичинг келинчаклар,
Ичинг, аллаё-аллаёр!

Оқшомликка куёвингни
Қучинг, аллаё-аллаёр!
Оқшомликка куёв қучинг,
Банот, адрас тўнни бичинг,
Одам ғанيمات, ол косани,
Ичинг, аллаё-аллаёр!

Ана энди бир тун, сози сўз билан бир минутча бўлмай,
тонг отди. Ама Гуанор пари кун ёйила, кун ёйила чошкада
жавоб тилаб, ой Юнусга қараб, Гўрўглибекка қараб, бир
сўз айтаверди.

Мен бормасам энам хафа бўлади,
Отам элатман маслаҳат қилади.
Кўп меҳмон бўлдик шаҳри Чамбилга,
Энди Ҳиндистонга кетсак бўлади.

Жавоб олмай кетсак, энди ҳаммамиз,
Уй ағасига гаранг кеп қолади.
Юнус опа, энди беринг маслаҳат,
Ҳиндистонга кетсак яхши бўлади!

Меҳмон деган ётаверса бир жойда,
Борган ҳовли бесаранжом бўлади.
Жавоб беринг, Юнус опа, бизларга,
Кетганимиз кўп яхшироқ бўлади!

Энамизнинг юраклари дәрд бўлар,
Бир неча қўрқоқди, биров мард бўлар.

Жавоб беринг, Хиндиетонга борайин,
Энамизнинг икки кўзи тўрт бўлар.

Етаверса бир ватанда шу меҳмон,
Уй эгаси чарчаб гаранг бўп қолар.
Энди жавоб тегсин элга кетамиз,
«Қутли бўлсин» қилдик. Чамбил шаҳрига.
Савдогар кетади Машҳад, Мориға.
Рози бўлинг энди бизар қайтайиқ,
Жавоб беринг, ой Гулнор парига,

Хамма бўлсин, энди бизардан ҳуррам,
[Эрам боғдан] келиб эди [Мисқол],
Жавоб беринг, биз элатга кетамиз,
Рози бўлинг, [Гулноржондан] опаюн,
Саргаймасин ҳеч одамводнинг юзи,
Худоё ўйилсин душманнинг кўзи!

Энди хайр деб Юнус пари Гўрўглибекка қараб, Гўрўглибек ой Юнусга қараб, кўзгинаси жовдираб, ҳисоб йитди, қулоқ жиққа битди. «Бир нарса беринг меҳмонга» деб, Юнус пари Гўрўглибекка бир сўз айтаверди:

Гулнор билан Мисқол пари келганди.
Қаъда қойим нарса олиб келганди.
Кетарига нима лозим бўлади?
Бирор нарса лозим бўлиб қолганди,
Подшоҳим, Юнусга беринг маслаҳат!

Аёл халқи уйдан қуруқ кетмайди,
Нима лозим меҳмонларга, тақсиржон?
Вақти хуш бўлса тез-тез келади,
Мулла қизлар кўп гапларни билади.
Калтачаман, яхши рўмоллар берсам,
Бир ойга қолмайин тез-тез келади.

Юрган жойи Лангар тоғда дашт бўлсин,
Сиз подшосиз от қолгудай иш бўлсин!
Яхши мунчоқ, яхши рўмоллар ола,
Аёл деган киймига қувонади.

Меҳмонларнинг жуда вақти хуш бўлсин,
Ҳеч индаманг шу сафар меҳмон кетсин!

Ақлини шу меҳмонлар урлатсин,
Хушвақт бўлиб кетса тез-тез келади,
Ҳеч сирни билдирманг, уят бўлади!

Гўрўғлибек қўлини имлаб, уйга кирганиб, Юнусга қараб бир сўз айтаверди:

Эшитгин, ой Юнус, ўзимдан зорни,
Елгон дунё, моли давлат бекорди,
Қаддингдан кетайин, бойбичча Юнус,
Нима десанг беравер, ҳар на борни!

Қойил бўлсин ҳамма хотин ишингга,
Ҳеч ишим йўқ сенинг вақти хушингга.
Гавҳар таққан қасаваларни бергин.
Қасавалар қўндириб қўй бошига!
Кетар бўлса, рози бўлсин, ой Юнус,
Чиқариб жўнатгин Чамбил дашига!

Тилла, гавҳар бериб меҳмон жўнатгин,
Жуда-буда вақтларин хуш этгин!
Қаддингдан, кетайин Юнус паривот,
Вақтин хуш қип меҳмонларни жўнатгин!
Либос, пўстак меҳмонларга ташлагин,
Хитойи товоққа овқат чошлагин!
Сен жўнатар бўлсанг келган меҳмонни,
Ҳар ранг кийим бериб каниз ўзига,
Бежойгина кетса, вақтин хушлагин!

Эмаса, қаддингдан, жонингни сотгин,
Вақтларни бежойин кўп хуш этгин!
Сен чиқариб Чамбил элнинг дақтига,
Эсон-омон меҳмонларни жўнатгин!
Нима деса, ўзи дегудай бўлсин,
Жуда хушвақт бўлиб кетсин Чамбилдан,
Ҳиндистондан дарров келгудай бўлсин!

Хушвақт бўп ой Юнус чопқиллаб кетди,
Меҳмоннинг олдига югуриб етди.
Қайтинглар, деб илртириб ой Юнус,
Бошқаватдан олиб уйига етди.

Бежой, меҳмонларнинг вақтин хушлади,
Қошин қоқиб, лабларини тишлади.

Аркон давлат Чамбилда бежой кўп деб,
Шиғирлатиб опкеп кийим ташлади.

Чамбил элнинг хотин-қизин йиғдирди,
Бўқча-бўқча кийим опкеп ой Юнус,
Урталиққа томдай уйиб ташлади.
Томшалар айлаб Юнус ишига!
Гавҳар таққан қасабани опкелиб,
Шундай қўйди Гулноржоннинг бошига.
Яхши ўсмаларни қўйди қошига,
Садаф, ҳақиқ тақди қордай тўшига.
Сурмаларни кўзга қўйиб ой Юнус,
Тишқолни қўйди оппоқ тишига.

Тилла косаларга майлар қўйдирди,
Меҳмон кетар деб добилни туйдирди.
Мисқол билан Гулнор деган парига,
Яхши тилак, Кўйи қофдан опкелган,
Хўп муносиб яхши кийим кийдирди.

Меҳмонларнинг чўртта кўнглин тўлдирди,
Дунёликдан кўнгиллари тўлдирди.
Нима деса энди қилгудай бўлди.
Кўзлари сузалиб, ичдан қувониб,
Тагин қайтиб Чамбил келгудай бўлди.

Карнай-сурнай тортиб, ногора қўйиб,
Чамбилнинг элидан кўп одам йиғиб,
Эсон-омон кетсин меҳмонлар, деди;
Беш тош йўлғача қоровул қўйди.

Карнай-сурнай Чамбилни бўлкуллатди.
Ой Зайдинман энди Гулчеҳра пари,
Қўлтиғидан суяб Гулноржонни,
Мисқолжонни суяб ўнг қўлтиғидан,
Бардор-бардор қилиб келган меҳмонни,
Танга-тилла сочиб шундай бошидан,
Юнус пари ҳеч кетмайди қошидан.
Дарвозадан оиниларни чиқариб,
Гувалакдай айланади бошидан.
Эиёфатдан, сарпойдан ҳеч кам қолмади;
Розия бўлди Юнусжоннинг ишидан.
Чамбил элни кўп одам босиб кетди,

Шодиёна қўйиб кўп шодмон этди.
Изват, ҳурмат қилиб Юнус паризот,
Кийимдан чўртта кўнглини тўлдириб,
Ҳиндистонга Гулноржомни жўватди.
Эрам боққа Мисқолжон қанот бойлаб,
Гулнор пари қанот бойлаб, париллаб,
Осмонга давра олиб¹ кетди.

Ҳамма одам бу қандай сир дейишиб,
Ҳайрон бўлиб, ҳамма одамлар қайтди.
Уй-уйига бу гап қандай бўлди деб,
Авлиё экан, келган меҳмон деб,
Ҳамма одам уйига келиб ётди.
Кўрган одам бари ҳайрон бўп кетди.
Юнусжон Гўрўгли олдиға етди.
Ҳай аттанг, деб Гўрўглибек хафа бўп,
Майиб нордай чўкиб, қужрада ётди.
Жуда-буда яхши кўриб Мисқолни
Гўрўгли беҳуш бўп ўзидан кетди.

Ихлос уриб, ҳар паридан тер кетиб,
Кўрганларнинг юрагидан чер кетиб,
Париллаб учади ҳар бир осмонда,
Мисқол билан Гулнор Ҳиндистон кетди.
Қаршидан ўтди-да, Лангарга етди.

Рўпарой бирчакка қарашиб кетди.
Афгоннинг устига жон сотиб етди.
Ҳар паридан чакиллаб, тер тўкилиб,
Ҳиндистонга қараб Гулноржон кетди.
Бежойин кўп вақтларин хушлади,
Ойимларнинг кўнгиларини жўшлади.
Тағи уч кун оралиқдан ўтганда,
Яқинлашиб Ҳиндистоннинг шаҳрига,
Той ҳиндининг бориб гулшан боғига,
Гулдай яшнаб Гулнор, Мисқол ташлади.
Гавҳар супанинг устига чиқиб,
Бежойин кўп вақтларин хушлади.

Ўтириш косаси, ичар навбатди,
Ой Юнусман қилиб келди суҳбатни.

¹ Қўлёзмада «даврилиб».

Гулнор пари, Мисқол пари келди деб,
Гулранг ойм қиз келганин эшитди.
Хушвақт бўлиб юраклари ёрилиб,
Аста-аста чопиб Гулнорга қайтди.
Юра-юра кўп соғинган қизини,
Болам деб яқинлаб, олдига етди.
Кўп соғиниб қолган бу энасини,
Энам деб, Гулноржон олдига етди.
Томоша айланг ой Гулнорнинг ишига,
Мисқол пари чопиб борди қошига.
Болам деб қулочин ёзиб Гулрангжон,
Нега кеч қолдинг чироққинам деб,
Болам деб, қучоқлаб олди тўшига.

Шунда қараса, Мисқолман Гулнорнинг ҳаёли бошқача бўпти. Юриш-туришлари қашқача бўпти. Юнуснинг берган анжом-асбобларини кўриб, аччиғи келиб, ана Гулранг пари бир сўз айтаётгани:

Билмаганинг билдирайин, билмасанг,
Садага, муродга етгин ўлмасанг!
Бир сўзим бор, айтай энди, Мисқолжон,
Икковнинг кўнглингга оғир олмасанг.

Бир шаҳарга бориб сарпой кийдингми?
Шу шаҳардан бориб одам йиғдингми?
Уришмасанг сенга айтай, чироғим,
Икковгинанг бир одамга тегдингми?

Эрга теккандайин кийим кийибсан,
Ҳақиқ мунчоқ бўйнингга осибсан,
Билдим, бировнинг кўкайин кесибсан.
Талтаясан икковгинанг ер ютгур,
Оёғингни онда-сонда босибсан!

Мен билувда соч богингни туйибсан,
Яхши косаларга шарбат қуйибсан;
Умганинг, кўтариб, оёғинг босиб,
Кўнглинг ҳаво қип бировга тегибсан.

Мен билмайман, на ерларда ётибсан,
Энасидай сен саңдираб кетибсан.
Йигувсиз шарманда ўла қол.
Билдим, бировнинг қўйнида ётибсан.

Ростни айтгин, ўзинг кимни олибсан?
Эрга тегиб бир балога қолибсан.
Бировнинг қўли кўнгилни ўстирар,
Жимийишиб, талтайишиб келибсан.

На тоғларда, қайси чўлдан ўтибсан,
Бўлкиллаб кимнинг қўйнида ётибсан?
Биров чангаллаб қўйганди безингни,
Бетларинг чуйканиб сенинг кетибди.

Муччилабди сенинг ойдаи юзингни,
Отасиз, онасиз бўлиб юргунча,
Ўлдираман ер ютгурлар ўзингни!
Сўйиб ташлай сендай чанги қизинни!

Тоза чопиб ташлай сенинг ўзингни!
Томоша айлаиغ Гулранг пари тилига,
Булбул ошно бўлар богнинг гулига.
Ўлдираман, деди бу аччигланиб,
Чирқиллатиб қайчи олди қўлига.

Томоша айлаиغ Гулранг пари ўйига,
Яхши қизнинг ҳамма келар тўйига.
Эшикларни қулфлаб қўйиб бу Гулранг,
Қамаб қўйди ҳаммасини уйига.

Йўлингни, ўлгирлар, тўсаман деди.
Шундай қайчини олиб қўлига,
Бурун-қулоғингни кесаман деди.

Ана энди Гулнор пари энасидан қўрқиб, «бурун-қулоғингни кесса, айбдор бўлиб қоламиз» деб, Мисқол парига лабини тишлаб, Гулранг пари энасига қараб, бир сўз айтаверди:

Вой энажон, ўзим маст бўп кетувдим,
Эрамнинг богига ўзим етувдим.
Унинг учун жанжал қилманг, энажон.
Эрам богда сайил қилиб ётувдим.

Кир кийимни ювиб, зулфинг тарагин,
Яхши кўзман мендай қизга қарагин!
Санам чорворига бориб ётувдим,
Ишонмасанг, ой Мисқолдан сўрагин!

Ҳамиша ҳам неча тоғдан ўтардик,
Тортқиллашиб, ҳазиллашиб ётардик,
Ишонмасанг, Мисқолжондан сўрагин,
Ҳаёллашиб кўп кун юриб кетардик!

Бундай демас эдинг эна бизларга,
Ўн беш кунлаб, ўн уч кунлаб кетардик,
Ишонмасанг, Мисқолойдан сўрагин,
Ҳамиша ҳам кўп хаёллаб кетардик!

Чакки-чукки гапни менга айтасан,
Сен тентак бўлдингми, нега уйтасан?
Энажоним, жинни-пиппи бўлдингми?
Нега менга сафсата гап айтасан?

Бир неча одамлар, «э ҳақ» демасми?
Қишнинг гамини ёзининг кунини эмасми?
Сандирайсан-мандирайсан энажон,
Айтган гапинг, эна, уят эмасми?

Бу гапингни дўсти-душман билмайми?
Қариндошнинг кўп аччиги келмайми?
Отам эшитса айтган гапингни,
Келиб туриб, алва-далва қилмайми?

Зиён-пиён эгасизни урдими?
Халқ эшитса, бу иш уят бўлмайми?
Угайчиликдайин сен сандирадинг,
Бу ишгинанг элга номус бўлмайми?
Ҳар тарафга гап овоза бўп кетиб,
Номусгинам, элга, эна, келмайми?
Ишонмасанг ой Мисқолдан сўрагин!

Мисқол пари Гулранг парига қараб бир сўз айтаверди:

Бундай десанг кўнглим қолиб кетмайми?
Юнус пари Эрам боққа етмайми?
Энаси қизига шундай деди деб,
Мана қизлар бир кишига айтмайми?

Айтиб туриб, дангама қип кулмайми?
Бу ишингиз элга ошқора бўлмайми?
Эрам боғи, Ҳиндистон эл билмайми?
Элга юзинг чиркөөли бўп қолмайми?

Мени десанг бу гапни бежой айтдинг,
 Гулнор қизинг сондан чиқиб келмайми?
 Бундай десанг араз уриб кетаман,
 Қизгинангинг мен бетига қарамай,
 Қайтай ўзим дарров уйга қайтаман.
 Ҳазимизман барабар кўриб эдик,
 Чўртта ватанингга келмай кетаман.

Ана энди қизлар ҳаммаси йиригилишиб, қовоғи уюлиб, хафа бўлди бечоралар. Биров-бировига қараб, билди-билди деди. Ана энди айтган гапига уялиб [қолди], Гулранг пари. Аста шу оқшом ҳангама қилишиб ётди: Ана энди ярим кечага етди. Гулранг пари уйига кетди. Уй оғмоқ бўлди. Кун ярим кечага яқинлаб қолди. Мисқол билан Гулнор пари қилди: маслаҳатни. «Ваъда, шу ваъда» деб, хайт деб Мисқол пари канизлари билан Эрам боғига давра олиб учиб кетди. Бориб ўзининг Эрам боғдаги нақшли иморатларига тушди. Шу, одамнинг иси Эрамнинг боғини тутиб кетди. Ана энди шу кўргуликда тонг отди.

Мисқолнинг энасини Хоним пари дерди. Ана энди, бу аҳволотлар Хоним ойимга етди.

«Вой-вой Мисқолнинг баданини... одамнинг иси тутиб кетибди» деди. Бу гапни Хоним пари эшитди. Шу, гайрат қилиб, Мисқолнинг олдига етди. Аччиғлаиб, Мисқолнинг олдига келиб, бир сўз айтаверди:

Юрак-бағрим бўлиб кетди тўла қон,
 Қиз бўй етса донги кетар бегумон.
 Биласанми қиладиган ишингни,
 Илоё нозинг қурсин, Мисқолжон!

Ростин айтгин ўзинг кимман ётибсан?
 Душман туширдигини менинг изима?
 Ул-ўлгунча таъна қилдинг юзима.
 Текканлигинг сенинг уят эмасми?
 Борган шаҳарингни айтгин ўзима!
 Ула қолгур, ўзинг бундан кетибсан,
 Қизлар билан базм чақ-чақ этибсан.
 Кўзгинанг бўзармай ўлгур, ой Мисқол,
 Ростин айтсам, сен бировман ётибсан?!
 Борган шаҳарингни айтгин шарманда!
 Қилиб кетдинг мени бевақт армонда;
 Кимга тегдинг, ростини айтгин, Мисқолжон?

Эшитайин сен ер юткур тилингни!
Сулдириб борларда тоза гулингни,
Илоё яшамай ўлгин, ой Мисқол,
Менга айтгин бориб келган элингни!
Ростин айтгин, кимга тегдинг, Мисқолжон!?

Ёмон кўрдим сенинг бу келишингни.
Илоё дингиллаб ўлгур, Мисқолжон,
Мен кесиб қўярман тандан бошингни!

Қўп аломат сир бўп қолди ўзима,
Еруе дунё қоп-қорадир кўзима.
Баданинг сасиб, бўнгиб кетибди,
Теккан одамингни айтгин ўзима!

Менга айтгин бориб келган элингни!
Кесиб олай яшамагур тилингни!
Обрўйингни тўкиб кепсан шарманда,
Менга айтгин бориб келган элингни!
Илоё ҳангаллаб ўлгин, ой Мисқол!
Худоё дунгалаб ўлгин, ой Мисқол!
Тоғлардан юмалаб ўлгин, ой Мисқол!
Борган шаҳарингни айтгин, ростини!

Ана энди ой Мисқол, «бу ҳамма гапни биледи, обрўйим
тўкилиб қолади. Энди бунга ростини айтай» деди. Энди
Мисқолдан эштинг рост гапни:

Эна тўғри гапни сизга айтайин,
Аччиглансанг ватанингдан қайтайин.
Агар ноним ботган бўлса, энажон,
Рози бўлгин эса бундан кетайин!
Ватанима мен вақтли етаини!

Эна эсинг кетган бўлса,
Неча тогдан ўтган бўлса,
Агар ноним ботган бўлса,
Рози бўл, эна, кетайин!

Овқатимни биров берар,
Бир одам асбатлаб кўрар.
Эна, малол келган бўлса,
Жавоб бер эса кетайин!

Чакки-чукки сандирайсан,
Эна нега мандирайсан?



Рози бўнглай эса биздан,
Кўнглим тўлди эса сиздан.
Безор бўлсанг биздай қиладан,
Жавоб бер, энди кетайин!

Ширин жонларни сотайин,
Неча дарёдан ўтайин.
Агар тузим ботган бўлса,
Ватангинангдан кетайин!

Бир нечалар қотган бўлса,
Зардоб, заҳм ютган бўлса,
Кетайин, эна, уйингдан,
Кийим, рўмол ботган бўлса!

Бир одам қовогни туяр,
Сўзгинам ҳар кимга ёқар,
Юрганлигим малол келса,
Узи учун биров боқар.

Бундан ўзим кетган эдим,
Ҳиндистонга етган эдим.
Ҳиндистонда кўплар юриб,
Афғонистоннинг устиман,
Чамбилбелга кетган эдим.

Жаҳонни қидириб юрдим,
Чамбилбелда уч кун турдим.
Туркман элнинг подшосига,
Гулнор билан икковимиз,
Уч кунгина меҳмон бўлдик.

Ой Юнусдай подшомизни,
Унинг эрга текканини,
Бориб қутли бўлсин қилдиқ.
Қизлар билан, одам билан,
Уч кеча-уч кундуз турдик.

Одамзот ҳам яхши экан,
Меҳмон бўлиб туз еб келдик.

Эна уришма ўзимни,
Одамзотман бизар бориб,

Бежой ҳангомалар қилиб,
Яхши чақ-чақ мажлис қилиб,
Катта одам бўлиб келдик.

Юзи гулнинг нақши экан,
Узи элнинг раҳши экан.
Кўриб келдик Чамбил^о элни,
Соқибулбул созни чертди,
Ҳаммамизни мақтаб айтди,
Бежой шоир бахши экан.

Қозоқнинг оти оқтади,
Уста куйдирган сўқтади.
Соқибулбул ҳаммамизни,
Шоирлик қилиб мақтади.

Чамбил ҳам яхши жой экан,
Узи [сап], эли бой экан,
Ичгани сари мой экан.
Одам миясин тўлдирган,
Ичгани кўкмак чой экан.
Чамбилбелда бежой турдик;
Уйлари кигиз уй экан.

Тутгани қамиш, чий экан.
Қўйи семиз, хўкизи кўп,
Сатта туяли жой экан.
Ҳаммаси зиёфат қилди,
Бариси хирсдай бой экан.

Ҳангама қип, ўйи йўқди,
Қий билан чалмани ёқди.
Топганин ўртага тўқди.
Бари хотамтой бой экан.

Узи ўзбек, кўнгли яхши,
Пиширгани тузқоқи гўшт
Егани кулчатой экан.

Меҳмон бўлдик, эна, бизлар,
Жаҳонгашта сўани сўзлар;
Хизмат қилди сулув қизлар.

Чамбилбел яхши жой экан,
Айтаверсам соп бўлмайди,
Чамбил ҳузурли жой экан.
Кулча қип бордик нон билан,
Той ҳиндининг эрка қизи,
Бордик Гулноржон билан.
Ортмади жабру жафони,
Бўлгай элатга вафони.
Гавҳар қасабалар қўйди,
Мунчоқ тақиб, желаклар кийгизди,
Чамбилда Юнус опамиз.

Чамбил элда уч кун ўтди,
Меҳмон деб қилди иззатни.
Жўнаймиз, дедик, энажон,
Карнай-сурнайларни тортди.
Уч тош йўлга олиб чиқиб уватди.
Хуш келдинг деб Юнус опам.
Бизларни бунда жўнатди.

Балли, эсли одам экан,
Мисқолинг Чамбилни кўрган,
Одам иси ўрнаб қолган.
Уришмагин, эна, бизни,
Мисқол катта одам бўлган.
Келаман деб ой Зайдинга,
Мисқол ваъда қилиб келган.
Гулчеҳра билан дўст бўлиб,
Ал ваъдайидайин қилиб,
Шуйтиб, ваъдалашиб келган.
Жеркима, уришма бизни,
Мисқол сонга ўтиб қолган.
Одамнинг иси урганди,
Келаман деб Чамбил элга,
Ростин айтсам, мендай қизинг,
Ой Юнусга чўри бўлган.
Мен меҳмонман уйгинанга,
Ой Мисқол талтайиб қолган.

Ана энди Хоним пари:
— Қувраб ўл, қақшаб ўл,— деди. Шуйтиб, аччиғланиб
кетди. Ана аста-аста қовоги уйилиб, зумраддан бўлган
уйида ўтирди. Жуда хафа бўлди, суягимиз булғанди деб,

Аҳмат пари ҳазиллашай деб уйига келди. Келса, хотинининг сўскинма-сўскини қуйилиб кетиб ўтирибди. Хафа бўлиб Аҳмат пари бир сўз айтаверди:

Сумбул зулфгинангни нега силайсан,
Хафа бўлдинг менда дармон қолмади.
Нимага севдигим бўлаб йиғдайсан?¹
Адашдингми айтадиган сўзингдан?
Бул танам айлансин сеининг ўзингдан!
Сен йиғладинг, менда дармон қолмади,
Йиғлама, айланай жоду кўзингдан!

Хизматингда «тақсир»лайди бир неча,
Ошиқнинг юргани қоронги кеча;
Мисқолжоним Эрам боққа бойбичча,
Сен йиғладинг мени ҳалакат кетди.
Йиғлаганинг маънисин айт, бойбичча!

Каҳрабодай ғамлар босиб юзингни,
Салтанатли Мисқол дейди қизингни.
Ҳеч нимадан камлигинг йўқ ўзингни[нг],
Сен йиғладинг, танда дармон қолмади,
Қаддингдан, ким хафа қилди ўзингни!
Камлигингни менга айтгин, қаддингдан!

Емабмидинг илгаридан гамингни,
Қайтарибсан ҳам раъйингни, дамингни.
Хафалигинг менга айтгин сўзингдан,
Айтгин бойбичча менга камингни!

Аччиглансанг шақирлатдинг тошингни,
Оллоим ўнгаргай қилган ишингни!
Хафа бўлдинг, менинг кўнглим бўлипди,
Сабаб нима, оқизибсан ёшингни?

Ана энди «дод» деб, Хоним пари эрига қараб бир сўз айтаверди:

Қизи қурсин, бўй етгани кўп қийин,
Сўрасанг юрагим бўп кетди тугун.
Мисқолжондан кўнглим қолди қадрдон,
Бўп қолар Эрамнинг боғида ўйин.

¹ Қўлэзмада «жилайсан».

Қуврагуринг кўп масиқиб кетибди,
Кичик дейсан, ўзи кўп бўй етибди.
Билмай қопмиз, бул бойбичча Мисқолни,
Канизман Ҳиндистонга етибди.
Тор сийнамда аламин кўп, сўрмагин.
Яшамагур кўнгли ўсиб кетибди!

Қулоқ солгин мендай ёринг тилига,
Куйиб келдим бойбиччангинг қилига.
Хафа бўлмай мен қайтайин, улағай,¹
Гулиор пари билан Юнус опасин,
Қутлуғлаб борибди Чамбил элига.
Бемаза сўзлардан айтди, қуврагур,
Меҳмон бўпти бориб туркман элига.

Чамбил элда бориб уч кун турибди,
Бир одамга бежой кўнғил берибди.
Шу одамман ўзи анча турибди.
Мен сенга ростин айтсам, улағай
Мисқолинг ҳам одамли бўп қолибди.
Билмай қопмиз, ўзи бориб изланиб,
Бир одамман ваъдалашиб келибди.

Хафалигим шунинг учун вой-вой.
Бир жеркисак чўп-чўп ўлгир кетармиш.
Чамбилнинг элига қистаб етармиш.
Гардонин кўтариб, кўнгли ўсибди,
Шу бойбиччанг Чамбилбелга кетармиш.
Мисқол этагига бошин солибди,
Сахий экан кўп зиёфат қилибди.

Ер торткурнинг бежой ақлин олибди.
Чамбилни гапириб бошин ирғайди,
Шу одамдан чўртта кўнгли тўлибди.
Нима бўлса ер юткуринг бўлибди.
Пўлавой, шўлавой билдим қилибди.
Мен йиғламай, ким йиғласин вой-вой,
Сўрамай Мисқолинг уйли бўлибди.

Ҳўкизиман сигирларин мақтайди,
Уйи-жойин бориб, кўриб келибди.

¹ Ула қолгур.

Умри калта одамзотни суйибди;
Мисқол курсин чўртта эрдан куйибди.
Елғиз қизди, хафа бўлмай қайтайин,
Чўртта Мисқол қизилига тегибди.
Гавҳар қасабалар қўйиб бошига,
Мунчоқ тақиб адрас желак кийибди.
Одамларин, овқатларин мақтайди,
Мисқол курсин, чўртта эрга тегибди.
Одамзотнинг иси ўрнаб баданига,
Шуйтибгина безрайиб келибди.
Мисқолнинг кўнгли бошқа бўлибди.
Мен қарғасам, лабини тишлаб кулади,
Ўзи мулла, ҳамма гапни билади.
Мен тунгилдим ер ютгурдан вой-вой,
Хушвақт бўлиб мени мазақ қилади.

Мисқолнинг отаси айтди:

— Билмасмидинг? Полминакни опкел бу ёққа! Мен
бир кўрай,— деди. Аста полминакка қаради, Аҳмад пари.
Ана шуйтиб кўриб, бир сўз айтаверди хотинига:

Нони-насва тортган экан.
Эли обод этган экан,
Мен кўрганимни айтсам,
Хизр Илс тақдирини,
Гўрўғлига битган экан.
Хафа бўлмаг кўзгинангдан,
Бу иш асли бошдан бўлиб,
Қизинг Чамбил кетган экан.

Давлат вали ёшдан бўпти,
Пешонаси тошдан бўпти.
Йиғламагин, хафа бўлмагин,
Бу қисматлар бошдан бўпти.
Тақдир асли кетган экан.

Мисқол билан Юнус бирди,
Гоҳи нишаб, гоҳ ер урди.
Гўрўғли қидриб юриб,
Ҳаж қилиб Миср ўтганда,
Афсар тоғига етганда,
Гўрўғли тойин ахтариб,

Қизингни кўрган эканди.
Кўп гаплашиб шу чарвоқда,
Мастлик қилиб Юнус, Мисқол,
Мазақ қип кулган эканди.
Гўрўғлибек етим той деб,
Кўп изза бўлган эканди.
Айтмай ҳеч кимга ўйини,
Афсар тоғдан топиб олди,
Гўрўғли етим тойини.
Хизр отаман талашиб,
Отни топиб, ақли шошиб,
Қирқ чилтон горига тушиб,
Қирқ чилтонман бахт, давлатман,
Суҳбатлар қилган эканди.

Антахур майини қуйган,
Гўрўғли сарполар кийган.
Юнус билан Мисқолжоннинг,
Қирқ чилтон никоҳин қийган;
Тўй аввал бўлган эканди.
Бир оллоийм амр қилиб,
Тоғ ковлаган темир қилиб,
Бойбиччалар хамир қилиб,
Йиглама, қаддингдан ёрим,
Мисқолинг тайёр эканди.

Никоҳ бўлган асли бошдан,
Ғирўк ўтар туйғун қушдан;
Битувчилар битган бошдан.
Эл Хизр тўйлар қилиб,
Мисқолни берган эканди.
Хафа бўлманг севдик ёрим,
Мисқолинг кўрган эканди.
Буига асти хафа бўлма,
Қирқ чилтон берган эканди.

Бор Чамбилга дейиб айтгин,
Сен ўйнаб-кулиб узатгин!
Қизингга таъна бўлмасин,
Хушвақт қип уйдан жўнатгин!
Дунёга маст бўп кетмасин,
Келиб-келиб тур деб, айтгин!
Кўнгилларини жўширгин,

Чопиб ўпкангни пиширгин!
Қиз деганинг омонатди,
Қайин юртига топширгин!

• Сен сўкибсан, кулиб айтгин,
Муродингга ёрим етгин!
Уйнаб-кулиб ой Мисқолни,
Чамбил шаҳрига узатгин!
Индамайгина жўнатгин,
Энди бориб, ўйнаб-кулиб!
Меҳмонди Мисқол уйингга,
Йигиб Эрам боғдан пари,
Биров ёшди, биров қари,
Сиёсатди жон бошда тўғри,
Гўрўғли Чамбилнинг ўри,
Балки Ўзбекистон зўри,
Ўзи Чамбилнинг тождори.
Хушвақт қилиб олиб борсин,
Қаватида юзча пари!
Зўрликман Гулноржон борар,
Қойил бўлсин Мисқолжонга,
Чамбилбелининг сардори!
Айтган гапим айб эмас,
Чамбил кетсин Мисқол пари!

Шуйтнб, парининг аччиғи тарқаб кетди. Ана Мисқолнинг олдига етди. Ҳам Эрамнинг боғига — париларга хабар қўйди. Оқ кийган, қизил кийган, кўк кийган, сариқ кийган, яшил кийган, заъфарондай кийим кийган бир пари йиғин бўлди, офтоб тутилай деб қолди; худди ҳар ранг гул очилгандай бўлиб кетди. Бир чапак чалиб, ўйин қилиб, яшнашди [қизлар]. Ана энди Мисқолни энаси ювинтириб, тарантриб Чамбилга узатаверди:

Чамбилбелга бориб, маст бўп кетмагин,
Тагин-а, кўнглингдан сен унутмагин!
Ҳар жойда бўлгин сен эсон-омон,
Тагин-а, уйима келмай кетмагин!

Эрка қизсан, эсгинамни шоширдинг,
Азлардайин оёгингга бош урдим.

Ҳар жойда бўлсанг манглайли бўлгин,
Омонат ўзингни хаққа топширдим!

Сенсан менинг бу дунёда қувватим,
Давлатим қайтмасин, бўлар иззатим.
Аввал худо, комил пирга топширдим,
Жонинг сиҳат бўлсин, жоним фарзандим!
Дуо қилдим эшит энангдан додни,
Пари бўлсин сендай жоннинг улфати,
Олло берсин сенга қобил фарзандни,
Манглайингни худо очсин, Мисқолжон!

Ўзинг эдинг Эрам боққа бойбичча,
Бу ишқингда ўртанганди бир неча.
Болали-чақали бўлгин, Мисқолжон,
Чамбил элга бориб бўлгин бойбичча!

Узоқ йўлни сен тўрқунлаб келгайсан,
Иншоолло, катта одам бўлгайсан.
Худо берсин сенга ўғилман қизни,
Ҳар бир йилда тўрт-беш келиб тургайсан!

Уз тенгингдан зиёд бўлгин, ой Мисқол!
Бориб Чамбил элда манглайли бўлиб,
Ул¹ фарзандман қиз фарзандни суйгайсан,
Дуненинг меҳрига ўзинг тўйгайсан!

Одамзотман ошно билишлар бўлиб,
Халойиқ ҳолидан хабарла олиб,
Салтанат қип, Эрам богига келиб,
Ҳоли аҳволимдан хабар олгайсан!
Болали-чақали бўлгин, Мисқолжон,
Тез-тезгина бунда қайтиб келгайсан!

Келгунингча мен бўларман интизор,
Танинг сиҳат бўлсин сенинг ҳар жойда,
Болали-чақали бўлгин, фарзандим!
Худого топширдим, оллоху акбар.

Ҳар жойда жонимни қиларман қурбон,
Бир фасл меҳмонсан менга, Мисқолжон.
Эрам богдан пари битган йиғилиб,

¹ Уғил.

Ҳаммасининг қовоқлари уйилиб,
Фарзанд деган ширин экан дунёда,
Кетар бўлди Мисқол Чамбил элига;
Ота-энасин¹ сўскуллари қуйилиб,
Ҳамма пари ҳурдай бўлиб эгилиб,
Эрам бордан сонсиз пари йирилиб,
Гулдай бўлиб бари омин дейишади,
Энасининг ақллари шошади.
Бир нечаси йирлаб, бирови кулиб,
Гулдай яшнаб омин-омин дейишади.

Қиз деганинг отсанг палахмон тоши,
Қизи тушсин бир йигитнинг йўлдоши.
Тақдир тортган ёққа кетар энанди,
Қизи тушсин бир йигитнинг йўлдоши.

Кетар бўлди Мисқол Чамбил шаҳрига,
Дод деб энасин тўкилиб ёши,
Омин деди дуо қилиб сирдоши.
Борямиз деб теварақда кўп киши,
Булкуллайдди Эрам боғининг дашти.
Қиёматдай мард йигитнинг савашни.
Чамбил элга кетар бўлди ой Мисқол,
Фалакка ўрнади пари товуши.
Мисқолжонининг билмаганин билдирди,
Хушвақт қилиб тилла тахтга миндирди.
Қирқ парини Қашқа девга кўтартиб,
Мисқолжонни Душан девга кўтартиб,
Парилар фотиҳа бетига тортди.
Тани сиҳатлик билсанг ганиматди.
Бахт топгин сен болали бўлгин деб,
Ой Мисқолни Чамбилбелга узатди.
Душан дев кўтариб, парвоз қип кетди.
Қашқа дев кўтариб қирқта парини,
Душаннинг ортидан жилвираб кетди.

Ери-кўкни тутиб унинг савлати,
Дев деган жойилди кўпди ғайрати,
Энаси «болаж», деб ўзидан кетди.
Хайт деб Чамбил элига ол қайтди.

¹ Қўлёзмада «отэнасини».

Зумрат тутиб юрган тоғни,
Тулкинурди қизлар овни,
Ёмон одам қизлар доғни,
Мисролжон жуваб Чамбизага,
Миниб оғиб Душан дегани,
Жувади қизлар Чамбизага,
Жувади нари Чамбизага.

Яркилланди икки кўзлар,
Ориқнамо, юқа қизлар,
Жувади онди Чамбизага,
Жуваб кетди сууъ қизлар,
Душан дег Чамбизани кўзлар,
Кулда бердир дунёр тоғлар,

Мерганлар қоканини туғлар,
Юз тумани борди ноғлар,
Қиш ўтган сунг келар ёғлар,
Дуғни миниб жунайверди,
Ғунон қизлар, дунон қизлар.

Қушқуқ ағиб, қушли жўшиб,
Қам юракнинг ақал шўшиб,
Хар ирғилди бу икки дев,
Баландишво, тоғдан ошво,
Сўли Ҳидоа тутаниб,
Дарлардан учиб утиб,
Қатта тоғдан ҳатлаб ўтиб,
Жувади Мисрол Чамбизага,
Жувади қизлар Чамбизага.

Дуғон қизлар, сан буй сган ғунон қизлар,
Рағомларни ирриратиб,
Баландарни буақуллашиб,
Ғушт кўп иғани сулқиллаштиб,
Қурағини буақуллашиб,
Сан мулла қизлар жувади,
Ёсан тивла қизлар жувади.

Эриси тоғларнинг қори,
Кетиши юракнинг занглари,
Ғунон қизлар жунайверди,
Жуваб кетди сатта нари,
Ўзи қизларнинг сардори,

Чарчаб, ҳориб, ичи куйиб,
Кўзни сузиб, қовоқ уйиб,
Силдираб қизлар жўнади.

Иргий-иргий дев бўп майиб,
Жўнайверди шу Чамбилга,
Жўнайверди сатта заиф.
Улардан тополмас айиб.
Кўрганларнинг ичи куйиб,
Сап тойча қизлар жўнади.

Душан дев терини қуйиб,
Туя лўклагандай бўлиб,
Кўмир чўқлагандай бўлиб,
Жўнайверди сувсиз даштда,
Гоҳо чўлда, гоҳо тошда
Қуюндай учиб жўнади.
Ҳар ҳезлайди деви Қашқа,
Иши бўлди энди бошқа.
Эрта билан жўнаб эди,
Кун бўлибди янги чошқа.
Эр йигит кирар савашга,
Ёмон савдо кирар тушга.
Жўнайверди ҳар париллаб,
Келаётир сувсиз даштда.

Ҳар жойни тутиб ҳайъати,
Йўқди танади уяти.
Сап қизларни силкилатди,
Томогини булкуллатди,
Тоғ ичида юганда,
Баданлари терлаб қолиб,
Қимматбаҳо кийимлари,
Баданга тармашиб кетди.
Гўнон қизлар, дўнон қизлар,
Қайин юртга борамиз, деб,
Ҳайбат, ҳашам тутиб кетди.
Балонинг тоғидан ўтди,
Чамбилга яқинлаб етди.

Танда жони ҳурқариди,
Қашқа дев Чопсондан қўрқариди.
Ширвон элди арабиди,
Қўрқоқ ҳоли ҳаробиди.

Шу Ҳасан чопсон билан,
Шу Душан дев тараф эди.

Ҳасан чопсон дароз эди,
Тожиқларда хўроз эди
Душан девман Ҳасан чопсон,
Бир-бирдан араз эди.

Айтса бўлар кўп сўзиди,
Иккови ҳам бежой илдам,
Тулки қувган този эди.
Шу Қашқа дев шу чопсондан,
Чўртга-пўртга рози эди.

Ой Мисқолга хизмат қилди,
Бу девларнинг дубурига,
От битганлар ҳуркиб қолди.
Чамбилга беш мўйин қолди.
Яшиндай бўп Ҳасан чопсон,
Зиёндайин етиб келди.

Душан дев жонини сотди.
Қашқа дев Чамбилга кетди.
Устидан ташлаб Мисқолни,
Тағи қайтиб изга солди.

Хў баччагар келдингми, деб,
Душан девни меҳмон қилмай,
Гувалак қувган биядай қип,
Сўна чаққан туядай қип.
Қувиб, эндириб шу чопсон,
Дўндириб олдига солди.
Ҳасан чопсон хомлик қилди;
Душан илгари қутулди.

Ана энди Ҳасан чопсон тушкур бу Душан девни қувиб,
хайт, деб Эрам богига қараб, бўкиртиб қувиб кетди. Ана
энди тизилишиб иккови кетаверди. Энди Мисқолжоннинг
келганига [суюнчихўр] Гўрўглибекка суюнчига бориб бир
сўз айтяпти:

Юрагингда черинг келди,
Қатордаги норинг келди.
Гўрўгли, бергин суюнчи.
Мисқолдайин ёринг келди!

Сенинг хушовозинг келди,
Қўйга ияриб¹ қўзинг келди,
Гўрўгли, бергин суюнчи,
Мисқол жоду қўзинг келди!

Сенинг булбул тилинг келди,
Обод Чамбилбелинг келди.
Гўрўгли, бергин суюнчи,
Сенинг ой Мисқолинг келди!

Чилтон никоҳини қийган,
Мисқолдайин ёринг келди.
Тоғда бўрон қоринг келди;
Ҳам давлати боринг келди
Қўйинида ўйнаб кулгани,
Мисқолдайин паринг келди.

Аркови давлатинг келди,
Шони-шавкатинг келди,
Танаингда иззатинг келди,
Белингда қувватинг келди.

Интизор бўп ўзинг қолган,
Келаман деб ваъда қилган,
Ҳақиқатли ёринг келди.
Сап бўй ётган, дўнан қўйдаи,
Бадан оппоқ, қоши ёйдаи,
Киприги камонинг келди.

Зулфлари сунбулинг келди,
Гўрўгли, бергин суюнчи.
Мисқолдайин паринг келди!
Мисқолдайин сирдошинг келди,

Уйнарга йўлдошинг келди,
Дард айтар сирдошинг келди,
Сенинг давлат бошинг келди.
Қирқ париман ваъда қилган,
Мисқолдай қурдошинг келди.

¹ Қўлэмада «қўйгаяриб».

Юнус билан ваъда қилган,
Халойиқдан дуо олган,
Ваъдасига вафо қилган,
Чин ҳақиқат ёринг келди.

Гўрўгли, бергин суюнчи,
Мисқолдай диалдоринг келди!

Мисқолдайин паринг келди,
Боғингда гулворинг келди,
Дардингга [давонг] келди,
Бергин кўпроқ суюнчи,
Кўнгила хуши паринг келди!
Ваъдасига вафо қилган,
Ун беш кунлик ойдаи бўлиб,
Мисқол санам паринг келди.

Гўрўгли қувониб кетди,
Оғзи қулоғига етди.
Кўринг энди, боринглар деб,
Гулчеҳрага, ой Зайдинга
Ҳам Юнусжонга айтди.

Ҳамма одамлар чувлашиб,
Қулоқлар кетди ғувлашиб.
Одам битган Мисқолжонга,
Қиз-келиндяклар дувлашиб,
Бир неча юраги шишиб,
Бир нечанинг ақли шошиб,
Аёл, бола-чақа, келинчаклар,
Сўлқиллаган сулув қизлар,
Ҳаммаси кетди чопишиб.

Отларини тепанглашиб,
Бораётир ҳамма беклар,
Талтайишиб, кўпонглашиб.

Ҳамма одам ҳайрон қолди,
Мисқолжондан кўнгила тўлди.
Юнус пари «ҳой балли», деб,
Бошларидан тилла сочиб,
Ой Мисқолни иззат қилди.

Буланглашиб абжир қизлар,
Болдан ширин айтган сўзлар,
Кўкракда тебраниб безлар,
Сатта мунчоқ таққан қизлар,
«Келин келди», деб ҳаммаси,
Ой Мисқолнинг келганига,
Ҳаммаси кўп иззат қилди;
Парилардан кўнгли тўлди.

Ваъдадан чиқмай ой Мисқол,
Чамбилнинг элида бўлди.
Сап келинчаклар, кайвонилар,
Сатта семиз ҳайвонилар
Чин ихлосман дуо қилди,
Ҳамма ерни одам тутди;
Чамбил зилзила бўп кетди.

Ҳамма молдан кечаверди,
Бахмал, парча бичаверди.
Ой Мисқолнинг париларнинг
[Устларидан] тўрва-тўрва
Танга-тилла сочаверди.
Нима бўлса бўлаверди...
Мисқол оининг ёнбошида,
Танга-тилла олаверди.
Мисқолжоннинг бу ишлардан,
Чўртта кўнгли тўлаверди.

Чамбил эл тебраниб кетди,
Карнай-сурнайлардан тортди,
Қулоқ деган жиққа битди.

Салтанатли Зайдин, Чеҳра,
Яхши иззат қилиб Мисқолни
Чамбил дарвозасидан,
Лола гулдай бари яшнаб,
Лиқишиб кўчага чиқиб,
Сатта қизлар Мисқолжонни,
Уртага олиб қайтди.

Терлаб кетиб баданлари,
Кийган яхши кийимлари,
Баданга тармашиб кетди.

Жаннатга киргандай бўлиб,
Чамбил дарвозасидан,
Ўрта дарвозага етди.

Қойил бўлиб Мисқолжонга,
Томошабин йўл бермайин,
Мисқолни таққа тўхтатди.
Сахмон полвон чопиб келиб,
Одамларни қувиб кетди.

Минг туманли нозлар билан,
Неча яхши сўзлар билан,
Сатта бўтақўзлар билан,
Кўп яхши овозлар билан,
Салтанат қип, иззат қилиб,
Ғулгула ўрнаб фалакка,
Шовирлар етиб малакка
Жонон қизлар, сулув қизлар,
Тиши оппоқ дурдай қизлар,
Тўла келган бирдай қизлар,
Кўринг Мисқолни оп кетди.
Баракалла, келинчаклар,
Иззатни тоза ўхшатди.

Қимиллаб Чамбилнинг шаҳри,
Гулларда тўтининг баҳри,
Келмасин подшонинг қаҳри,
Элдай бўлди Чамбил шаҳри,
Кўча-кўча томнинг боши,
Қиз билан келинчакларга,
Томошабин босиб кетди.
Салтанатман янги етди.

Гўрўғлининг кетди уйи,
Бўлар Мисқолжоннинг тўйи.

Ана энди шундай хушвақтчилик қилиб Чамбилда ҳамма йиғилиб, элбеғилар, эли бойлар, новкарлар, ҳамма фуқаролар семиз молни сўйиб, Чамбилдан, Моридан, Такадан, Шўракдан, Қизилдан, Эл соридан одам йиғиб, «ўн кеча-кундуз тўй», деб қичқиртди. Қутли бўлсинга гураз-гураз одам йиғилиб, қутли бўлсинга келиб, одам битган ошдан гўштдан қорни дўппосдай бўлиб, қизлар билан йи-

гит баччалар, келинчаклар билан ўрта йигитлар бўтасолди ўйнаб, оқ суяк ўйнаб, кундуз куни кўпқари чопиб, бир чаккаси курашиб, худди сайилга чиққандай бўлиб ётаверди.

Чимилдиқни тутиб, Гўрўгли билан Мисқолни қаллиққа солди. Ана энди Гўрўглибек тонгинг отганини ҳам билмайди, куннинг ботганини ҳам билмайди. Энди булар ётаверсин, одамлар тўйни еб кетаверсин. Ана энди Мисқол ҳам кетолмайдиган бўлди.

Гулнор пари



Айтувчи
МУҲАММАДҚУЛ ЖОМУРОД УҒЛИ ПУЛКАН

Нашрга тайёрловчилар
МУҲАММАДНОДИР САИДОВ
ЗУБАЙДА ҲУСАИНОВА

Муҳаррир
МАНСУР АФЗАЛОВ



Ана энди Гўрўглибек ҳамма туркманларнинг сардорларига қараб, бир сўз айтаверди:

Мен қўрқаман зўр подшонинг кекидан,
Олиб келдим ҳеч сулувнинг йўғидан.
Ҳиндистондан Гулнор ойнм келмади.
Мисқол ёрим келди Эрам боғидан,

Ажал етиб, мендай подшо ўлади,
Мен билувда бизни кўзга иллади.
Мисқол ойнм келди Эрам боғидан,
Ҳиндистондан Гулнор пари келмади.

Урушда ажали етган ўлади,
Мард йигит душманга савдо солади.
Мисқол пари келди Эрам боғидан,
Халойиқ маслаҳат қандай бўлади?

Отни минган неча тоғидан ўтибди,
Суюнган қул муродига етибди.
Юнусжонни олдим Кўҳиқофдан.
Мисқолжон келиб тегди Эрам боғидан.

Гулноржонга бежой кўнглим кетибди,
Тойҳиндиннинг, қайтай эрка боласи
«Келаман» дсб бизни алдаб кетибди.
Келарига кўп муддатлар ўтибди;
Е билмайман менинг вақтим етибди.

Ваъдасидан неча кунлар ўтибди,
Гулнор десам қулоқ чиппа битибди.
Мисқол ойим келди Эрам боғидан,
Гулнор ойим чўртта келмай кетибди.
Халойиқ маслаҳат қандай бўлади?

Гулноржонни олиб келмасам бўлмас,
Ахир бир кун шундайча гап бўлади.
Олиб келай бориб Гулнор парини,
Қариндош, маслаҳат қандай бўлади?

Кеткарайини юрагимнинг черини,
Иссиқ эритади тоғнинг қорини.
Қариндош, маслаҳат қандай бўлади,
Бориб олиб келай Гулнор парини?
Туркман эл, маслаҳат қандай бўлади?

Қутулгаймиз ишқибозлик хилдан,
Ошиб кетсак Лангар тоғнинг белидан,
Халойиқ, маслаҳат қандай бўлади?
Бориб туриб Гулноржонни оп келай,
Олиб келай Ҳиндистоннинг элидан.
Туркман эл, маслаҳат қандай бўлади?

Ана энди ҳамма одам мулзам бўлди.
Аҳмад сардор билди, энди Гўрўглининг гапи ерда қолди.
Ҳеч бировдан сазо чиқмади. Аҳмадбек—Аҳмад сардор
гайрати жўш уриб, Гўрўглибекка қараб, бир сўз айтаверди:

Очилар кўкламда тоғларнинг гули,
Сенга тушди билдим, яхшининг хили,
Ёнбошингда ўзим бирга кетайин,
Дунёда беармон бўлган, Гўрўгли!

Ёр кетказар юракларнинг черини
Оллоҳ тўккай пешонанинг шўрини.
— Худойим қарашиб, пирлар ёр бўлса,
Бориб оп кенг Гулноржондай парини.

Энди йиғай туркманларнинг зўрини,
Олиб келай Гулноржондай парини,

Оғайни, маслаҳат қандай бўлади?
Сенинг билан биргалашиб кетайин,
Неча тогдан, неча чўлдан ўтайин.
Гапгитангдан қора каллам садага,
Ҳиндистонга ўзим бирга кетайин.

Иўл юрамиз занглаб ётган чўлига,
Бу дунёда беармон бўл чирогим,
Бирга борай Ҳиндистоннинг элига!
У гап учун хафа бўлманг чирогим,
Оп борайини сулув қизнинг мўлига!
Бориб чиқсақ Дўнан тоғнинг белига,
Бу дунёда беармон бўл чирогим,
Ғам ема, юр, Той ҳиндининг элига!

Гулнор пари сени кўзга илмади,
Туркман эли қадрингни билмади.
Гулноржонни оп бермасам бўлмади,
Ғам ема, қилайин сени беармон!

Ҳай аттанг, жонни сотмоғи бордир,
Бу дунёда заҳоб ютмоғи бордир.
Қариндошлар, ҳамманг ерга қарайсан,
Бир куни келмоқнинг кетмоғи бордир.

Ажал етса ҳар жойда ўлармиз,
Кўнгилларни асло бўлманг, қариндош,
Ҳиндистондан Гулноржонни олармиз!
Омон-эсон обрў топиб келармиз.

Уламан деб асло хафа бўлманглар,
Эсон-омон Чамбил белга келармиз!
Гўрўглибек хушвақт бўлса ҳаммамиз,
Ҳаммамиз ҳам шоду хуррам бўлармиз.

Ана энди Соқибулбул, Саҳмон полвон, Дониёрхўжа,
Бердиёрхўжа [бир ёқда], Гўрўглибек Соқибекка қараб бир
сўз айтаверди:

Излар бўлдим Гулнордайин паримни,
Элдан йиғдим мен жами бекларимни!

Соқибулбул, қулоқ солгин сўзима,
Соқиё, эгарла, лайли Ғиримни!
Излар бўлдим Ғулнор париводимни,
Қаддингдан кетайин Соқи мирохур,
Эгарлаб бер Чилтон боққан отимни!
Белга бойлай мен кескир пўлотимни,
Тилингдан айланай Соқи мирохур,
Эгарлаб бер Хизир боққан отимни!

Эрам богдан олдим аҳди пойимни,
Ҳамма ери қаттиқ эмас, майинди,
Қаддингдан кетайин Соқибулбулим,
Эгарлаб бер пирлар боққан тойимни!

Кўп гап чиқар эсли одамнинг ўйидан,
Ҳеч ким айрилмасин қилган жойидан!
Емон одам қайтиб турсин раўйидан
«Қуллуқ тақсир», деди энди жайранглаб,
Соқибек хушвақт бўп турди жойидан.

Қурбон бўлсанг эсли одамнинг бўйидан,
Хизмат чиқди Ғўрўғлининг тўйидан.
Кўринг энди ғайрат қилиб бек Соқи
Жўнаб кетаверди турган жойидан.

Одамларинг мард-номардин синади.
Қимматбаҳо афзалларни кўтариб,
Гул таблага Соқибулбул жўнади.

Одам кўнар подшолкнинг ишига,
Олқорлар сакрайди тоғнинг тошига.
Яхши анжом, яхши чиргилар олиб,
Жўнайверди Ғиркўк отнинг қошига.
Энди кетар Ҳиндистоннинг даштига.

Соқибулбул отнинг вақтин хушлади,
Бошин чайқаб, бармоқларин тишлади.
«Жонивор» деб манглай кокилин сийпаб
Ғиркўкни таблада яланғочлади.

Куйган банда шаппат урар сонига,
Гул шупурги қўлга олиб бек Соқи,
Тилла қашов урди от баданига.

Усталар қовиққа илар улгини.
Ишқивозлик қилиб энди бек Соқи,
Уймалаб ташлаган мовут чиргини.

Йигит ишқовозди қизнинг ҳолига,
Улим тушса чидаб бўлмас ҳилига.
Чиргини шундайин қоқиб бек Соқи,
Астагина олиб энди бек Соқи,
Шундай солди Ғиркўк отининг белига.

Илдан минган йигит қилар зўрлини,
Банди бўлган одам кўрар хўрликни.
Астагина солди чирги устидан
Ичи майин, тиши ипак белликни.
Босиб қўйди қундуз жаҳалдирикни.

Тараша ёрганлар урар табарди,
Чечан киши айтса, сўзга чеварди.
Жаҳалдирик устидан маҳкам қип босди.
Сатта пой тилла чоптирган эгарди.

Қамчи урса ўтар қанотли қушдан,
Думалатсанг ўт чиқмайди ҳар тошдан,
Думини қайтариб урди бек Соқи,
Ўн тўққиз қуббали карки қуюшқон.
Ҳар қуббаси катта эди таркашдан.

Улмаган қул кўрадикан сайилни,
Ботирнинг ишига элат қойилди
Чирсиллатиб ўраб тортди бек Соқи,
Тўқаси тилладан ипак айилни.

Айтмай сирин ёмонлардан яширди,
Бир нечанинг ақлини шоширди.
Иккови ҳам бўлган асил тилладан,
Яшиндай қип (ўзангини) туширди.

Бир неча сулувнинг тишлари дурди,
От белига шилдиратиб оп қўйди,
Қимматбаҳо зар чочоқдан довурди.¹

Қистаса қолмайди ҳам учар қушдан,
Яхши тортқи тақиб тортди белига,
Сатта пайдан бўлган чагагой пуштан.

Шилдиратиб юган солди бошига,
Одам нави ўйнар тоғнинг бошида.
Пўлат добил илди эгар қошига,
Қатагон пешвотни урди тўшига.

Қиздай қилиб Ғиркўк отни шайлади,
Қулоғини қайчилатиб ўйнади.
Олаб чиқиб пирлар боққан Ғиротни,
Кийинкдай ўнатиб жонивор бедовини,
Қилиқситиб якка михга бойлади.

Энди қимматбаҳо уруш анжомдан,
Ўрталашқа ярқиллатиб тайлади.¹
Тараф одам бир-бирини пойлади,
Ёмон одам фириб гапни ўйлади.
Мана кийинг, Гўрўгли, подшоҳим, деб,
Тақсирлашиб яхши-яхши сўйлади.

Ҳар тарафга Гўрўглибек қаради,
Нечадамга,² яхши кунга яради,
Талаб қилиб, Ҳиндистоннинг шаҳрига,
[Эррин пўтасини белга] ўради.

Бир нечанинг қовоқларин уйдирди,
Кўлга борса пўлат добил туйдирди.
Подшолик кийим, яхши тўнларни,
Гўрўглига ойдай қилиб кийдирди.

Ҳар тарафга мард Гўрўгли сўйлади.
Илон тилли олмосвор ханжарни,
Чингиллатиб мард Гўрўгли бойлади.

Куйган одам кўзларидан ёш тўкди,
Ёш эллиждан ошса қаддини бузди.
Чор ойвак бошига қўйиб Гўрўгли,
Карж тери қалқонни елкага тақди.

¹ Ташлади.

² Неча одамга,

От анжомин бинойи қип шайлади,
Қаерда душманнинг сувин лойлади.
Қалқонни тўнтариб қўйиб жоврийна¹
Гудари боғни киндикдан бойлади.

Ҳар тарафга полвои тиклаб қаради,
Фуқаросин ҳолин яхши сўради.

Ҳитой косага майларин қуйдирди,
Тарафининг кўкайини қийдирди.
Маҳрамлари, энди гала сардорлар,
Ярашган тўн Гўрўғлига кийдирди.

Улим келмас ботирларнинг ўйига,
Яхши-ёмон келган подшо тўйига.
Ярашиққа кийган эди Гўрўғли,
Ҳар ранг тўн ярашди марднинг бўйига.

Олдин, келар қиёматни ўйлади,
Эр йигит тарафин доим пойлади.
Илон тилли, олмос суви югуртган,
Уткир қиличини белга бойлади.

Томоша айланг² бек Соқининг ишига,
Давлат турмас бадфеълнинг бошида.
Ғажирлар учади тоғнинг тошига,
Эғнига совутни кийиб Гўрўғли,
Чор ойна, дубулға олди бошига,
Ҳамма қойил бўлди [марднинг]ишига.

Гўрўғлининг билмаганин билдирди,
Хушвақт қилиб подшосини кулдирди.
Қўлтиғидан суяб туриб подшоси —
Гўрўғлини Ғиротига миндирди.

Гўрўғлибек минди Ғирот белига,
Ун икки пўпакли пўлат найзани,
Яшиндай қип суяб берди қўлига,
Тала-тўплар қилиб Чамбилбелига.

Ана энди Гўрўғлибек узангига оёқни тираб, йигилган
қора кўз халойиққа қаради. Чамбилбелнинг қлаву жувонла-

¹ Яғриндан.

² Қўлсэмада «Томошайлаш».

ри, сатта келинчаклари, Юнус пари, Мисқол пари баланд-ликка чиқиб, панжарадан қарашиб биров-бировига суйкашиб, каптардай бўйлашиб, «бу қандай бўляпти», деб уйлашиб, бог гули очилгандай яшнаб, вақтини хушлаб, ҳар ранг гул очилгандай бўп, томларнинг боши, деворларнинг боши одамга тўлиб кетди. Ана Гўрўғли халойиққа қараб, бир сўз айтаверди:

Отларга тақилган пўлатдан овсар,
Хуй тортаман юрагимда черим бор.
Омин денглар тагин қайтиб кўрганча,
Унг оталиқ, сагта доно вазирлар.

Ҳар савдога кўнар одамнинг боши,
Каж бўлмасин манов дунё гардиши.
Омон бўнглари яна қайтиб кўрганча,
Дуо қинглари сатта ясовул боши.

Юракдан кетгай-да, қайгу-вақмлар,
Доно одам сўзга тушиб фаҳмлар.
Кетар бўлдим Ҳиндистоннинг шаҳрига,
Омин денглар, кўшк устида ойимлар.

Дарёда галт урган кемаман қайиқ,
Юнус пари бўлди хизматга лойиқ.
Улмасак бир кун келармиё Чамбилга,
Омин денглар, жами турган халойиқ!

Қочирганман қам ақлимни, ҳушимни,
Қайтайин тўкканман кўздан ёшимни.
Мисқол келди, Гулнор пари келмади,
Қайтайин, пой тикдим қора бошимни.

Олисдан кўринади йилқининг бўзи,
Йигитни ўртайди қизларнинг нози.
Талаб қилдим Гулнордайин парига,
Келардан келмагим энди гумондир.
Мисқол, Юнус бўлгин ўзимдан рози!

Кўнгилларим қайнаб-қайнаб жўшинди,
Ҳай аттанг, балога қолган бош энди.
Яхши-ёмон гаплашганмиз Чамбилда,
То кўрганча қариндошлар, хуш энди!

Ана энди Саҳмон полвон шу сўзларни эшитиб, юраги
жўш уриб, Ҳасанхонга қараб бир сўз айтаверди:

Эшитгин Ҳасанжон додни,
Қаттиқ қилмагин қисматни,
Гўрўглиман юргин бирга,
Ҳасанжон, мингин тўр отни!

Дунёси тушсин бепоён,
Бўлайик чўлда саргардон;
Мингин жонивор бедовни,
Ҳиндистонга юр, Ҳасанжон!

Богда гулни тергин энди,
Давру даврон сургин энди!
Номус кучли хон Ҳасанжон,
Ҳиндистонга юргин энди!

Бунда келиб бўлдинг сирдош,
Юргин Ҳиндистон элига,
Гўрўглиман бўлгин йўлдош!

Мингин отингининг белига,
Раҳм айла отанг ҳолига!
Ғоз қўнар ўтли чўлига.
Гўрўгли ёлғиз кетмасин,
Юргин Ҳиндистон элига!

Йўлиқма ёмон қаҳрига,
Йигитлар қизнинг баҳрига,¹
Гўрўглига туғ боши бўп,
Юргин Ҳиндистон шаҳрига!

Ҳасанжон вақтинг хушлагин,
Кулиб лабларинг тишлагин,
Хон отанг ёлғиз кетмасин,
Сўқиллатиб туғ ушлагин!

Гўрўглига ҳамдам бўлиб,
Олиб келгин Гулнорхонни!

¹ Баҳрида.

Ҳиндистонга юргин энди,
Гўрўғлиман сенинг ўзинг
Доим бирга тургин энди!
Жойгинангдан тургин энди!

Борамиз торлардан оша,
Кокилинг елканга туша,
Кўрган ҳисобдан адаша,
Неча тоғдан қистаб оша,
Ҳиндистонга борганимда,
Той ҳинди қилсин томоша.

Гўрўғлига хон Ҳасанжон,
Доим хизмат қилгин энди!
Ажал етиб ўлгуниингча,
Биргалашиб тургин энди!

Эгарлагин бедовингни,
Дарров отга мингин энди!
Ошиб бориб Қора тоғдан,
Ҳиндистонга дўнгин энди!
Ҳар жабри жафо зулмга.
Чироққинам, кўнгин энди!
Очилган гулдай бўлиб,
Хизмат қилгин қулдай бўлиб,
Сўйлайдиган тилдай бўлиб,
Обод, яхши элдай бўлиб,
Ҳар савдога кўнгин энди!

«Қуллуқ» деб тургин жойингдан,
Дарров отга мингин энди!
Ҳар хизматга кўнгин энди!

Кўринг Саҳмон гайратини,
Йиғиб қўйди уятини.
Хон Ҳасанжон гайрат қилиб,
Гул таблага чошиб бориб,
Эгарлаб минди отини.

Саҳмон полвон гайрат қилиб,
Бу ҳам минди кўк отини.
Маст отлар ўйнар ҳар алвон,
Отин эгарлаб чоқ бўлди,

Тарадди қип Саҳмон полвон,
Қилиб мард Саҳмон ғайратни,
Чамбилни ғайрати тутди.
Ғайрат қилиб маст туядай,
Саҳмон зўр ҳам минди отни.

Нон-насиба ҳай ёронлар,
Қандай шаҳарга тортди
Юбормай элга даракни,
Юракдан кеткариб кекни,
Саҳмон полвон, хон Ҳасанжон,
Яшиндай қип ярқиратиб,
Тақиниб олди яроқни.

Одам деган дувиллаб кетди,
Ик¹ қулоғи чувиллаб кетди.
Туркман эли кўтарилиб,
Еппа-ёвлик чувлаб кетди.

Аҳмадбек туркман элининг эгаси, бошида бор жигаси,
Гўрўғлибекнинг тоғаси, халққа қараб, бир сўв айтаверди:

Нима бўлсанг, баринг бўлсанг бўлмайми?
Биров айтган гапни қилсанг бўлмайми?
Ишорат эсанга, аҳмоққа калтак,
Бу кунингдан баринг ўлсанг бўлмайми?

Ҳеч кимга тушмасин айролик хили,
Совурда яшнайдн тоғларнинг гули.
Саҳмон полвон Ҳасан минибди отни,
Уят бўлди, ўлинг туркманнинг эли!

Тоғларда юради Лайли,
Йигит киши бели бойли.
Ҳиндистонда ўлиб кетсанг,
Хотин есир қолса майли.

Еппа отлан, юринг Чамбилнинг эли
Ҳар тарафга отни елсанг бўлмайми?
Гўрўғлини бир танҳо юборгандан,
Битта қолмай баринг ўлсанг бўлмайми?

¹ Икки.

Ғанимларга савдо солсанг бўлмайми?
Гулноржонни олиб келсанг бўлмайми?
Юнусга хизматкор қилсанг бўлмайми?

Кўкмак бўлар тоғ арчаси, бодоми,
Худоё кетгай-да юракнинг гами.
Саҳмон полвон минди бедов отига,
Еппа юринг, туркман элнинг одами!

От кокилин бирдай қилиб ўрайик,
Иш таваккал пешонадан кўрайик!
Ҳеч қолмасдан ёппа миинг бедовга,
Юринг беклар, Ҳиндистонга борайик!

Миниб олинг сатта туркмани отни,
Еппа юринг Ҳиндистонга борайик!
Бориб Гулноржонни олиб келайик.
Юринг Ҳиндистонга бориб келайик!

Не савдолар бориб бошга солайик,
Гулноржонни олиб келиб Чамбилга,
Гўрўглининг хизматига солайик.
Никоқ қийиб Гулноржонни,
Гулранг парини ҳам олиб келайик.
Еппа юринг туркман элнинг беклари!

Қулоқ сонг, халойиқ этган сазога,
Фитир деб мулла ихлосманд рўзага.
Еппа юринг, туркман элнинг беклари,
Юринг энди Ҳиндистонга!..

Ана энди ёппи-ёвлик оти бори отини миниб, «тойли-таёқли Ҳиндистонга юринглар», деб, Аҳмад сардор бўв отини миниб, туғни қўлига ушлаб, вақтини хушлаб, ана шу отларни ўйнатиб, сувлиқни чайнатиб, гурри-гурри, даста-даста бўлиб жўнай берди.

Ана энди Ҳасанхоннинг синглиси Гулчеҳра пари Туркман сардорининг сулув қизи билан чорвоқ томошага чиқиб кетган экан. Шундай келаётса, тўп-тўп бўлиб одамлар кўринди. Шунда Гулчеҳра пари қараса, тўқмоқ тўр ёлли отни миниб, Ҳасанхон ўн беш кунлик ойдаи бўлиб, тарақ-қос-тараққос бойлаб остидаги оти ўйнаб, суқсурдай бўйлаб [келяпти]. Ҳасанхон акасини кўриб, Гулчеҳра пари девор-



дан қараб, рўмолини ёзиб ташлаб, «дод» деб акасига қараб бир сўз айтаверди:

Гулчеҳражон тўккан кўзнинг ёшини,
Ҳақ ўнгарсин мард одамнинг ишини!
Йўл бўлсин бўлади гапнинг энаси,
Акажон, тўхтатгин отнинг бошини!

Айил қирқар отингизнинг тўшини,
Добил қирқар эгарингнинг қошини,
Йўл бўлсин бўлади гапнинг отаси,
Оғажон, сақлагин отнинг бошини!

Ҳар жойда бўлгайсиз худоё омон,
Бирор фасл сақланг отнинг жиловин,
Бирор фасл тўхтаб туринг, оғажон!

Кўнги суйса ёрнинг лаби бол бўлсин,
Отларга ярашган майин ёл бўлсин!
Бирор фасл сақланг отнинг жиловин,
Бир суянчиқ Асқар тогим йўл бўлсин?

Жонимни жонингга айлайин қурбон,
Шунча одам бўлиб кўчада сарсон,
Йўл бўлсин бўлади гапнинг ўроли,
Келарингни менга айтгин, акажон!

Йиғлаганда ёш ёғилар юзима,
Энкайсам оқ юзим тушар тизима,
Бир суянчиқ, акажоним, йўл бўлсин?
Борар жойинг айтиб кетгин ўзима,
Салтанатли, акажоним, йўл бўлсин?

Юрак бағрим бўлмагай-да тўла қон,
Ойдин кўлга беклар чуяр бўз торлон.
Бирор фасл тўхтат отнинг жиловин,
Борар жойинг тайинин айт, акажон!

Кўрганам йўқ ҳангамада жойингни,
Айтиб кетгин кўкрагингда ўйингни!
Ростин айт, акажон, сизга йўл бўлсин?
Менга айтгин борадиган жойингни!
Ростин айт, акажон, сизга йўл бўлсин?

Эсон бўп қилгайсан, ака, ҳовангим,
Топгайсан изласанг дардга давонгши!
Ростин айтгин, чироққинам, йўл бўлсин?
Ишқингда йиғлатма Чеҳра укангни!

Рост гапиринг, акажоним йўл бўлсин?
Олган ўлжанг озгинамас мўл бўлсин!
Кўнгила суйса ёрнинг лаби бол бўлсин!
Тўхтатинг акажон отнинг бошини!
Рост гапиринг, акажоним йўл бўлсин?
Бирор фасл сақланг отнинг бошини!

Ана Ҳасанхон бу Гулчеҳра синглисини бевақт кўриб,
кўнгли бузилиб, кўздан қатор-қатор ёшгинаси тизилиб,
бир сўз айтаверди Гулчеҳра синглисига қараб:

Мен чиқаман Така тоғнинг тошига,
Ҳар гапинг дардима дармон чироғим,
Рад берма талабга кирган кишига!

Шакаман отади кўлнинг қушини,
Оллоим ўнгарсин марднинг ишини!
Ҳар гапинг дардима дармон чироғим,
Сақлама, чироғим, отининг бошини!

Жонимни жонингга айлаин қурбон,
Қайтайин ёлгончи дунё бепоён.
Рад берма, талабга кирган кишига,
От бошини тўхтатмагни, Чеҳражон!

Қулоқ солгин, чироққинам, тилима,
Булбуллар сайрайди райҳои гулима.
Тўхтатма, чироғим, отнинг тизгинини,
Ихлосман дуо қинг менинг ҳолима!

Мой ичгандай юрагимни мойтарма!
Эр киши ҳам йўлдан чиқиб қайтарма?¹
Дахл берма, мендай талабли қулга,
Чироғим, отнинг бошини қайтарма!

¹ Қайтарми.

Сарғаймасин оймнингнинг юзлари,
Ғанғираб учади кўлнинг ғозлари.
Хушвақтчилик бўлсин қишу ёзлари,
Омин денглар яна қайтиб кўрганча,
Дуо қинглар Чамбилбелнинг қизлари.

Юрагимнинг кетсин қайғу войми,
Олдида қарашар аҳли пойми,
От бошини асло бунда тўхтатманг,
Дуо қинглар, Чамбилбелнинг оймми!

Қошларинг қоради ариқ қундузи,
Кўзларинг сурмали осмон юлдузи.
Дуода бўнг яна қайтиб кўрганча,
Омин денглар Чамбилбелнинг азизи!

Асло тўхтатманглар, отнинг бошини,
Омин денг, Гулчеҳранинг сулув қизи!
Эшитинг, соф қизлар, ўзимдан сўзни,
Чамбилда кўп едик ошиман тузни.
Улмасак бир йилда кўрарсиз бизни.

Сарғаймасин ҳеч бир одамнинг юзи,
Кўп бўлади яхши одамнинг нозии.
Гулчеҳражон сен бир йилда кўрарсан,
Омин денглар, Гулчеҳранинг канизи.

Ана энди ҳамма қўшин тўхтаб, Гулчеҳражоннинг йиғ-
лаганига раҳми келди. Ана энди Гулчеҳражон Ҳасанхон
акасига қараб бир сўз айтаверди:

Кўп чопилса отдан чиққан тер бўлсин,
Хафа одамнинг¹ юрагида чер бўлсин!
Борар жойинг айтгин менинг ўзима,
Сафаринг, акажой, бехатар бўлсин!

Ҳар жойда бўлгайсан соғи саломат,
Худо қилсин сендай мардга далолат.
Кўрмагин ҳеч жойда, акажон, меҳнат².
• Кетганингдан эсон келсанг хўп давлат.

¹ Қўлёмзада «хападомди».

² Бу ерда «заҳмат» маъносида.

Талаб қип, акажон, минибсан отга,
Қойил бўлдим, ака, ўзим кулфатга.
Сардор бўлдинг, келиб Чамбилдай юртга!
Талаб қипсан ўзинг қайси элатга?
Эсон-омон келгин Чамбилдай юртга.

Йигламай қайтади гул, ранги сўлди,
Чиройи читилиб қадди букилди.
Рўмолларин бойлаб олиб шойида:
Соп сулув қиз битган гирдини олди.
Ҳасанхон инграниб ўртада қолди,
Кайвони соп қизлар қуршашиб олиб,
Хон Ҳасанжон энди ўртада қолди.

Ҳаммасининг банди бўғини бўшади,
Еронлар, кўнгли қайнаб тошади,
Кўрганларнинг хаёли ақли шошади.
Йигитларнинг кўнгиллари жўшади.
Ҳамма қизлар ўртага олиб¹ полвонни
Ҳаммаларн омин-омин дейишади.

Не савдо кўтармас банданинг боши,
Иллобло дер мачитларнинг дарвиши,
Ағдарилиб учар кўлларнинг қуши,
Омин дейишиб гала ойим чувлайди,
Чувлашади соп хотиннинг товуши.

Қиз-келинчак омин дейишиб излайди,
Мард йигит душманнинг бағрин тузлайди.
Борарини асли билмай Гулчеҳра,
Сулув қизлар омин дейишиб бўзлайди.

Тамошо айланг Гулчеҳранинг додига,
Ҳамма қизлар келинчаклар чувлашиб,
Омин деб фотиҳа тортди бетига.
Гулчеҳражон ўпкасини босолмай,
Жўнатар бўп Ҳиндистоннинг юртига.

Ука бўлар акасининг қаноти,
Уғил-фарзанд отасининг улфати.
Хон Ҳасанхон, Гўрўгланбек ёронлар,

¹ Кўлэзмада ўртағалиб.

Саҳмон полвон Ҳасанхонга сардор бўп,
Омин деб фотиҳа [бетига] тортди.

Гўрўглибек шердай бўлиб,
Қатордаги нордай бўлиб,
Елкалари қирдай бўлиб,
Кўринг туркманнинг подшоси,
Ҳиндистон элига кетди.
Олдида Ҳасан фарзанди,
Саҳмон полвон йўлбарсдай бўп,
Ҳиндистон элига кетди.

Димоги чоғ бўлиб, Гўрўгли, Саҳмон,
Ҳасанхонни сардор қилиб лашкарга,
Аҳмадбекнинг қўлларига туғ бериб,
Ҳиндистон элига Гўрўгли кетди.

Сўз чиқади тилидан,
Кийик қочар чўлидан,
Гўрўглибек, хон Ҳасан,
Аҳмад сардор, Саҳмон полвон бош бўлиб,
Лашкар чиқиб кетди Чамбил элидан.

Гўрўглибек гайрат билан Чамбилдан
Жўнайверди Ҳиндистоннинг элига.
Қистаб чиқди Чамбил белининг чўлига,
Чанг билқиллаб қолди юрган дашида.
Томоша айланг Аҳмад сардор ншига,
Тизилишиб от қўяди сардорлар,
Чапарас чопишиб чўлнинг дашига.¹
Чўлда ўлганнинг жондор қўнар гўшига.

Кўнгил бўлмасин хаста,
Чанг чиқиб даста-даста,
От қўяди Гўрўгли,
Туркман элнинг бекалари,
От қўйиб чапараста.

Кўпти юзи нурлари,
Қистаб жўнар чўлларда
Гўрўглининг шерлари.

¹ Даштига.

Елкасида бор қалқон
Чамбил вл бўлди шодмон.
Ун беш кунлик ойдаи бўп,
От қўяди чўлларда,
Тинжирайди Ҳасанхон.

Худди ўзи бойдай бўп,
Чўпон тортган найдай бўп,
Қўшиннинг ўртасида,
Хон Ҳасанхон ярашиб,
Ун беш кунлик ойдаи бўп.

Утар дунё бепоен,
Душманлар бўлсин сарсон.
Қирқ йигит ўртасида,
Бу қўшинга ярашиб,

Ҳамма беклар қарашиб,
Тилла жига бошида
От чопади Ҳасанхон.

Юринг деб қизил тили,
Тушмасин ўлим ҳили,
Гўрўғлининг булбули,
Тўзонлаб юрган чўли,
Бу қўшинга ярашиб,

Темир подшонинг ули.
Дафта-дафта от қўйиб,
Обод бўп юрган чўли.
Жўнайверди Гўрўғли
Чамбил белнинг сардори.
Кечаси тушиб ётиб,
Кундуз куни қистайди,
Туркман элнинг беклари.

Ширин жонни сотсам, деб,
Неча тоғдан ўтсам, деб,
Гўрўғлибек хушвақт бўп,
Ҳиндистондан Гулнорни,
Мингаштириб қайтсам, деб,
Ҳиндистоннинг шахрини

Бориб қойил қилсам, деб.
Гулноржоннинг ўзига
«Қанн ваъда» десам, деб.
Сочилган насваларни
Ҳар шаҳарда есам, деб.

Давлатлининг хотири,
Евда йигит ботири,
Тизилишиб от чопиб,
Туркман элнинг бекари.

Чуррак лочин қўлида,
Лочин тоғнинг белида,
Гўрўглибек от чопиб,
Жўнай берди соп бекар,
Ҳиндистоннинг влига.
Евдаги кўп йигитлар,
Ҳасанхоннинг баҳрига.
Йўлиқмасин ҳеч душманнинг қаҳрига,

От қўяди сап шерлар,
Ҳиндистоннинг шаҳрига.
Сатта бекар от қўяди шердай бўп,
От қўяди занглаб ётган чўлига.

Сўна ойдин қўлида,
Гоҳи дўнгга чопади,
Бекар кўнглин топади.
Гоҳи текисда чопиб,
Ҳулкардай бўп тўп бўлиб,
Гоҳи тоғнинг белига,
Тинмай қистаб йўл юриб,
Гоҳида от қўяди.
Ҳасанхонни балқитди.
Тўбасида кокили,
От чопганда шамолга,
Кокилин жилвиратди.

Илдам экан отлари,
Устида узун чопон
Унгурни париллатди.
Елкасида қалқонди
Ойдаин дириллатди.

Мард Гўрўгли ҳайданг деб
Ҳиндистонга йўл тортди.

Элни босибди савлати
Ҳам Холдор, Шодмон қўшилиб,
Отни чопиб ҳар тарафдан,
Одам йиғилди ҳар бобдан.
Гўрўглибек хўрлик кўрса,
Қўшни келар Кўҳиқофдан.
Рустамдай беклар жўнади,
Бастамга ўхшаб жўнади.

Елкада борди паранги
Қўлида борди заранги
От қўяди қуло чўлда
Келаяпти гоҳо элда.
Гоҳо ёруғ, гоҳ қоронғи,
Рустамдай беклар жўнади.
Бастамга ўхшаб жўнади.

Гулноржонни олсам, дейди,
Оп хизматкор қилсам, дейди.
Ҳиндистонни, ўзим бориб,
Қариндош қип келсам, дейди.
Сочилган нон-насибани,
Ҳар шаҳардан есам, дейди.
Оқ юзли, обрўли бўлиб,
Ҳиндистондан келсам, дейди.
Рустамдай беклар жўнади
Бастамга ўхшаб жўнади.

Юра-юра Гўрўглибек,
Келди Урруқул чўлига.
Лашкар тортиб даста-даста,
Келди Бешкапа элига.

Қулоқ солиб айтган тилига,
Оралади Хитой элига.
Ҳамма ерни тўзон тутди,
Бор ерлар қимирлаб кетди.
Вилоятни оралашиб,
Одам нарсасига тегмай,
Рустамдай беклар жўнади
Бастамга ўхшаб жўнади.

Очилган боғнинг гунчаси,
Ғам кўпти, дардманд анчаси,
Чўғдай бўлиб жайнашадн,
Туркман элнинг бекбаччаси.
Рустамдэй беклар жўнади.
Выстамга ўхшаб жўнади.

Тинмайи тушликка кетди,
Йўлни юриб хон Гўрўгли
Тахта қорачадан ўтди.
Қора дарахтни оралаб,
Анорлар узди саралаб,
Одамлар қўрқиб, мўралаб,
Ҳеч нарсага зарар қилмай
Қишлоқни оралаб кетди.
Энди қистаб Гўрўглибек,
Чиниман энди йўл тортди.

От, йигит келди бобга,
Чопилмоққа келди тоққа.
От битганлар зариллашиб,
Чопонлари пориллашиб.
Ўзбек-туркман от қўйишиб,
Шердай бўлиб гариллашиб,
Юрган чўл чанғиб кетди,
Эғнида тугма банди,
Пўпакни селпиллатди.
Қарчигайдай қимтилиб,
Итилгидай имтилиб,
Оч лайлақдай ютилиб,
Илдам бедов олдинда,
Олиб қочиб қутулиб,
Отлар орзини очди,
Қўлтиғдан парқии сочди,
Нишаб-нишаб келганда,
Бекларни олиб қочди.
Кўрганнинг ақли шошди.
Тинмай қистаб Гўрўгли,
Занглаган чўлга тушди.
Бедов отлар парқиллаб,
Ёнда ханжар шариллаб,
Жўнайверди хон Ҳасан
Ойга ўхшаб ярқиллаб.

От ёлин шамол эшди,
Тўп-тўп бўп даста-даста,
Юрак бўлмасин хаста!
Ҳиндистоига Гўрўғли
Агдарилиб чўлларда,
Ҳаммаси от қўйишди.
Ширингина сўзи, деб,
Ярқиллаган кўзи, деб,
От қўяди Гўрўғли
Гулноржоннинг ўзи, деб.
Тинмайин қистаб кетди.
Қирқ йигитнинг кийими,
Тўрт эллик чангга ботди.

Ҳасанхон ёш баччади,
Бетлари чуйкаб кетиб,
Андайин озиб кетди.
Ҳеч ками қолмади,
Лангар тоғига етди.
Молни тулуплай сўйиб,
Сув тўлдириб чўлларда,
Кеча-кундуз йўл тортди.

Бойлар тоғини яйлайди,
Остида от ўйнайди.
Танда жонни қийнайди.
Гўрўғлибек бир маҳал
Одамларини йигиб,
«Қандайсан» деб сўйлайди.

Барақалла кўп лашкар,
Номозигар бўлганда
Бариси қуш ташлайди.
Вақтларин хушлайди,
Белбоғ чопонни ечмай,
Бир ёнбош бўп тайлайди.

Қалқонини тўнтариб,
Совутларни бўктариб,
Бораётир чўлларда
Ҳиндистонни ахтариб
Йўл бермайди баланд тоғнинг ўраси,¹

¹ Урқ.

Ҳар кимнинг куни бор беш кун қўраси.
Узоқ экан Қора тоғнинг дараси,
От қўйиб қуло чўлда жўнайди,
Бораётир Чамбил өлнинг тўраси.

Олисга ярайди отнинг сараси,
Ботирни ингратар милтиқ яраси.
Олис экан Ҳиндистоннинг ораси,
Топга келди асил тулпор сараси.
Кўп кун йўл юрди Гўрўғали подшо,
Ялтираб кўринди дарё қораси.

Емон йўлдош пасод қилар кишига,
От ўйнатиб сувлиқларни чайнатиб,
Яқинлашди бир дарёнинг бошига.
Булар кўрган йўқди ҳақнинг қудрати,
Бир тулупни миниб катта дарёдан,
Отдан ндадм биров нарига ўтди.

Ев келди деб Афғонистон шаҳрига,
Тулуп минган одам Афғон шоқига,
Афғон подшосига хабар қип айтди.

Энди гапни ҳалиги тулуп мингандан эшитмак даркор.
Афғоннинг подшосига бориб, узун соқол, Жунли баччагар,
бир сўз айтяпти:

Ҳар нарсдан ҳар миллатнинг худойи,
Кетмас бўлди қайтай қориннинг ўйи.
Қўрқиб қочиб келдим пок ўлайин деб,
Сўзима қулоқ сонг Афғон подшойи.

Дарёда шалдираб ўтади балиқ,
Емон қўрқиб келдим давлатхонага,
Сўзима қулоқ сонг Абди оталиқ.

Кўнгалга келмасин таги манманлик,
Афғонистон элга бўлғай шодмонлик.
Бир нарсани кўриб мен бежой қўрқдим,
Сўзимни хўп тингланг Абди оталиқ.

Қулоқ солинг Жунливойнинг тилига,
Раҳм этманг душман бўлса ҳолига.

Кўрганимни айтаверсам кўп қулфат,
Лашкар келди Афғонистон элига.

Офтоб сўлитмагай боғда гулингни,
Кўрганимни айтаверсам, тақсиржон,
Лашкар босди Афғонистон элингни!

Бежой кўп қўшиндир дарёдан ўтар,
Шу бугун кечаси булк этмай ётар.
Тарадини дарров ўзинг қилмасанг,
Элатингнинг ҳаммасин талаб кетар.

Ёв олди десанг-чи, энди элингни,
Сел олди десанг-чи, энди шаҳрингни.
Гардон дароз ёлсиз отни минибди,
Билдим ҳар жабру жафога кўнибди.

Гоҳосининг катта телпак бошида,
Ҳайбатли, ҳашамли бир ёв келибди.
Мен билмайман сенинг йўлингни тўсган,
Қаерда душманнинг кўкайин кесган,
Дабдабали катта лашкар келибди;
Қуртдай қайнаб дарё бўйини босган.

Бурунли сап полвон лашкар келибди,
Бировининг тилла жигга бошида,
Қойил бўлдим кўриб ўзим ишига.
Ойдайин болқиган битта боласи,
Анинг ўзи айни ўн беш ёшида.
Сап хурушли зўр полвонлар келибди.

Индамасанг тўс-тўс қилар элингни,
Ҳайдаб кетар ёйилиб юрган молингни,
Хазон қилар боғда очилган¹ гулингни,
Қоровул қўй эҳтиёт қил элингни!
Элзизлалик катта тараф келибди.

Шовқин уриб тағи эли олмасин,
Бир-бирига маслаҳат қип демасин.
Эҳтиёт бўнг бу ишга подшоҳим,
Тагин-а, элатни вайрон қилмасин!
Дабдабали ёмон душман келибди.

¹ Кўлёзмада «боғдочилган».

Булкиллаб чўлларни қамсаб олибди,
Кўп жой лашкарга тўлиб қолибди.
Кўрганимни айтсам сизга подшоҳим,
Салтанатли ёмон лашкар келибди.

Буни кўриб юракни босди ваҳм,
Ёвгарчилик бўп қолди энди жойим.
Тонг отмайин қилгин бунинг ҳийласин,
Лашкар тутди катта дарё даласин.
Бу ншнинг иложин қилгин, подшоҳим!

Ана энди Абди оталиқ подшонинг рангининг қони қочди, туси ўчди, қулоғи тос тепасидан ошди. Олдидаги одамлар тура-тура қочди. Ўзи зангига ўхшаган қоп-қора, баҳайбат одам экан. Ана Абди оталиқ — Афгоннинг хони, вазирларга қараб бир сўз айтаяпти:

Қўшин келган бўлса, қилинг иложин,
Тиячлик учун олдинг элатнинг божин.
Доно вазир, отни минган аскарлар,
Душман келса қилинг бунинг иложин!

Битта қолмай кўрсатманглар элини,
Юлб олинг, сўзламасин, тилини!
Душмандан тап тортмас сатта сарбозлар,
Ўлжа қилиб кенглар ҳамма молини!

Тортиб онглар киссасида пулини
Қоп қилинглар қўниб ётган чўлини!
Битта қўймай бошин олинг ҳаммасин!
Бериб кенглар ким бўлса ҳам таммасин!
Зан деб чопиб ташланг унинг ҳаммасин!
Амалдорлар, қилинг бунинг иложин!

Қўшин йигиб, дарров босинг изини.
Кўп эланса қабул қилманг сўзини!
Аввал элчи юборинглар вазирлар,
Душман бўлса, қириб ташланг ўзини!

Ҳар тарафга хати хабар қилдиринг,
Дарё бўйини ўликка тўлдиринг!

Сап вазирлар, сарбозбоши полвонлар,
Душман бўлса, битта қўймай ўлдириңг!

Ҳар тарафга энди добил тўйдириңг,
Кечасиман элдан лашкар йиғдириңг!
Яхши марсасини талаб оляғлар,
Битта қўймай ҳаммасини ўлдириңг!

Ана энди Афғонистонга, Кобалистон, Забулистон ҳар тарафга от қўйиб, хат юбориб, кечаси билан Афғоннинг қўшини йиғилди. Печи киндикдан ошган, узун печли, оқ салла, кўк салла, каштали, ҳар ранг саллали шу Афғон қуртдай қайнаб, тонг қулон ияк бўлганда, дарёнинг бўйи Ҳиндистондан лайлак келгандай бўлиб, дарёнинг нариги чеккаси қўшинга тўлиб кетди.

Гўрўглибек ҳам бу қўшинни кўриб, туркман, ўзбекнинг сардарлари, ботирларининг юраги ҳишиб кетди. Қўрқоқларнинг юраги пастга тушиб кетди. Худди отган ўқдай қилиб, иккита тулуп минган балиққа етказмай, шириллаб дарёдан ўтди. Ана энди иккови тулупни қўйиб, қуендай чопиб, анови Гўрўглининг қўшинига оралаб кетди. Саҳмон полвоннинг алангаси юзига ўрнаб, ҳалиги икковини қўлидан ушлаб, калласини биров-бировига уриштираверди.

[Бунини] шу одобсизлик билан келаетганига қилди. Холдорбек билан Шодмон мерган келиб, айириб олди. Ҳалигилар кўзи чанғироқлаб, эси кетиб қолди. Бир соат ётиб, ўзига келди. Саҳмон полвоннинг аччиғи келган экан, бир тиклаб қаради; ҳалиги кўзга илмай манманлик қилиб келаетган, тулуп минган икки элчининг бир буйрағи ичидан чопиб чиқиб кетди. Биттаси йиқилиб қолди. Ундан кейин ўзига келди иккови. Энди салом бериб, кўринган одамга ялинчоқ бўлди. Ана шунда Холдор билан Шодмон мерган Гўрўглибекнинг олдига бориб, салом аликни адо қилиб, Гўрўглибек йўлбарсдай ваҳшат қилиб, ҳалиги элчиларга қараб бир сўз айтаяпти:

Энди сенга дўзах, биҳишт нўл бўлсин,
Юргангинанг дарёбоши, кўл бўлсин,
Манманлик қип қистаб ўтдинг дарёдан,
Такаббур меҳмонлар, сенга йўл бўлсин?

Икковгинанг тулуп миниб езласан,
Уйлаб турсам бир балонни ёбиласан.

Печингни узун қўйиб икковинг,
Беадаб меҳмонлар, сенга йўл бўлсин?

Оқизайми кўэларингдан ёшингни,
Учирайми қўлдан олгир қушингни?
Зўравон меҳмонлар, сенга йўл бўлсин,
Юлиб ташлайинми тандан бошингни?

Юрагингни Саҳмон полвон майнрди,
Уларида от оёгин жийирди.
Соқолинг силкиллаб, сочинг чилвираб,
Қандай одам иковингни буюрди?
Мазаси йўқ, икки меҳмон, йўл бўлсин?

Оломайсан мендай марддан ўчингни,
Қаердан жўнатиб келдинг кўчингни?
Дабдабаман ик кун қистаб келасан,
Киндигингдан туширибсан печингни,
Қора бузоқдай меҳмонлар, йўл бўлсин?

Қарамайин келдинг икки кўзларга,
Йигит ишқивоз бўлади қизларга.
Бало ургандай бўп иккинг хезлайсан
Жазо лозим бўлди энди сизларга.
Тузсиз меҳмон, икковингга йўл бўлсин?

Келувингга йўлгинангни тўсарман,
Гўштарингни бурда-бурда ўсарман.
Феъли ёмон меҳмон, сенга йўл бўлсин?
Шошмасанг қулоқ-бурнингни кесарман.
Эркак сабздайин, меҳмон, йўл бўлсин?

Подшо ўқир мирзосиннинг хатини,
Нима дейди келганингнинг юртини?
Беустод, меҳмонлар, сизга йўл бўлсин,
Нима дейди подшоҳингнинг отини?

Меннинг ўзим катталиikka ярайман,
Ҳар тарафга боқиб тиклаб қарайман.
Подшоҳингнинг оти нима, меҳмонлар?
Келган шаҳарингни ўзим сўрайман.
Икки манман меҳмон, сизга йўл бўлсин?

Шу иккови кўзини жапаланг-жапаланг этиб, сичқани юз тангага сотиб олгандай бўлиб, кўзи пишакнинг дай товланиб, меҳмонлар Гўрўглибекка қараб бир сўз верди.

Эшитгин, подшоҳим, элчи додини,
Энди қилинг кўнгилларнинг шодини.
Абди оталиқ дейди шоҳим отини,
Афгонистон дер элчининг юртини.
Элчи бўлиб бунда келдик, подшоҳим.

Номозгарда ёв келди деб эшитди,
Абди оталиқ кўп қилди гайратни.
Ҳар тарафга отни, хатни жўнатди,
Кўп тала-тўп бўлди Афгоннинг юрти.
Сўрагани келдик бизлар, подшоҳим.

Яхши хизмат менга қилинлар, деди,
Нима бўлсанг иккинги бўлинлар, деди.
Ажал етса бориб, ўлинлар, деди.
Абди Оталиқ бизларни буюрди,
Дўстми-душманми, билинлар, деди.

Афгон дейди элчиларнинг кентини,
Шоҳимардон дер бузругим отини,
Абди Оталиқ ҳам кўп ўткир подшоҳим.
Душмандан ҳамиша олар лотини.
Сўрагани келдик бизлар подшоҳим.

Совур кирса кўчар деҳқонлар боққа,
Сулув қиз силкиллаб юрар чорвоққа.
Истихона Соқижондан тилади,
Шоҳимардан дер бузругим отини.

Юраклардан кетган на қайгу-гамсиз
Қия тоғда силдираган бодомсиз,
Элчига ўлим йўқ ҳаргиз подшоҳим.
Дўсти душманликни, меҳмонлар, айтинг,
Рост гапиринг қандайчанги одамсиз?
Оталиқ амриман келдим, подшоҳим.

Кўп қийнамай бизни: бевақт ўлдиринг,
Очилмайин тоза гулни сўлдиринг!

Подшомнз боринглар — деди, айтди,
Душмансизми, ё дўстликни билдиринг!
Синагани келдим бунда подшоҳим.

Меҳмонсизми, тарафсизми айтинглар,
Савдогар бўлсанг саройда ётинглар!
Душман деб Оталик анжом чоқлади.
Ҳақ ҳурмати, меҳмон, тўғри айтинглар!
Сўрагани келдим бунда, подшоҳим.

Шикаста панд берар отнинг майиби,
Яхши бўлгай ҳар банданинг заифи.
Меҳмонсизми, душмансизми, билдиринг,
Сўраганининг ҳеч бўлмади айби?!

Ана энди меҳмонлар айтадиган сўзини айтиб қўйди.
Ана Гўрўглибек келган узун печли меҳмонларга қараб,
рост сўзни айтяпти:

Эшитинглар, икки элчи додимни,
Тирикликда қилай кўнгил шодимни.
Чамбил дейди ўсган вилоятимни.
Маза чиқар эсли одамнинг тилидан,
Ўрдаклар париллаб учар қўлидан.
Гўрўгли етим дер менинг отимни,
Меники элчилар Чамбил элидан.

Белима мен бўғсам шолдан пўтамни,
Ўлиб кетсам Юнус тутар мотамни.
Аслим сўрсанг мен туркмандир уруғим,
Равшан синчи дейди менинг отамни.
Зотим сўрсанг асилзода бўламан.

Уруш бўлмай қалқон совут киймайман,
Озод қилмай лашкаримни йиғмайман.
Мен меҳмонман, келиб тушдим шу ерга,
Қўрқмасин подшоҳинг асло тегмайман.

Бориб айтинг мен йўловчи, элчилар,
Эсон бўлсам неча тогдан ўтаман,
Мен сизларга ростин айтсам, элчилар,
Йўловчиман, Ҳиндистонга кетаман.

Йўл юраман занглаб ётган чўлида,
Чиқиб олсам Шанхай ёлнинг белига,
Ҳали ҳозирча мен меҳмон, элчилар,
Бораяпман Ҳиндистоннинг юртига.

Гулнор пари Чамбил ёлга келувди,
Тегаман, деб қаттиқ ваъда қилувди;
Гапларига менинг кўнглим тўлувди.
Шерик бўлманг бу юракнинг черига,
Ҳиндистонга Гулнор дедим отландим,
Мен бораман Гулноржондай парига.

Подшонг рози бўлса уч кун ётаман,
Меҳмон деб сийласа менинг ўзимни.
Нима деса Гўрўглибек дебди, де,
Сочилган нон-тузини ебди, де!
Ёлгон айтма, рост гапиргин подшонгга
Гўрўглибек Чамбил ёлдан кепти, де!

Тақдир қилса Гулноржонни оламан.
Қайтаримда келиб меҳмон бўламан.

Ана энди икки элчи жойдан туриб, қўл қовуштириб,
печлари ер судраб, Гўрўглибекка, турган аҳли қора кўз
қўшинга айланиб, таъзим қилди. Ана энди Гўрўглибек
қўрққанини билди, аста жилмайиб кулди. Ана энди яхши
сарполардан бериб, элчиларни «хуш келдинг» деб, дарё-
нинг бошигача узатиб жўнатди. Ҳалиги иккови тулупни
миниб олди. Яшин оққандай бўлиб дарёдан ўтди. Шу Саҳ-
мондан қутулганига хушвақт бўлиб кетди; Абди Оталиқ-
нинг олдига етди. Ана энди кўрган сирларни Оталиққа
қараб айтаверди:

Ассалом алайкум Афгон подшоҳи,
Улмайгина келдим мен олдингизга.
Яхши отни ўзи елдирай, деди.
Пок бўлмаса мени ўлдирай, деди.

Хатапланган бари қизил нор экан,
Барзи деҳқондайин бари шер экан.
Ўз кўзимман кўриб келдим подшоҳим,
Гўрўгли деган бир подшоҳ бор экан.

Озор бермасангиз уч кун ётармиш,
Индасангиз кўплар саваш ётармиш.
Йўлбарсдай туркманлар кепти меҳмон бўп,
Ҳиндистонга ёппа-ёвлик ўтармиш.

Ёвнинг кунни рустамча бор ғайрати,
Чўлни босиб ётар унинг ҳайъати.
Хизматкоринг бежой кўпди ғайрати.
Меҳмон экан Ҳиндистонга кетармиш,
Тегмасангиз уч кун дам оп ётармиш.

Сап одамхўр кепти Чамбил элидан,
Банда омон қутулмайди қўлидан.
Йўл берсангиз Ҳиндистонга кетармиш,
Сап азамат кепти ўзбек элидан.

Оталиқ, кулоқ сонг айтган сўзларга,
Улмай чиқсак бу йил қишдан ёзларга,
Йўлбарсдайин сатта шерлар келибди,
Худо меҳмон бериб қопти бизларга.

Йўловчи экан, Ҳиндистон кетармиш,
Гўрўглибек Гулноржонни олармиш.
Қайтарида келиб меҳмон бўлармиш.
Меҳмон экан, Ҳиндистонга борармиш,
Қайтарида неча тортиқлар билан,
Келиб туриб яхши меҳмон бўлармиш.

Яхши гап билан илон индан чиқармиш, ёмон гапирса
мусулмон диндан чиқармиш, ана энди тошқинлиги келиб,
Оталиқ ўнгу сўлга қараб, доноларга бир сўз айтаверди
Афғоннинг подшоси:

Сап вазирлар эслиларинг келинглар,
Меҳмонларнинг хизматкори бўлинглар!
Бориб туриб узр-маъзурлар айтиб,
Олиб келиб бунда меҳмон қилинглар!

Афғонистон худотидан оширинг,
Азлардайин изларига бош уринг!
Яхши сарпой овқат тайёр қилинглар,
Олиб келиб, меҳмонларни туширинг!
Вазирлар, маслаҳат қандай бўлади?

Олиб келиб от-отни бойланглар!
Меҳмон қилиб бежойин кўп сийланглар,
Яхши гилам, яхши кўрпа тайланглар!
Донолар, маслаҳат қандай бўлади?

Тўқли гозни овлаб кенглар кўлимдан.
Бемаза гап чиқиб кетди тилимдан.
Меҳмон қилиб, яхши сарполар ёпиб,
Узатиб келинглар, энди элимдан!

Меҳмон қилиб, ақлларин шоширинг,
Хизмат қилиб кўнгилларин жўширинг,
Олиб келинг сатта наъра шерларин!
Чегара Афғон юртидан оширинг,
Ҳиндистонга ўз кўзингман туширинг!

Қаватида кеча-кундуз туринглар,
Чаққон бўлиб Гўрўғлига боринглар!
Утганини ҳеч бир душман билмасин,
Келганча қарнашув қилиб юринглар!
Халойиқ, маслаҳат қандай бўлади.

Уят бўпти дарров олиб келинглар!
Ҳаигома қип димогларини чоглаб,
Балки Ҳиндистонга бирга боринглар!

Юз маҳрамни Абди Оталиқ жўнатди.
Минг одам қайиқман кемага кетди.
Амри подшо вожиб экан дунёда
Дарёнинг бетини сол, кема тутди.

Юз маҳрам тиллога ботиб, чопишиб,
Гўрўгли олдиға иззатман етди.

Эсли маҳрамлар вақтини хушлади,
Бошин иргаб, лабларини тишлади.
Салом бериб, ўйнаб-кулиб ҳаммаси,
От-отидан меҳмоним деб ташлади.

Ҳаммаси отдан ташлаб, кўнглини хушлаб, ана Гўрўгли-
бекка қараб, бир сўз айтаверди:

Олқор ўйнар тоғнинг баланд-пастиди,
Мард жишилар душманнинг қасдида.

Ассалом алайкум, келган меҳмонлар,
Ҳар бир келганингиз бағрим устига.

Уста олар болта билан табарни,
Ёмон сўзга гулдай юрак қабарди.
Қаддингиздан кетай азиз меҳмонлар,
Оталиқ бизларни сизга юборди.

Баҳорда кўмақдир тоғнинг бодоми,
Хушвақтликда, кетди юракнинг гами.
Бизларман бирга юринг, меҳмонлар,
Бизлар келдик, Оталиқнинг маҳрами.

Эшитиб, хушвақт бўп, кўп гап сўйлади,
Душмани кўп-кўп галларни ўйлади.
Неча таом-овқат тайёрлар қилиб,
Яхши гилам, яхши тўшақлар тўшаб,
Оталиқ сизларни меҳмон айлади.

Бизлар билан энди юринг, меҳмонлар,
Бизлар ҳам ботирмиз кўмак этамиз.
Меҳмон қилиб, зиёрат қип сизларни,
Сизлар билан Ҳиндистонга кетамиз.

Оталиқ сизларни меҳмон айлади,
Теваракда душмани кўп пойлади.
Хушвақт бўлиб, юраклари ёрилиб,
Ҳаммамизни шоди хуррам айлади.
Бизлар билан бирга юринг, меҳмонлар!

Неча кунлар бу элатда турамиз,
Беш-олти кун шодиёналарни қўйиб.
Сизи билан Ҳиндистонга борамиз.
Оталиқ сизларни меҳмон айлади,
Бизлар билан бирга юринг, меҳмонлар!

Худо берсин ҳаммангизга давлатни,
Яхши одамнинг кўп бўлади иззати.
Олиб кенглар меҳмонни, деб Оталиқ,
Ҳаммамизни, меҳмон, сизга жўнатди.
Хушвақтчилик, юринг олга, меҳмонлар!

Ана Гўрўглибек бу сўзни эшитди; хушвақт бўлиб кетди. Сўздан кўнгли тўлди. Лашкарига қараб бир сўз айта-верди:

Давлат берса элга кўпди хатарлар,
Подшонинг олдида борди шотирлар.
Оталиқдан хайрли гап келибди,
Борасизми, бормайсизми ботирлар?

Кам эсларнинг қилган иши чаладир(р),
Қаддингдан кетайини гала шерларим,
Уйланглар, маслаҳат қандай бўлади?
Борасизми, бормайсизми бекларим?

Холдор маҳрам, Шодмон мерган, ясовул,
Саҳмонжон маслаҳат қандай бўлади?
Ҳангомада қизлар бўлар ҳар алвон,
Бизни деб элатдан чиққан кўп полвон,
Халойиқлар келинг, қилинг маслаҳат!
Маслаҳат бер Гўрўглига, тоғажон!

Хўп ўйланглар бу иш фириб бўлдимми?
Афгон юрти кўп маслаҳат қилдимми?
Яхши инъом, яхши иззат келибди,
Маслаҳат қинг бу гап ҳийла бўлдимми?

Чин сидқидил хизмат қилдинг бегумон,
Қайтайин ўзимдан кетдим ҳар замон.
Иш бўлмайин аввал қилинг маслаҳат,
Маслаҳат бер бу қўшинга, Саҳмонжон!

Катта-кичинг эл оғаси келинлар,
Йигилишиб маслаҳат қинг Соқижон!
Гапи битта келиб тегди Мисқолжон,
Ҳали узоқ кетаверсак Ҳиндистон.
Ошна деган ширин жоннинг ҳузури,
Маслаҳат бер бу қўшинга Темирхон!

Ана энди Аҳмад сардор, Туркман элининг ағаси, бошига санчилган подшоликдан теккан жиғаси — Гўрўглибекнинг тоғаси шунда ўтирган Гўрўглибекка, сап талабли халққа, навкарларга, сардорларга қараб бир сўз айта-верди:

Насва ҳайдаган у ёққа-бу ёққа юрдими?
Насва чочилмаган эда турдими?
Тупроқ тортган, насва тортган кетармиш,
Уйланг Оталиқни худой урдими?

Йиғиб келдинг сен одамнинг тозасин,
Алдаб бориб бизга ёмонлик қилса,
Кечикмасдан тортар билинг, жазосин.
Уйланг, Оталиқни худой урдими?

Мусулмондир, хўп маслаҳат қилгандир,
Бечоралар яхши гапдан дегандир.
Бизга ёмонлиқ қип худой урдими?
Ошно бўламиз деб одам келгандир.
Қўрқманг халойиқлар, бу гап ёлғондир!
Эшитинглар Аҳмадбекнинг зорини,
Агар ёмонликни қилса, бекларим,
Қириб кетай Афғонистон барни.

Агар ёмонликни қилса ўйланглар,

Суриб санчинг ҳам қариси-ёшини!
Гўрўглибек асло қўрқма бировдан,
Якка ўзим қирай душманининг барни!

Феъли қочиб, ўйланг, худой урдими?
Кўнглини чўкирманг, ёппа борамиз!

Ана энди ҳаммаси карнай-сурнай, ноғора уриб, Гўрўглибек ошнолиққа шодиёна урди. Ана шуйтиб анжом асбобларнинг ҳаммасини ортди. Карнай, ноғоранинг товушида одамларнинг қулоғи битди. Дарёнинг бўйига етди. Шундай қараса, сол билан қайиқ дарёнинг бетини тутибди юлдуздай бўлиб. Ана буни кўриб, шоди хуррам бўлиб, ҳаммасини кемага, солга солиб, омон-эсон дарёдан ўтди. Бари от-отини миниб, Афғоннинг шаҳрига оралаб боряпти. Ана халойиққа қараб бир сўз айтиб боряпти Гўрўглибек:

Шукур қилинг полвоцларим,
Афғоннинг шаҳрига келдик.
Юракдан кетгиз губорни,

Оталиқман ошно бўлдик!
Қулоқ сонг подшонг тилига,
Юрсанглар Чамбилбелига,
Ўзбекликни йиғиб қўйинг,
Сипоҳигарликни қилинг!
Афгоннинг элига келдик.

Баринг одамдай бўлинглар,
Бўшаманглар, қийшайманглар,
Лочиндай бўлиб юринглар!
Шукур қилинг, биродарлар,
Афгоннинг элига келдик.

Кўнглингиз тўқ бўлиб юринг,
Анжом-асбоб чоқ қип юринг!
Одамдай бўп талтайишиб,
Ҳамманг бирдай тахт бўп юринг!
Шукур қилинг сатта шерлар,
Афгоннинг юртига келдик!

Мард йигит ханжарин чолар
Душманга савдо солар.
Келаяпмиз меҳмон бўлиб,
Нима иш қилса подшо билар.
Отларни гердайтиб юринг!

Афгонлар хўп қойил бўлсин,
Айқич-ўйқич қамчи уринг,
Сипоҳидай бўлиб юринг!
Ҳангомада ўтирганда,
Ҳамманг бирдай бўлиб туринг!

Оч кўзингни азаматлар,
Афгоннинг элига келдик!

Бу сўзман ўзин тузатди,
Отларига қамчи чотди.
Сатта олма кўз бедовни,
Тор такасидай ўйнатди.

Гўрўглибекка шотир бўп,
Катта подшоларга ўхшаб,
Зилзиласи ерни ёриб,

Салтанат, шону шавкатман,
Афгоннинг элига кетди.

Ҳаммаси Рустамдай бўлиб,
Каррордайн ҳайъат қилиб,
Гала беклар шавкат қилиб,
Ҳаммаси полвондай бўлиб,
Кетди Афгоннинг элига.

Ҳайъат катта бўлиб кетди,
Ер юзини одам тутди.
Салом бериб ҳамма одам,
Меҳмонни бежой сийлашиб,
Афгоннинг элига кетди.

Оқлар энди шашага,
Қизил кесакдай жўшага,
Афгон элдан қиз-хотин,
Бари чиқди томошага.

Келаётир отлар ўйнаб,
Туркман-ўзбекнинг ботири,
Худди бари чўгдай жайнаб,
Қизлар чиқди томошага.
Гўрўгли подшо жўнади,
Баҳодир шерлар жўнади.

Туркман-ўзбекнинг зўрлари,
Катта арслондай шерлари,
Қип-қизил лўкча норлари,
Гўрўглининг навкарлари,
Ҳайъатман подшо жўнади,
Шавкатман подшо жўнади.

Элбегилар, оқсоқоллар,
Таҳассиб қип бир-бирига,
Сатта гўччоқлар жўнади.

Остида ўйнайди отлар,
Муллани битгани хатлар.
Келаётир йўлбарсдай бўп,
Сатта бирдай шераматлар.

Барисининг кўнгли очик,
Кўрмагай қайгу-кулфатлар.
Сатта йўлбарслар жўнади.

Томоша қип қиз-хотинлар,
Оғиз кетган анғирайиб,
Бурун кетган дўнгирайиб,
Нечов оланг-қаранг бўлиб,
Қотиб қопти қингирайиб.
Саҳмон полвон кўп зўр эди,
Қирқ йигитнинг ўртасида
Келаётир зингирайиб.

Қиз-хотин ўпкаси пишиб,
Ота-ўғлидан адашиб,
Қизлар энадан адашиб,
Кўрган одам ҳайрон қолиб,
Келаяпти чопишиб.

Чивин тушган сувдай қилиб,
Сувдаги муздайин қалқиб,
Ўн беш кунлик ойга ўхшаб,
Қирқ йигитнинг ўртасида,
Ҳасан келаётир болқиб.

Муқом билан сўзлар айтиб,
Ҳамманинг вақтин хуш этиб,
Тўнларини ярқиратиб,
Копилларин силдиратиб,
Кўзларини йилтилладиб,
Юзгинасин милтилладиб,
Сатта шерамат маст бўлиб,
Оталиқ билан дўст бўлиб,
Сардор Ҳасанхон жўнади;
Гўрўғли полвон жўнади.

Отларда серпой эгари,
Қассобнинг болта-табари.
Гўрўғлибекни келди, деб,
Борди подшога хабари.

Подшо диморин чоғлади,
Анжом-ассобни тахлади.

Келаётган бўлса, деди,
Даркорлик нарса чоқлади.

Томошабин томши тутди.
Афғонистоннинг савлати,
Кўп бўлди элнинг меҳнати.
Томошага чиқиб энди,
Оталиқнинг паризоди.

Юракдан кетди ваҳимлар,
Эшитган сўзни фаҳмлар,
Афғон ўрдасидан чиқди,
Яхши меҳмон экан дейишиб,
Ҳаммалари савлат қилиб,
Билқиллашиб сап ойимлар,
Сочлари товонга тушар.

Гап кўп бўлди ҳаддан оша,
Қора кўзли сатта ойим,
Яхши меҳмон экан дейишиб,
Қочмайин қилди томоша.

Оталиқ карнай-сурнай тортди,
Афғон элни булкилатди.
Карнай-сурнай довушига,
Афғон эл булкилаб кетди.

Сипоҳи экан оталиқ,
Иззатини яхши қилиб,
Подшолик тахтларга қўйиб
Гўрўғлибек, ҳаммасини,
Хўп яхши ўрин кўрсатди.

Гўрўғлибекни кулдирди,
Абди Оталиқ энди,
Гўрўғлибекни қошига оп,
Подшолик тахтга миндирди.

Оталиқ вақтини хушлаб,
Сайнслар отларин ушлаб,
Дастурхонлар ёзаверди,
Қўл юндириб, палов чошлаб.

Ана энди Гўрўглибекнинг вақтини хушлаб, ҳаммасига тоза либослардан ташлаб, гурри-гурри оқ саллани, кўк саллани, кобили саллани афгонлар йигилишиб, бир зиёфатлар қилди. Гўрўглибекка, борган одамларга сарпой тўнлардан ёпди. Худди яшин оққандай товланиб кетди сарпойлари. Ана энди Гўрўглибек билди, Оталиқ билан дўст бўлиб қолди. Шу орада бир кун ўтди. «Яхши киши ўзи билар экан» деб, киши билмас ўзининг сардорлари билан маслаҳат қилиб, Гўрўгли Афгон подшоси Оталиққа қараб бир сўз айтаверди:

Куйганимдан гапни гапга улайман,
Ер юзига подшо бўлди Сулаймон.
Ҳиндистонга мен жўнайман Гулнорга,
Оталиқ, тақсиржон, дуо тилайман.

Қулоқ сонг, Оталиқ, айтган тилига,
Раҳм айлангиз меҳмонларнинг ҳолига.
То кўрганча дуода бўнг, подшойим,
Мен жўнайман Ҳиндистоннинг элига!

Йигитлар юради қизнинг баҳрида,
Йўлиқмайин Ҳиндларнинг қаҳрига.
То кўргунча дуода бўнг подшоҳим,
Талаб қилдим Ҳиндистоннинг шаҳрига.

Оталиқ, эшитинг ўзимдан сўзни,
Ҳангомада ўтирган сулув қизди (р)
Бир худойим омонатин олмаса,
Ўлмасак бир йилда кўрарсиз бизни.
Холис ошно қилдик ҳаммамиз сизни;
Бориб олиб қайтсак Гулнордай қизни.

Жавоб беринг холис дуо тилайман,
Кўнгилларга шу ҳозир ҳавас қилдик,
Жавоб беринг Ҳиндистонга кетаман,
Сизи билан ўл-ўлгунча дўст бўлдик.

Ана шунда Оталиқхон Гўрўглибекка қараб, соқолини тараб, бир сўз айтаверди:

Меҳмон деган уч ой, олтай ётади,
Гапингизга қулоқларим битади.

Меҳрингга тўймай қолдим, меҳмоним,
Ҳеч бўлмаса бир ой турсанг қайтади?¹

Ҳамма нарсамни мен айлайин қурбон,
Кўнглингни айлайин кун-кундан шодмон.
Ҳеч бўлмаса бир ой ётгин чироғим,
Кетаман, деб кўнгил бўлмаёй меҳмонжон!
Улгунча сизларга хизмат этаман,
Сизлар билан биргалашиб кетаман.
Соғ-саломат сизни олиб қайтаман.

Ҳамма давлат, меҳмон, сиздан айлансин,
Сизни ёмон деган қўли бойлансин!
Беш олти кун ётинг меҳрашайлик,
Қора каллам, меҳмон, сиздан айлансин!

Бежой яхши кўрдим, меҳмон, ўзингни,
Хўп эшитдим, меҳмон, тўғри сўзингни.
Бир ой қирқ кун ҳеч бўлмаса ётиб кет!

Ҳазил билма Оталиқнинг сўзини,
Саргайтирай Той ҳиндининг ювини.
Ваъда қилиб кетган бўлса боласи,
Оп берайин Гулноржондай қизини.

Сиз меҳмон бўлдингиз жонни сотамиз,
Омин деб ҳаққингга қўлни тутамиз.
Беш-олти кун меҳрингизга тўйиб,
Ҳиндистонга биргалашиб кетамиз.

Ғам еманг Гулнорни олиб қайтамиз,
Ҳеч бўлмаса отга дам бер, меҳмонжон,
Ҳиндистон шаҳри бежой кўп узоқ,
Беш-олти кун халос қилгин, меҳмонжон!

Ана энди Гўрўгли бу тўғри гапга ўзбеклик қилиб:

— Менинг тинкам қуриб ётибди эканми?— деди. Бу
вса Гўрўглининг тўғри гапи эди. Афғон айтмайди, айт-
ганидан қайтмайди. Афғон бир гапли бўлади экан. Афғон-
нинг отаси одам нави экан. Гайратлилиги, баджаҳллилиги
шундан экан. Гўрўгли шу ерда ёшлик қилди. «Халос ол»,

¹ Қандай этади.

дегани андак гаранг қилди. Ана Оталиққа қараб Гўрўран,
бек одоб билан бир сўз айтаверди:

Ажал тўнин бичиб минганман отга,
Емондан ҳамма одам келади додга.
Сизни ияртиб кетсам [у мамлакатга],
«Оталиқхон олиб берди», деб айтар,
Сўз бўп кетар ер юзида влатга.
Рози бўнг, Оталиқ, ошнам, кетаман!

Хушомад қип унда ётган демайми?
Бориб Афғонистон ўтган демайми?
Ер юзида ҳамма подшо гап қилар,
Оталиқни олиб кетган демайми?

Неча чўлдан, неча тоғлардан ошсам,
Не гапларни кўриб дамимдан тушсам.

Кўнглимиз тўла бўлса бўлади,
Ешга-қарига ўлим баробар,

Ажал етган кунни одам ўлади.
Чамбил элининг теварагида душман кўп,
Энди жавоб берсангиз ҳам бўлади.
Омин деб дуо қинг энди, подшоҳим!

Саратон юлдуздай қилсам кўзини,
Чангалласам кўкрагида безини.
Сочин елпиратиб, юзин ойдай қип,
Олиб қайтсам Гулранг пари қизини.

Ана энди Оталиққа бу сўз маъқул тушиб, «балли, меҳмонжон», деди. Айтган сўзига балли. Ана шуйтиб меҳмондан кўнгли тўлиб, халқ ичида қойил бўлиб, одамларга қараб, бир сўз айтаверди Оталиқхон:

Қаддингдан кетайин сатта вазирлар,
Хушвақт қилиб, жўнатишлар меҳмонни.

Эсон-омон шу меҳмонни жўнатиш,
Шаҳардан чиқариб энди узатиш!
Меҳмон деганинг атои худо,
Сира озор берманг азиз меҳмонга;

Хушвақт қилиб Ҳиндистонга жўнатинг!
Нима деса, айтганида бўлинглар,
Кўтармалаб хизматини қилинглар!
«Хуш келдинг», деб, узатишиб ҳаммангиз,
Йўлини тўғрилаб, ўнглаб келинглар!
Ҳар ўн кунда, ҳар беш кунда ортидан,
Хат юбориб ҳолин билиб туринглар!

Остингизда отлар ўйнар ҳар алвон,
Сафаринг беҳатар бўлсин Гўрўғли,
Эсон-омон ҳамманг қайтинг, Ҳасанжон!
Ҳангомада сўз чиқади бу тилдан,
Ҳиндистондан эсон келинг, меҳмонжон.

Ана энди Оталиқ жига санчиб Гўрўғлибекнинг бошига,
подшолик шоҳона сарпо кийгизиб, ундан кейин Ҳасанхон-
га, Саҳмон полвон, Холдорхон, Шодмонжон, Аҳмадхон,
ҳамма қўшинга сарпо берди. Ана энди Гўрўғлибекка
Ғиротни олиб келиб, тартиб билан миндириб, ҳамма бек-
лар отга миниб, ана шунда ҳар мақом ногора, карнай-сур-
най қўйдирди. Ана Гўрўғлибек отининг белига миниб,
Оталиқхонга қараб, жўнаган сўзини айтаверди:

Кўрмайсизми Ғиркўк отнинг суюни,
Бориб кўрсам Гулноржоннинг бўйини.
[Омадим юришиб] мен олиб келсам,
Бунда келиб қирқ кун қилсам тўйини.

Ажал етмай чиқмас тананинг жони,
Талаб айлаб Ҳиндистонга жўнадим,
Омин деб дуо қинг, Афғоннинг хони!

Кўнғилларим қайнаб-қайнаб жўш энди,
Ҳай аттанг, балога қолган бош энди.
Доно вазир, сатта ясавул боши,
То кўргунча, халойиқлар, хуш энди!

Бу дунёдаи ҳамма ҳам қилар сафар,
Эсон-омон оп келсам Гулнор парини,
То кўргунча, ёппа-ёвлик аллаёр.

Болдан ҳам шириндир айта сўзлари,
Қараса куйдирар қизнинг кўзлари.

То кўргунча, омон бўнглар ёронлар,
Омин денглар, Афгон элнинг қизлари!

Насва Ҳиндистон тортди,
Карнайни париллатди.
Афгон тилига тушмаякан,¹
Оғизлар анграйиб,
Бурунлар шанграйиб,
Омин дейишиб Афгонлар,
Фотиҳа тортди юзига.

Асти тушмай² сўзига,
Саҳмон полвон, ёронлар,
Теваракларга тиклаб,
Ишқивоз бўп Оталиқнинг қизига.

Ҳамма одам дуо қилди чувлашиб,
Дуо қилиб бу бекларнинг ўзига.
Ишқивозлик ёмон экан дунёда,
Саҳмон полвон шундай-шундай қаради.
Ихлос қилди ятиллаган кўзига.

Ҳаммаси ўйнатиб чин бедов отни,
Синмагай-да, ҳеч банданинг қаноти.
Улмай катта бўлсин бўлган фарзанди!
Ҳамма беклар, доно вазир йиғилиб,
Хотин-халаж, бола-чақа қолмайин,
Омин деб фотиҳа юзига тортди.

Дуо олиб Афгоннинг подшосидан
Гўрўғлибек Ҳиндистон элга кетди.
Беклар минди бедовларнинг белига
От ўйнатиб сувлиқларин чайнатиб,
Жўнайверди Ҳиндистоннинг элига.

Афгонда кўп хотири,
Подшо олдида шотири.
Ҳеч одамни олмади,
Билганидан қолмади.
Гуриллашиб жўнади.

¹ Тушунмас экан.

² Тушунмай.

Чамбилбелнинг ботири.
От думини шамол эшди,
Юрак ошдайин тошди.
Шаҳардан олиб чиқиб,
Хамма беклар жўнашди.
Остида бедов ариллаб,
Тилла қалқонлар дириллаб,
От қўяди сатта беклар,
Дол бедовларнинг шамоли,
Мис карнайдайин париллаб.

Ботир бир-бирига дуч бўлиб,
Тоғда бувранган тош бўлиб,
От қўйиб йўлга тушди,
Чошқадан ўтиб туш бўлиб.

Гоҳи текис, гоҳи белга
От қўяди қирқ йигитлар,
Чапарас чопишиб чўлга.
Жўнайверди сатта беклар,
Жўнади Ҳиндистон элга.

Бораяпти сатта шерлар,
Гоҳо кўлда, гоҳо чўлда.
Кўздан кетказиб нурын
Сатта бирдай гўччоқлар,
Шердай бўп йўлга кирди.
Ҳеч юракни мойтармай,
Ур-жар демай чопади,
От бошини қайтармай.

Оқшом созин созлайди,
Душман бағрин тузлайди.
Кундан-кунга бедовлар,
Тоғнинг бошин кўзлайди.

Саҳмон полвон ҳайдовчи,
«Тез ҳайданг», деб сўзлайди.
Баракалла полвонлар
Ҳиндистонни излайди.

Барин гапи бомаза,
Кийган кийими тоза.

От қўяди чўлларда
Сатта бирдай беквода.

Гапнинг йўқдир бекори,
Элда қолди шунқори.
Ўзидан зиёд бўлиб,
Юлдуз учгандай бўлиб,
Кийик қочгандай бўлиб,
От қўяди чўлларда,
Гўрўглининг навқари.

Баланд экан ҳиммати,
Бадандаги ғайрати,
Ярқиллашиб от қўяр
Гўрўглининг аскари.
Ярақ-юруқ этади,
Найзаснинг пўлати.

Одам қўрқар ўзидан,
Ҳеч тоймайди сўзидан.
Ўтиб кетиб боради,
Сувсиз қуло тузидан.

Қараган қўрқиб қолар,
Саҳмон полвон кўзидан.

Кўзин чўғдай қайнатиб,
Тобора ғайрат этиб,
Номозгар тушиб ётиб,
Эртан билан отланиб,
Сатта беклар жўнади.

Қизил тилни сўзлатиб,
От йиғитни шайлатиб,
Эгарнинг қошига
Пўлат добил бойлатиб,
Сатта ботирлар жўнади,
Сатта шерамат жўнади.

Қам кучнинг ақли шошди,
Тоғда қирқ кун йўл юриб,
Минган тоғига тушди.

Юракларда дард экан,
Мирза битган хат экан,
Минган тоғ кенг тоғ экан,
Ҳам суви кўп, увут экан.

От, йигит дамдан тушди;
Бежойин кўп чарчашди.
Увутга хаёли қочиб,
Гўрўғлибек шу тоғда
Ҳаммаси отдан тушди.

Овқатини пишириб
«Уҳ-воҳ, ўлдик», дейишди.
Оловлар ланглаб ётди.
Оловнинг ёруғига,
Булутга олов ўрнаб,
Осмон ёп-ёруғ бўп кетди.
Яқиндаги қишлоқлар
Тоғни увут олди, деб,
Икки кўзи тоғда бўп,
Увут қочиб келар, деб,
Тоққа термулиб ётди.
Эрта билан тонг отди.

Тоғ-тоғда от боқиб юрган экан,
Хитойнинг аскарлари, амалдорлари.
Қўшин келиб қопти, деб,
Ҳуркинчилик бўп қолди.

Бариси қочиб кетди,
Бўлмагай-да қаҳари.
Тоғнинг кўпти баҳари¹
Ҳуркинчилик бўп қолди.
Ҳиндининг чаккасидан,
Талатўп бўлиб қолди,
Хитойнинг бир шаҳари.
Эй бу гаплар хатланди,
Хитой эли додланди,
Кун ёйила бўлганда.

Гўрўғлининг йўқ ўйи,
Ҳасаннинг яхши бўйи,

¹ Баҳри.

Ҳеч тинганни билмайин,
Гўрўгли қистаб кетди.

Томоша айланг додига,
Тоғ титраб ҳайъатига,
Тош қимирлаб савлатига,
Кетди Ҳиндистон юртига.

Ана энди Гўрўглибек беклардан, сардорлардан, Саҳмон полвондан димоғи чор бўлиб, эсон-омон келаётганига кайфи тўғри бўлиб, отлар ўйнаб келаяпти, сувлиқни чайнаб келаяпти. Ҳамма беклар, ҳеч хаёли бўлак эмас, жонини қийнаб келаяпти, Гиротнинг қиздай қилиқсиб ўйнаб келаётганига «сулув қизни суйиб, илдам отни чопиб, ўлганининг армони бўлмас ажан» деб, от-анжомнинг чоқлиғига бир сўз айтиб келаяпти:

Жонвор Фиркўк ғунонингда уйратдим,
Ҳар сут бериб, ўзгинангни ўқитдим.
Ипак арқон олтойликда суйратдим,
Чўлларда ҳамроҳим бўлган бедовсан.

Ҳолжувон кетди-да, қаддимни букдим,
Элга ораламай нордаини чўкдим.
Сен ҳам етим, мен ҳам етим жонивор,
Асволлаб ўзингни тоғларда боқдим.
Юрганда йўлдошим бўлган Гиротсан.

Қайтайин, жонивор, кўнглингни топдим,
Кечаси шудринг тушиб ётганда,
Ўзим яланғоч бўп чопоним ёпдим.
Ғапга тушиб¹ хизмат қилган бедовсан.

Яланғоч устингга миниб жонивор,
Кўнглим ҳаво қилиб бир кучук чопдим.
Кучук юлиб олиб сенинг почангни,
Мендай эганг зор йиғлатган Гиротсан.

Ёвмитнинг эгаси дунёдан ўтди,
Бизни подшо қилиб катта одамлар,
Гул кесган томларга ияртиб етди.

¹ Тушуниб.

Сен подшосан деди, эл кўп гап айтди.
Узингни эл Хиэир ўгирлаб кетди.
Араз уриб Гўрўглибек туркмандан,
Қариндошим сўйиб еб қўйди, деди.
Ишқингда мендайин эганг қон ютди.
Гўрўглини зор йиғлатган Ғиротсан.

Қайтайин¹ ақлимдан бўлдим бегона,
Ишқингдан бўп кетдим дардли девона.
Эсонликни берди, якка-ягона,
Ишқингда қаландар қилган Ғиротсан.

Қозогистон, Ўзбекистон қолмади,
Ҳеч бир одам сендан хабар билмади.
Қашқар билан Қашал юрти қолмади,
Сен довонда зор йиғлатган бедовсан.

Хўтан элнинг кўчасида сўрашдим,
«Сен жиннисан» деса тинмай керишдим.
Ундан сўнг Чин-мочин йўлига тушдим,
Чин-мочинда зор йиғлатган Ғиротсан.

Йўлиқмадим ҳеч жондорнинг қаҳрига,
Изгинангни, дарагингни эшитмай,
Ораладим Ҳиндистоннинг шаҳрига.
Ишқингда бангилар қилган Ғиротсан.

Ҳиндистон элида ахтариб юрдим,
Кўк тойим, деб, кимни кўрсам чингирдим.
Ҳиндистон элида мен кўплар турдим,
Ҳар юнгингча сўз айттирган бедовсан.

Улгудай бўп Ҳиндистон² элга қайтдим,
Тағи уч ойда Афғон шаҳрига етдим.
Афғон элда сарсон қилган Ғиротсан.

Усталар уради болғаман табар,
Қаландар бўп, бўлдим ҳар гапга чевар,
Жонивор, ишқингда бўлдим сухангар,
Гўрўглини ингрантирган Ғиротсан.

¹ Қандай этайин.
² Ҳиндистондан.

Бориб туриб Шоҳимардонда турдим,
Ҳар шаҳардан келган одамни кўрдим.
Ким зиёрат қилса мен сўраб турдим,
Минганни беармон қилган бедовсан.

Саҳар чоғи мен ровзада ётганда,
Отинг қутли бўлсин деди миндирди.
Ухлаб ётиб хушвақт қилган Ғиротсан

Жойимдан турдим-да, мен ўзим кетдим;
Олти ойда мен Маккага етдим.
Номоз ўқимайини ишқида куйиб,
Ҳар шаҳардан келган кўп ҳожилардан,
Ўзгинангни мен сўраб ётдим.
Сени сўраб ҳожи қилган Ғиротсан.

Шом-шариф Миср элига етдим,
Тополмай улоқиб тоғларда ётдим.
Тоғнинг тумшугида чорбоққа етдим.

Гармсел эритар тоғларнинг қорин,
Шу рабқтда кўрдим ой Юнус парим.
Мисқолжонга сўз айтдирган Ғиротсан.

Кўплар кулди мен изза бўлиб кетдим,
Овсарнинг тогига гайрат қил етдим.
Овсар тоғда топдим Ғиркўк отимни,
Хизир билан талаштирган Ғиротсан.

Туйгун қуш босолмай қолар изингни,
Хизирман судрашиб мен ғорга бордим.
Қирқ чилтонлар асбоб-анжомни бериб,
Пирларим миндирди сенинг ўзингни.
Фалакдан яшиндай энган Ғиротсан.

Миниб чиқдим жонивор сени Болқонга,
Холжувон деб талаб қилдим Райҳонга,
Ой Зайдинни силкиб солдим орқангга,
Эна, деб бўзлатиб қочган бедовсан.
Жун соқолдан ўчни олган Ғиротсан.

Кимга айтай юракнинг ғуборини,
Бориб кўрдинг Тақа-Евмит шаҳрини.

Кўйиқофдан ой Юнусдай парни,
Упкадай қалқитиб қочган Ғиротсан.

Пирлар берди бек Соқини қарар деб,
Минган одам қийин ишга борар, деб,
Сени минган тинмай чўлда юрар, деб,
Олис йўлни яқин қилган бедовсан.

Сени минган йигит кирар савашга,
Неча марта газот қилдинг Бектошга,
Арабдан ўчингни олган бедовсан.

Жонивор сени тойлигингда уйратдим,
Машқ қип найзаларим тошга туйратдим,
Душманимни эчкидай қип қийратдим,
Сен минганга қанот бўлган Ғиротсан.
Уруш куни қувват бўлган бедовсан.

Узоқ йўлда қиздай бўлиб ўйнайсан,
Кўк сув сувлигингни ўзинг чайнайсан.
Уруш куни ўқ тегдирмай ўйнайсан,
Дардгинама даво бўлган Ғиротсан.
Душманнинг кўзини ўйган бедовсан.

Кийгани гулгун ёнади,
Зафар берган ягонади.
Ўзбек, туркман бекзодаси
Ҳиндистон элга жўнади.

Остида отлар эркалаб,
Душманлар сувдай қалқилаб,
Гўрўғлибекнинг оқ туги,
От чонганида сўлқиллаб,
Меҳторада сувлар булжиллаб,
Тилла чолма, пўлат совут,
Ой чиққандай бўлиб ярқиллаб,
Хон Ҳасанхон чуйкаб кетди,
Кокил елкада силкиллаб.
Зап полвонлар гудрайиб,
Олқордай бўп идрайиб,
Бораётир гардон ташлаб,
От чопиб, қобогин уйиб.

Бир неча кам куч одамлар,
Улай деб жонига тегиб,
Саҳмон полвои орқасида,
Сочилган одамни йиғиб,
Шарқиллаб беклар жўнади,
Парқиллаб отлар жўнади.

Юрагида кўпти ўйи,
Ола чўбир чарчаб қолиб,
Улдим дейди Яртибойи.
Кулишиб беклар жўнади,
Отин чопиб тизилишиб,
Йўл қийин ақлидан шошиб.

Узоқ экан Ҳиндистон эл,
Гоҳси тоғ, гоҳи дарё,
Бир неча жой қип-қизил чўл,
Сатта йўлбарслар жўнади.

Мисқол Эрамнинг боғига,
Гулнор пари чорвоғига,
Тоғда эллик кун йўл юриб,
Борди Ҳиндистон тоғига.

Кам ғайрат дамидан тушди,
Юраклининг гўшти хишти.
Ҳиндистон тоғига бориб,
Хўп бир дам олайлик деб,
Лашкарлар булкиллаб тушди.

Ана энди Ҳиндистоннинг тоғида Гўрўғлибек ётаверсин,
энди қиёмат болори қурилишини кўринг. Ана энди қип-
қизил можаро бу ёғи.

Тонг отди. Беклар чарчаган экан, тошдай қотди. Ал-
лақачон булар келаётганини билиб қўйган экан [ҳинд под-
шоси]. Кўп абжир эди, абжирликдан уни Тойҳинди дер
эди. Ана тоғнинг ўтини териб юрган Утҳинди деган бир
табиб бор эди. Ана энди Утҳинди, қўлгинасида ўтнинг
томирини ковлайдиган Чўтҳинди, Тойҳиндига бориб бир
сўз айтаверди:

Мен сигир энамин эммай қайтайин,
Бузоқ укам билан қочиб кетайин.

Бу гапга қулоқ сонг, улуғ подшоҳим,
Тоғда кўрганимни сизга айттайин.

Уйланг энди кун қиёмат бўлибди,
Тоғнинг ўти бори қувраб қолибди.
Кўрган сири ҳолим сизга айттайин,
Камарларни, дўнгни лашкар олибди.

Оғир черик оша юртдан келибди,
Жонингнинг ҳийласин қилгин Тойҳинди!
Уйла, подшо, не аломат бўлибди?

Дўстми, душманми ўзим билмадим,
Ажал етиб қуло тоғда ўлмадим;
Бутадан кўп лашкар келиб қолибди.
Бундан ортиқ кулфат борми подшога?
Уйла, шоҳим, ёвгарчилик бўлибди.

Билмайман кимларнинг йўлини тўсибди,
Уткир қилич белларига осибди.
Кўрдим-да, танамдан кетди дармоним,
Қора тоғни катта душман босибди.
Телпакли, чакмонли лашкар келибди.

Эшитайин, подшом, айтган тилингни,
Қайиқ, солиб лойла денгиз, кўлингни,
Иложини ўзинг дарров қилмасанг,
Ҳамин замон хароб қилар элингни.
Сап бедовли ёмон душман келибди.

Яхши кўрар эдим подшом сахтингни,
Давлатинг бор ўйнаб-кулар вақтингди(р).
Бепарво тахтингда ётсанг подшоҳим,
Келган тараф бойлаб қўяр бахтингни.

Букуллаб ёв Қора тоққа келибди,
Уйланг подшом кун қиёмат бўлибди.

Ўт териб тоғларда қидириб юрдим,
Неча кунлар бориб шу тоғда турдим.
Кўрганимни айтаверай подшоҳим,
Жийрон сойдан ўзим бошмоқлаб кўрдим.
Катта лашкар Ҳиндистонга келибди.

Гоҳосининг жузли телпак бошида,
Бари қўнди Қора тоғнинг тошига.
Қўрқиб қочдим уни кўриб, Тойҳинди,
Дабдабали одам экан ҳаммаси,
Қўрқанимдан боролмадим қошнга.

Снѐсатли ёмон лашкар келибди,
Ҳар тарафга беравергин хабарни,
Шавкатли, ҳимматли тараф келибди!

Ё билмайман бу манглайнинг шўр экан,
Олис йўлга юк кўтарган нор экан.
Пойлаб кўрдим бир тошнинг орасидан,
Рустам сифатли йигити бор экан.

Ана энди Тойҳинди тушида қўрқиб эди [ким бўлма-
син] подшо бўлса, асли, назаркарда бўлар экан. Узи туши-
да билиб ўтирган экан. Бир сўз айтаверди Тойҳинди:

Юрагимда қайғу билан доғ эди,
Анорнинг юргани Эрам боғ эди.
Хитой подшоси ҳам ошном бўлади,
Гўрўғлидан бошқа душман йўқ эди.

Афгон подшоси ҳам ошнам бўлади,
Шу энагар, шу одамхўр келгандир.
Нени деса Оталиққа дегандир.
Мен билмайман ишни доно вазирлар,
Назаркарда Гўрўғлибек келгандир.

Биздан, қариндошлик умид қилгандир,
Маслаҳат бер Симин билан Аминжон,
Ўзбошимча маҳмадона келгандир!
Маслаҳат бер сатта турган вазирлар
Шу баччағар Чамбилбелдан келгандир

Наъра тортса баланд тоғлар паст эди,
Арабларга шу етимак қасд эди.
Маҳмадона шу Гулнор жувормак,
Ой Юнус Мисқол билан дўст эди.

Юнусни қутлуқлаб булар борувди,
Бориб туриб Чамбил элни кўрувди.

Қизи қургур Чамбилда кўп турувди,
Чамбил элдан кийим кийиб келувди.

Ҳеч ёққа юбормайин энаси,
«Сен мордайиб қопсан ўла қолгир», деб,
Ҳеч ёққа юбормайин қизини,
Ундан сўгин Гуланорни йиғувди.
Бошқа ёққа бораркин Гуланор,
Ундан сўнгра юрмоқликни қўювди.

Гўрўғлибек хом тамалар қилибди,
Дўст-душманлигин ҳозир билмайман,
Не умид этар шу энағар, келибди?
Симин билан Амин бергин маслаҳат!

Элдан одам йиғиб маслаҳат қилинг,
Ҳар шаҳардан полвонларни оп келинг!
Гуркиратиб мининг сап маст филларни,
Халойиқлар, дарров маслаҳат қилинг!

Узи билан Гўрўғлибек келади,
Келиб бошларингга бало бўлади.
Бу ишнинг иложин қилинг эртароқ,
Халойиқ, маслаҳат қандай бўлади?!

Дам олса энағар, ишни кўрсатар;
Ҳиндистон элини кўп галва этар.
Тинчмиз деб ётсангиз ҳаммангиз,
Ҳиндистон шаҳрин горат қип кетар.

Шу энағар кўп гапларни билмасин,
Ораласа одамдан кўп ўлмасин,
Келмайин қилингла бунинг иложин,
Ҳали райи қайтган йўқди, келмасин.

Ораласа Гулноржонни оп кетар,
Подшоларга бизни ёмон кўрсатар.
«Елғиз қизин етимакка берди», деб,
Ҳамма подшо бизни калака тутар.
Дарров маслаҳатни қилинг, ёронлар!

Ана энди, Тойҳиндиннинг вазири Симин билан Амин
ҳинди. Амин Гулнор парига ишқивоз эди. Бу ҳам катта

вазирнинг боласи эди. Гулнор пари ҳам яхши кўрар эди буни. Чамбилга бориб келгандан кейин, кўнгли бошқа бўлиб эди; Амин вазирнинг кўнгли қашқа бўлиб эди. Дарров Амин вазир Тойҳиндига бир сўз айта солди:

Тўрт подшонинг бировисан сан ўзинг,
Қайтайин саргайсин ойдаини юзинг.
Болаликдан маҳмадона қиларми,
Қндирувчи чиққан Гулинор қизинг?

Эрам боғни ҳам Чамбилни кўрганди,
Ошна орттириб¹ шу элларда турганди.
Билдингми, лаънати сенга келганди.
Ошнаси ошнасин излаб юрганди.

Подшолар хўп маслаҳат қилмайми?
Чин-мочин подшоси бунда келмайми?
Гўрўғлига тегиб қўйса қизгинанг,
Андан кейин ўйилади кўзгинанг.
Маҳмадона боланг бир иш орттирар,
Елгон бўлди ваъда қилган сўзгинанг,
Вой-вой дингиллаб ўлсин қизгинанг!

Маслаҳат қиб элдан одам йиғмовди.
Хитойи косага шароб қуймовди.
Чин-мочин подшоси совчи қўйганда,
Нега маҳмадона унга теғмовди?

Қиз халқи касофат бир иш орттирар,
Хон Гўрўғли олса қийин бўлади.
Гардангинанг майин бўлиб қолади.
Чин-мочин подшоси лашкарман келиб,
Ҳиндистон элни теп-текис қилади.
Вақтида элатдан лашкарни йиққин,
Урушмасанг ишинг уят бўлади!

Симин билди, аста мийигида кулди. Тойҳинди:
— Бизлар йиглаб ўтирганда, нимага куласан, Симин?— деди. Ана Симин «шунга куламан» деб бир сўз айтаверди.

¹ Кўлэзмада «ошнорттириб».

Қулоқ солманг бу әссизнинг сўзига,
Тиклаб қараманг ёлгончи юзига!
Ота-эна чет бўлади динига,
Қиз бўй етса ихтиёри ўзида.

Ҳиндистон элида даврон сурайик,
Юринг энди маслаҳат қиб турайик.
Қиз бўй етса ихтиёри ўзида,
Одам қўйиб Гулноржондан сўрайик.

Ота-эна фарзандидан дармонда,
Ҳеч ким қолмасин буидан армонда.
Гўрўглига теккан бўлса Гулноржон,
Мен тегаман деб ияриб кетса,
Ота-энаси¹ бўлиб қолар шарманда.

Амин ундай дема ишинг уятдир
Сўз қилгандир, орқасидан келгандир.
Не иш бўлса борганида бўлгандир.
Уят гапни ўзинг айтдинг, Аминжон,
Гулноржон ҳам тама қилиб келгандир.
Ҳазил гапни айтма ишинг уятдир!

Ҳали ҳозирга² чакки гапни айтасан,
Чаппа тос қип нега хатни битасан.
Тегиб келган бўлса Гўрўглибекка,
«Мен тегаман», деса ўзинг қайтасан?
Уйла, бу ишгинанг уят эмасми?

Ҳали ҳозирга шайтон гурри қиласан,
Тентакларга сен маслаҳат соласан.
Уйлагин бу ишинг бежой кўп ёмон,
Евгарчилик бўлиб одамлар ўлса,
Одамнинг қонига зомин бўласан.
Қиз халқи нечовни қилар шарманда.

Отаси, энаси бориб сўраса,
«Мен Гўрўглибекка тегаман», деса,
Кучукдайин воҳ-воҳ деб,
Тулкидайин хап-хап деб,

¹ Қўлсэмада «отанаси».

² Қўлсэмада «алозир».

Кўп ичида сен шарманда бўласан.
Ихтиёр ўзингда энди, Аминжон,
Бу ёгини тагин ўзинг биласан.

Подшо одам йигиб урушлар қилса,
Қора тогда одам чалкашиб ўлса,
Гулнор пари Гўрўгли билан бўлса,
Ҳиндистонни Гўрўгли горат қилса,
Ундан кейин қандай одам бўласан?

Вазир деган элга гамхўр бўлмайми,
Фуқаронинг кўп гамини емайми?
Подшоларнинг эси, вазир Аминжон,
Мол чиқаси бўлса эгаси бошчи.
Халойиқ ўзингдан дод деб қолмайми?
Катта одамсан ишинг уят бўлмайми?

Ана энди Симин билан Амин тараф бўлди иккови.
Симин эсли эди, Амин ҳиндиларнинг бир деган одами эди.
Ўзи айгоқтоброқ эди. Ўзи зўр баҳодир полвон эди. Шу
Симинни Амин бир шаппат урди. Ана энди ишнинг ўзи
можаро бўлиб қолди. Симиннинг бир полвони бор эди,
келиб, Аминнинг тос тепасини олиб, шу гурзи билан сол-
ди. Подшоликда ғовға пайдо бўлди. Ҳада-ҳа Тойҳинди
ҳам ўз тараддусини қилди. Лекин ишнинг ўзи ёмон бўлди.
Шу ҳинди битган асбоб-анжомга югуриб, беадабчиликлар
пайдо бўлди. Бу хотиннинг гапи эм тутар экан халққа.
Гулранг пари чопиб, чопқиллаб, ўрталикқа келиб қолди,
бу говганинг устига. Энди Гулранг пари оқсоқоллик қи-
либ бир сўз айтяпти:

Ҳар турли овқатлар буида чош бўлиб,
Ҳар мажлисда вақтларинг хуш бўлиб,
Бу кунингдан баринг ўлсанг бўлмасми
Симин билан Амин иккинги гаш бўлиб?

Нима бало урди икковинг керишиб,
Ҳўкиз акангдайин бўлиб суришиб?
Тала-тўп бўп влга ғавро бўлганда,
Не ҳазон урди икковинг керишиб?

Нима гапдан иккинги жанжал қилдинглар?
Ҳиндистонга кўп кулфатни солдинглар.
Амин билан Симин иккинги ўлиб қол,

Не иш учун иккинг тараф бўлдинглар,
Бир-бирингга дабдабалар қилдинглар?
Улағонг,¹ ўлиб қонг,² деди

Икковгинанг вагир-вуғур этдингми,
Жуда бой бўп ҳаддан ошиб ётдингми?
Сен қутурсанг сигир думин тишлагин,
Икковгинанг ўзгинангдан кетдингми?

Нега айтдинг чаппа тос қип сўзингни?
Бу кунингдан сенга ўлим лозимди.
Тойҳинди катта подшо, шарманда,
Аччигланса ўтга ёқар ўзингни.

Менга айтгин уришганинг маънисин,
Нега бўлдинг бир-бирингдан дармонда?
Уришавер ҳеч қолмагин армонда!
Бу жанжалинг катта уят бўлибди,
Вой-вой чўнқайиб ўлгин, шарманда!

Сигир-тана урсин сенинг қаммангни!
Шошмасанг бераман сенинг таммангни.
Куйдириб ўлдирай энди ҳаммангни.
Сигир эна урсин, баринг ўлиб қол!

Ёвгарчилик меҳмон элга келганда,
Вазир бўлмай икковгинанг қувраб ўл!
Подшони элатга қилдинг шарманда.

Шу, ҳиндиларнинг катта гапи экан, сигирни ўрталikka солмоқлик. Ҳамма нарсадан сигирни яхши кўрар экан. «Сигир бўлмаса бизлар катта бўлмай ўлар эдик. Бизларни сут бериб сигир катта қилади», деб юрар экан. Ана шундай катта жанжали бўлса сигирни ўртага солар экан. Шундай жанжал пайдо бўлса, биров-Бировига, биров-бировида ҳақи бўлса «Сигиринг думини тишла» деса, «Энамизнинг думини қандай этиб тишлаймиз», деб, беодобчилик ўтмасин деб, биров тухматдан даъво қилса ҳам, «ма» деб бера солар экан. Шундай чанги ёмон чатоқли жанжал бўл-

¹ Ула қолинг.

² Улиб қолинг.

са сигирни ўртага солар экан. Ана энди гапни Симин билан Аминнинг хотинидан эшитмоқ керак.

Шу Симин билан Аминнинг хотини аввал-аввал керишди; ундан кейин панжасини ёзишди. Бурунни ичи терлашди, қизишди. Панжасини ёзишди. Биров-бировига хас қилди. Хотин тўбалашмас экан, бўғишмас экан. Ана-мана деганча эрларининг кўйлак-иштонини юлиб олди. Яп-ялангоч тойдай бўлди. Гулранг пари дарров фол кўрди. Лекин зафар Гўрўғлига бўлди. Ана Гўрўғлининг давлати буларга жанжал қилдирди. Ўз-ўзи тошдай тараф бўлиб қолди, ҳиндилар «Ул шармандалар», деб икки вазирнинг хотини кийим бериб, икковини ҳам дуруст қилиб олди. Амин билан Симинга тўн бериб, бошига жиға санчиб, Гулранг пари базўр бу гафголарни [Босиб] яраш қилди. Шундай ҳам бўлса биров-бировининг юрагида кек қолди. Ана Симин кечқурун хотинининг, хизматкор канизларини жой-жойига буюриб, хотинига қараб бир сўз айтаверди:

Ҳангомада майлар ичиб маст бўлдим,
Амин ҳинди билан ўзим қасд бўлдим.
Бориб айтгин Гулноржонга қаддингдан,
Гаплашмайин Гўрўғлиман дўст бўлдим.

Мени вазир дейиб асло қўрқмасин,
Тағни-а ўзимдан тани ҳурқмасин.
Юзни кўрмай Гўрўғлиман дўст бўлдим,
Вазир деб ўзимдан тағи қўрқмасин!

Рост гапирдим қулоқ солсин сўзима,
Сигир ҳақи сингил бўлсин ўзима.
Ғойибдан Гўрўғлиман дўст бўлдим,
Рост гапини айтсин меннинг ўзима!

Бориб туриб яхшиликка ярагин,
Яхши рўмол салтанатга ўрагин!
Тегами, тегмайми Гўрўғлибекка,
Бориб туриб, Гулноржондан сўрагин!

Қўрқмасин, ҳурқмасин меннинг ўзимдан!
Бориб туриб бир-бир қилиб сўрагин,
Подшо билиб, ишлар уят бўлмасин!
Уят ўлим, ҳайфи сенга тегмасин!

Ҳеч киши билмасин, бориб сўрагин,
Бориб туриб катталикка ярагин!

Маза чиқсин гапирганда сўзидан,
Кўп айналгин қоши билан кўзидан!
Гўрўғлимай менинг ўзим дўст бўлдим,
Кулиб-ўйнаб бориб сўра қаддингдан;
Яхши сўра Гулноржоннинг ўзидан!

Шуича гапнинг Симин тўғриси айтди.
Бу гапларни хотини ёқтирмайин,
«Бу шарманда мусулмои экан», деб,
Кўп ўйлар кўнглига келиб кетди.

Ҳар тарафдан ола бўлди ўз-ўзи,
Билса ёмон бўлар Симиннинг сўзи.
Энасининг кўнглидаги гапнинг,
Тоза билиб қўйди Симиннинг қизи.
Ҳеч гап бўлмас, кўзи қиймас бир-бирин
Хафа бўлманг, жанжал қилган ўз-ўзи.

**Ана энди энасига қараб, кўнгли бўлинганини билиб,
бир сўз айтаверди Симиннинг қизи:**

Нимага ўзингдан кетдинг ҳар замон,
Кўнглингиз бўлди эна бўз тарлон,
Отамнинг гапига қобоқ уюлди?
Бу хизматни қилиб келай, энажон

Йигитлар бандадир қизнинг сўзига,
Жон айланар жовдиллаган кўзига!
Бу хизматни қилиб келай, энажон,
Эна-ота ишонмайми қизига?!
Катта киши бўлиб тургин, энажон,
Бориб келай Гулноржоннинг ўзига.

Энажон, мен ўзим туриб, кетайин,
Яхши хизмат мен сизларга этайин.
Эна, хизматингни ўзим қилайин.
Отамнинг хаёли шу палла йўқди,
Бориб туриб Гулноржонга айттайин.

Отамнинг юраги бўлган тўла қон,
Кўнгли қоралиги қурсин кўп ёмон.

Упкалама ҳали ҳозирга отамдан,
Бу хизматни ўзим қилай, энажон.

Бориб туриб эви билан сўрайин,
Келиб туриб сизга жавоб берайини.
Кечасиман мен олдида турайин,
Аччигин кетказиб ўзим сўрайин.

Қиз бўй етса эна ҳузур кўрмайми?
Каттақон бўп хизмат буйриб турмайми?
Қобил қизни худо берса энага,
Эна деган катта одам¹ бўйи қомайми?

Бу хизматинг биздан бўлсин, энажон,
Қутқазай элатни қайғуман гамдан!
Отамни туширинг аччиги дамдан!
Кечасиман ўйнаб-кулнинг икковнинг,
Эсинг бутун, ўпкалама отамдан!

Ойим олдида бугун етайин,
Эрта билан сўзларини айтайин;
Қиз каттартган бойбичадир, энажон.

Маржон пари балли яхши сўз айтди,
Отаси, энаси хушвақт бўп кетди.
«Бор эса», деб энди буюрди хизматга,
Қизининг сўзидан гинаси кетди.

Доно экан бу Симининг фарзанди.
Яхши гапни ўйлай-ўйлай,
Ёмонларин пойлай-пойлай,
Яхши сўзни сўйлай-сўйлай,
Маржон пари мақом билан,
Гулнорнинг олдида кетди.

Жағида сақич қирсиллаб,
Оёқда кафш дурсиллаб,
Кўп бўй етган қизди ўзи.
Кўчада чайқалиб ларсиллаб,
Фирибгар Маржон йўл тортди.
Ҳар алвонда сўзни ўйлаб,

¹ Қўлёзмада «каттодам».

Гулнорнинг олдига етди.
Хамма гапни билиб борди,
Қилгуликни қилиб борди.
Ҳийлагар эжан жувормак,
Гулнор ойнинг олдига,
Ҳар сўлқиллаб, мақом қилиб,
Юз табгирмаи кулиб борди.

Гулнор пари ҳайрон қолди;
Кўнгиллари вайрон бўлди.
«Бу кулгани сўрайин», деб,
Юрагига армон бўлди.

Маржон пари ойимини
Айланиб зиёрат қилди.
Гулнор пари ўтқизди-да,
Канизини гапга солди.

Ана Гулнор пари канизига қараб, кулганининг [саба-
бини] сўраб бир сўз айтаверди:

Қизил бўлди, куласан, ойдаи юзим,
Отам подшо билсанг катта одам ўзим.
Менга айтгин кулганингнинг маънисин,
Бу кулганинг ростин айтгин, канизим!

Оқ баданга ҳилла кийим кийдингми?
Хитой косага шароб қуйдингми?
Улоқдай сакраб чолиб ўйнайсан.
Сен киянки ё бировга тегдингми?

Эсли эна қизни бутун сақлади,
Яхши боқиб суддан қорнин тўқлади.
Эрга теккандайин мордайиб келдинг,
Қандай одам димогингни чоқлади?

Мендай ойим чиначогин тишлади,
Қандай ёмон баттоликни бошлади?
Эрга теккандайин хушвақт бўлибсан,
Қандай одам сенинг вақтинг хушлади?

Узгинангнинг димогинг чоғ этдим?
Бир нечалар сарсон бўлиб кетдим?

Юзгинанг қизориб, ўйнаб-куласан.
Эрга тегиб, сенинг ишинг битдими?

Бўйнингга яхши одам¹ қўлин солдими?
Отанг сендан гавҳар-жавҳар олдими?
Ҳар дингиллаб, сен силкиллаб ўйнайсан,
Димоққинанг, дўстим, чоғ бўп қолдими?

Ой Юнус пари Чамбил элга кетдими?
Мисқол пари Эрам богда ётдими?
Эрга теккандайин вақтинг хуш бўлиб,
Бир йигит сен билан билла ётдими?

Димоғинг чоғ бўлиб, қорнинг тўқ бўпти,
Ўйнаб-кулганингнинг важини айтгин!
Кўнглинг бир ёқли бўп ишинг битдими?

Ҳар тил билан ойимингга сўйлайсан,
Кўкайингда кўп гапларни ўйлайсан.
Яхши одамман топшидингми жон дўстим,
Одамли бўлгандай бўлиб ўйнайсан?
Ўйнаганинг важини айтгин, канизим!

Кўнглимдаги орзу-ҳавасим² бўлмади,
Мисқол пари Эрам богдан келмади.
Сенинг вақтинг бежой хуш бўп қолибди,
Кўнглимдаги ҳеч айтганим бўлмади.
Менга айтгин, кулганингнинг маънисин!

Яхши хабар берар жойдан билдингми?
Тузни ҳақлаб яхши хизмат қилдингми?
Менга айтгин кўнглингдаги борини,
Бирон гапни бир шаҳардан билдингми?!

Бу гапнинг ростини айтгин, ой Маржон!
Гапгинангга кўнглим менинг бўлинди,
Ўйнаганинг маънисин айт, дўстимжон!

Ана энди Маржон пари ойимига қараб, айтган сўзининг жавобига яраб, бир сўз айтаверди:

¹ Қўлэзмада «яхшодам».

² Қўлэзмада «орзавосим».

Билмаганинг билдирайин, билмасанг,
Гулноржон мақсудга еттинг ўлмасанг!
Мен айтайин кўнглимдаги шодлигим,
Урушиб тагин-а жанжал қилмасанг.

Мисқол пари Чамбил элга борибди,
Чамбил элда бориб ўзи турибди;
Гўрўглининг хизматига кирибди.
Ваъдасига вафо қилиб, ой Мисқол,
Гўрўглига хизматкор бўп қолибди.

Шу гапни эшитдим Чамбил элидан,
Ой Юнусга сўзинг ёлгон бўлибди.
Қора тоққа юр томоша қилайик,
Кўнглингиз дўстим, кир бўп қолибди.

Сендай ойим гуллар чўлга яраша,
Чарчаб, ҳориб зулфинг бетга тармаша.
Қора тоққа юринг томоша қилиб
Баландликни ойим қилинг томоша!

Хон Гўрўгли сендай ойим қасдида,
Қулоқ солинг сўзимнинг пайвастига.
Сайил қип келайик тоғнинг дўнгида,
Уч кун турсак Қонғар тоғнинг устида.

Тоққа бориб бир ик-уч кун турайик;
Маслақат бер, энди қачон юрайик?
Кеча тушда баланд тоққа чиқибман,
Юринг ойим, Қонғар тоққа борайик!
Бориб туриб, тўрт кун, беш кун турайик.

Уйнаган-кулганим менинг шул учун:
Қонғар тоғ устида борди кўк чинор,
Шамол турса қимиллаб шохи синар.
Кўкламда ёйилиб юрар турналар,
Томошага тезроқ юринг, Гулнор!

Обод тоғнинг дарахтида булбуллар,
Тўти, қумри, майна одамдай сўйлар.
Томошага ёппа юринг, ойимлар!

Томоша деб, ўзим ўйнаб-куламан,
Шунинг учун ўзим хушвақт бўламан.

Томошага тезроқ юринглар, қизлар!
Ботирлар душманнинг бағриши тузлар.
Бу Қонгар тоғ бежой томоша жойди,
Гулноржонни суяб юринг, канизлар!

Хафа бўлган қабоғини уяди,
Сочни буклаб, пўпакларин туяди.
Ҳар ранг-баранг яхши кийим кийгизиб,
Сулув қизи-сатта ҳурдай канизи,
Икков-икков қўлтигидан суяди.
Камбағаллик марднинг кўзини ўяди.
Ёмон билан асло бирга турманглар,
Ёмон билан ўтган умр зоеди(р).

Кўзлари ярқиллаб, юзи анордай,
Сатта қизлар ҳулкардайин тўп бўлиб,
Ойимининг қўлтигидан суяди.

Маржон пари, балли, сўзни улади,
Эплаштира яхши бўлиб қолади.
Фириб билан, неча табгирлар билан,
Ойимини тоққа олиб жўнади.
Сўзни бошлаб айтиб, хўп ишонтириб,
Ойимини тоққа олиб келади.

Бадан оплоқ қордай бўп,
Тиши кулса дурдай бўп,
Сўлқиллашиб жўнади,
Ҳамма қизлар бирдай бўп;
Сарбоз тортган найдай бўп;
Иржиллашиб қўйдай бўп;
Оёқни кернб ташлаб,
Талтайгани бойдай бўп.

Юзлари ярқирайди,
Сочлари тирқирайди,
Худди юзи қизларнинг
Осмондаги ойдаи бўп.

Това гул сўлаёзиб,
Кўнгли ёмон одамлар,
Кўрганга ўлаёзиб,
Паймона тўлаёзиб,

Таралиб қизлар жўнади;
Буралиб қизлар жўнади.

Мунчоқларни жовдиратиб,
Сирғаси йилт-йилт этиб,
Кўрганларнинг эси кетиб,
Рўмоллари пир-пир этиб,
Кўкрагида бир нарсаси,
Юрганида булк-булк этиб,
Баданлари сўлқ-сўлқ этиб,
Гулнор пари жўнади.
Маржон пари фириб билан,
Сап эсли қизлар жўнади.

Бу қизнинг салтанатига,
Кўрган одам анграйиб,
Бурун кетди шанграйиб.
Кўзлари юмулмай қопти,
Кўрган одам қотиб қопти
Қинграйиб...
Ендирган қизлар жўнади;
Куйдирган қизлар жўнади.

Юлдуздайин ўйнаб кўзи,
Ҳиндистон элининг азизи,
Жўнайверди Қонғар тоққа,
Тойҳиндиннинг Гулнор қизи.
Келаётир Ойимжон, деб,
Сатта бирдайин канизи;
Ноз билан қизлар жўнади.

Биров-бировин қитиқлашиб,
Баданларини туртишиб,
Неча алвон ҳазиллашиб,
Чақ-чақ қилишиб, кулишиб,
Келаётир бари чўлда,
Хўп ҳангомалар қилишиб.
Ноз билан қизлар жўнади;
Сўз билан қизлар жўнади.

Баданлари терлаб кетди;
Бу всонлик аломати.
Гулнор пари хизматкорга,
Чарчадим деб бир сўз айтди:

Тоғ даласи олис экан,
Қайтай юрагим куяди.
Ҳақигимни ечиб ташланг,
Ботиб, бўйнимни қияди!
Аста юринг, киянкилар,
Юрсам ичларим куяди!

Елпиллатиб канизлари,
Ёнбошларидан суяди.

Пўпагимни кўтаринглар,
Бўксама қаттиқ тегади!
Тез юрсам ўпкам пишади,
Чарчадим ақлим шошади.
Шамолни қўйинг, ўлгирлар,
Терладим, бағрим пишади!

Келаётир семиз қизлар,
Бари «уҳ-уҳ» дейишади.

Гўрўгли келган Гулнорнинг қасдида,
Томоша айланг сўзининг ёлғои-ростига!
Вой-вой юракларим куйиб кетди, деб,
Гулнор чиқди Қонғар тоғнинг устига.

Энди [қизлар] чарчашиб, терлашиб, пишнашиб, терлабгина кўйлаклари баданига тармашиб, тоғнинг устига чиқиб олди. Куннинг ўзи пора-пора бўлди. Бу (тоғнинг) лақабини Томоша тоғ дегувчи эди. Шу ерда осма тоғлар дарахтларга чалкашиб, юлдузга чиқиб кетган. Ҳар турли дарахтлар кўкмак зилолдай бўлиб ётган. Шу дарахтларнинг остида Марварид супа, Зумрад супа ҳар жойига гавҳар, жавоҳирдан тош қилиб ўтқазиб қўйган эди. Юнус пари, Мисқол пари сап парилар билан шу ерга келиб ётар эди. Қонғар тоғнинг бошидан қанот боғлаб учиб кетар эди. Кўк шишадан ҳовуз, оқ шишадан ҳовуз, ҳар ранг шишадан ҳовуз қилган эди. Кўкмак бўп овушибгина ётар эди. Булбул, тўти, майна, қумри одамдай сўзлаб, ҳаммаси ободлик, шоншавкатидан тинмай газал айтар эди. Гулнор пари, Маржон пари уч юзча Ҳиндистоннинг кичкина подшосининг қизлари шу супаларга чиқиб ёстигини ёнбошига қўйиб, «уҳ, чарчадим», дейишиб, жилмайибгина кулишиб, биров-бировининг баданларини ушлашиб, «воҳ-воҳ» дейишиб, маст

қизлар қақ-қақ уриб кулишиб, булбул, тўтилар маст бўп кетди қизларнинг қангомасига. Жонивор майна бу қизларнинг маст бўлганига кўнгли жўш уриб, қизларнинг шоншовкатиға қараб бир сўз айтди. Ана майна қушнинг айтаётган сўзи. Ҳар алвон, ҳар алвон сўз айтаверди жонивор майна қуш:

Кўнглим жўш ўриб кетди,
Обод Гулнорнинг боғоти,
Супанинг вғаси етди.
Қизларнинг айтган сўзига,
Суягим ўртаниб кетди.
Кулишганиннга ҳой балли.

Жоним жавлон келган сулув қизларга,
Байт айтдим жовдираган кўзларга.
Дод дедим ўзим ойдаи юзларга,
Яхши куёв бергин сулув қизларга!
Қоши кўзига, ҳой, балли.
Ширин сўзига, ҳой, балли.

Гулга ўхшатди чорбоқни,
Баланд қип кетди димоғни;
Келбати, тўши, қоши,
Кулишгани менга ёқди.
Қордай тўшинга, ҳой, балли
Қора қошиннга, ҳой, балли.

Мошаботса чиқади ўқ,
Юрагимда ҳеч армон йўқ.
Ҳиндистондай, бу чорбоғдай,
Яхши жой ер юзида йўқ.
Келган қизларга, ҳой, балли,
Ширин сўзларга вой, балли.

Қизни кўрган бахши экан,
Юзи гулнинг нақши экан.
Ҳазиллашиб, қитиқлашиб,
Муччилашиб ўтиргани,
Бежой қизиқ яхши экан.
Муччилашганига, ҳой, балли
Қучоқлашганига вой, балли.

Маст қип кетди, қайтай, бизни,
Қиш эмасди, ўзи ёвди.
Айтган гапим кўҳна сўзди,
Лаъл мунчоқли нкки эмчакли,
Тўладан келган қучоқли
Қиз бўлганинга, ҳой, балли,
Жоним балли, кўнглим балли.
Ҳангомангизга, ҳой балли,
Кулишганингизга, жои, балли.

Бировман кетгудай бўпти,
Олмалар отгудай бўпти.
Кўнгли тўлган йигит бўлса,
Қучоқлашиб тор тўшакда,
Ҳаммаси бирдай бўп ётган,
Уйнашиб ётгудай бўпти.
Кўнглингга, сўзингга балли.

Меинг кўнглим бўлса экан,
Яхши эр келиб қолса экан,
Юнус билан Мисқол пари,
Шу мажлисда бўлса экан...
Гулнор ҳолингга, ҳой балли,
Лабда болингга жон, балли.

Қизлар келди бир-бир босиб,
Кўрганнинг юраги ўсиб;
Қалампир мунчоғи сасиб.
Яхши эр келса мен кўрсам,
Ётса ўмганига босиб.
«Қўл қўй», деганига ҳой, балли.
Томошалар қилсам ўзим,
Ёлгон бўлмагай-да, сўзим.
Ҳаммаси катта бўлибди,
Бу қизларга бир эр лозим.
Эрли бўлганингга ҳой, балли,
Узинг келганингга жон, балли.

Қизлар чопишиб келди; Гулнор ойимга арз бўлди:
— Опа, бу майна қуш, ҳар алвонда сўз айтиб, «эрли
бўлганингга ҳой балли», деб, айтиб ётибди,— деди. Ҳеч
қизларнинг сўзига қулоқ солмади Гулнор пари. Майна
айтди:

— Ақни олмаса бир иш бўлмайди,— деди. Энди кун
ботди. Ола-говгумга етди. Гулнор парининг чирогининг
шуъласи осмонга уриб кетди.

Ана Соқибек Гўрўглининг қоровули эди, чопиб-чопқил-
лаб келиб, Гўрўглибекка қараб, бек Соқи бир сўз айтаверди:

Евда ўлсам бўлмас менинг гуноҳим,
Оғир лашкар мана тоққа келибди,
Катта ёруғ кўриб келдим, подшоҳим.

Билдим лашкар бунда келиб ётибди,
Ҳаросатга қулоққинам битибди.
Бу ёруғни кўриб дармон қолмади,
Ярқиллаб осмонни ўрнаб кетибди.

Билмайман уруш яқинлаб қолибди,
Ажал-марги ёқамиздан олибди.
Шуъласи билқиллаб булутга чиқиб,
Катта подшо яқинингга келибди.

Хон Гўрўгли дарров энди тахт бўлгин,
Ухламагин ўзинг бугун соғ бўлгин!
Бу ёруғни кўриб хаёлим қочди,
Ҳамманг бирдай отга миниб, чоқ бўлгин!

От ёлини бирдай қилиб ўрайик,
Ҳар иш бўлса иттифоқ бўп турайик.
Довруқ қилмай аста-аста мининглар,
Бориб туриб, ким эканин билайик!

Кўнайик ким бўлса қилган ишига,
Отни чопинг мана тоғнинг даштига!
Хўп иттифоқ бўлиб аста мининглар,
Юринглар, борайик ёвнинг қошига!

Кечасиман катта шуйхон этайик,
Ажал етса ер қучоқлаб ётайик.
Аста-аста миниб олинг отларни,
Тонг отгунча хўп чопишиб этайик!
Эрта билан тоққа чиқиб қайтайик,
Мининглар, бекларим, отнинг белига!

Кўрққанларнинг юраклари булк этди.
Улгандан кўрққан ёмон эканди,

Бир нечаси жони чиқишиб кетди.
Аста-аста миниб олди отларни,
Ҳаммаси қайқайиб баландга кетди.

Бораяпти аста-аста,
Қўрқоқларнинг кўнгли хаста.
Ботирлари «от қўй», дейди,
Югуришиб чапараста.

Аста ҳайдаб Қора тоғнинг тошига,
Гоҳо ўрда етаклашиб отларни,
Томоша айланг бек Соқининг ишига,
Ярим кеча-ярим кеча бўлганда,
Чиқиб олди Қонғар тоғнинг бошига;
Яқин кепти шу ёруг ёнбошига.

Ана энди майна одамдай кулиб бир сўз айтаверди,
қизларга қараб:

Айтгангинам бўлиб қолди,
Қизнинг кўнгли тўлиб қолди.
Қизларга эр келиб қолди.

Бўйинингга қўл солар бўлди,
Кулишинлар яқин қолди.
Шукур қилинг сулув қизлар,
Эрларинг гирдингни олди.
Баракалла кўнглинг тўлди,

Эшитувдим мен сўзингни,
Бармоқлаб ушлар безингни.
Эрларинг олар ўзингни;
Эрли бўлишингга жон, балли.

Олиб оша юртга кетар,
Вақтиларингни хуш этар.
Бўлиб олиб ўзларингни,
Шу бугуни қучоқлаб ётар.

Эринг қутли бўлсин қизларим,
Бу тоғда можаро бўлар.
Эрли бўлганингга, ҳой, балли.
Куёвларинг келиб қолар.

Қизлар «эй-эй», деди, Гулнорга айтди:
— Пошшойим, бу майна эрларинг қутли бўлсин деб
айтади. Бу нима гап?— деди. Гулнор пари айтди:
— Ҳар гапни айтаверасизми?
Ана энди Одоб пари ҳар уч кунда бир гапиргувчи
эди. Бунн шуйтиб одобли деб Одоб пари деб қўйди отини.
Ана Одоб пари қизларга қараб бир сўз айтаверди:

Узнмдан кетиб қолмайин ҳар замон,
Майна жонивор бир нарсани билади,
Бу томоша хатарлиди, ойимжон.

Майна жонивор тинмай сўзлар айтади,
Сендай ойим булкилламай ётади.
Бу қидирув хатари бор ўхшайди,
«Эринг қутли бўлсин», дейди айтади.

Ер юзининг гапин майна билади,
Энди ўйласам¹ қилган ишинг чалади.
Подшоларга қоровулар дурустди,
«Куёв келди», дейди майна кулади.

Майнанинг гапига танам бўшади
Бу сўзларга хаёлларим шошади.
Юрт тилига майна жонивор тушади²,
Бир меҳмон олисдан келган ўхшади.

Пиёлага майлар қўйсанг бўлмайми?
Қовоғингни қий деб уйсанг бўлмайми?
Ҳар алвонда сўз айтади майна қуш,
Чиндобиллар, ўзинг қўйсанг бўлмайми?

Ойимжон, қайтайин, жонни соғамиз,
Уйқули, уйгоқли буида ётамиз.
Эртан билан туриб элга кетамиз.
Ҳар гап бўлса бугун оқшом ётамиз.

Ана энди Гўрўғлибек бу жойларни, бу осма тоғларни,
бол ҳовуларни, мармар супаларни, Гулнор парининг чақ-
чақ қилиб ўтирганини кўриб:

¹ Қўлсэмада «индўйласам».

² Тушунади.

—«Йўли бўлган йигитнинг янгиси олдидан чиқадн» деган гап бор. Бу Гулнор паривнинг ўзгинаси, олдидаги Ҳиндистон подшоларининг қизгинаси. Бирдан борсанглар юраги ёрилиб ўлади. Ҳеч тингани кўрмаган қизлар кўр-қиб қолади. Ана энди ҳаммаг отни миниб, гир айланиб олинглар. Булк этмай туринглар!— деди. Гулнор парч Сайрам деган бир канизини.

— Сен тоғ бошига бориб бир чиндобиллик қилиб келгин!— деди. Эркакка ўхшаб бир дудамани қўлга олиб:

— Кўрқмай ётаверинглар. Ёв келса тўп билан уриб йиқитаман. Аххи, аххи деб жўнайверди [Сайрам]. Ҳеч бехабар бораётиб эди, чироқнинг ёруғидаги [одам] олисни кўрмас экан. Ана Сайрамжон гоҳ талтайиб, гоҳ мордайиб, тикка қўшиннинг олдига бориб қолди. Шундай тиклаб, кўзини очиб қараса Сайрам, пўлат найзали, анжом-асбоб, қиличлар, отлари фалакни кўзлаб, юлдуздай бўлиб, айланиб олиб қўйибди. Буни кўриб, тарсса тура солиб қочди. Дустаман учди. Бел бўгоридан пастга кийиб юргани тиззасига тушди. Кўйлаги тос тепасидан ошди. Ҳамма қўшиннинг кўзи баданига, у ер-бу ерияга тушди. Бир нечаси кулишди. Бир нечаси «дам-дам» дейишди. Кўрқиб қиз бечоранинг дами ичига тушди. Гўрўғлибек бориб, раҳбарлик қилиб, кийимларини устига тортиб, одам шекилли қилиб, оғзига икки ҳовуч сув солиб, ҳалиги қизга қараб, калласини суяб, бир сўз айтаверди:

Сенга айтай, тингла менинг сўзимни,
Овладим кўлдаги турна гозимни.
Кўрқмагин, мен ўзим сенга раҳбарман,
Чамбилда Гўрўғли дейди ўзимни!

Кўрқиб қочиргансан асман ҳушингни,
Янги бўлдинг. ҳаммамизга дуч энди.
Қиёматлик синглим дедим, Сайрамжон.
Синглим, тургин, кўтар [энди] бошингни!

Нега кўрқиб беҳуш қилдинг ўзингни,
Нега айтолмадинг салом сўзингни?
Қиёматлик синглим дедим, чироғим,
Айланай, сен дарров очгин кўзингни!

Ҳақ саломин келиб берсанг бўймиди,¹
Қўлинг кўкрагингга олсанг бўймиди?

¹ Бўлмасмиди?

Қўрқмай-пусмай неча одоблар билан,
«Омонсизми, меҳмон», десанг бўймиди?

Қўрқмай олдимизга етсанг бўймиди?
Элатингда внди бўлган тўймиди?
Ҳақ саломин бериб раҳматга боссанг,
Олдимизда кулиб турсанг бўймиди?

Қўрқма, муштипар, очгин кўзингни,
Қиёматлик укам дедим ўзингни!
Юриб келдик бизлар қуло тузлардан.
Талтайиб чиқиб келувдинг қизлардан.
Илгариги дамгинанг сенинг зўр эди,
Нега қўрқиб қолдинг, синглим, бизлардан?

Ўзим сенга оғалиққа ярайман,
Асло қўрқма, ҳолгинангни сўрайман!
Синглим дедим, асло қўрқма бизлардан.

Ўзим сени катта одамга берайин!
Димогингни ўзим хўп чоғ этайин,
Биров сўкса уни дорга тортайин.
Асло қўрқма, сен укам бўл, чирогим,
Сени Чамбилбелга олиб кетайин!

Қарамагин асло менинг кўзима,
Ҳақ ҳурмати, ишон айтган сўзима!
Ҳиндистонда нима гаплар бор, синглим?
Элда бор гапларни айтгин ўзума!

Юракдан кетгай-да, қайғуман ғамлар,
Баҳорда силдирар тоғда бодомлар,
Элатингда бор гапдан хабар бер,
Подшоликда нима дейди одамлар?!

Қассоб олар болта билан табарди,
Ҳаннон-маннон айтса сўзга чеварди.
Ҳиндистонда нима дейди кўп одам,
Бергин Ҳиндистон гапидан хабарди!

Ўзим бор қўрқмагин ҳеч бир бандадан,
Ога-ининг зиндонга тушган бўлса,

Чиқориб олай оғайнингни қундадан.
Ҳиндистон элдан бергин хабарни,
Аканг сўзлай берса сўзга чеварди!

Ана энди, [Сайрам] Гулнор пари билан Кўйиқоқ юрар эди, Эрамнинг боғида турар эди. Хитойда ҳақ эди. Мусулмон шаҳарларини ҳам кўп кўрар эди. Ҳардан мулла олиб қочиб келиб, шу муллаларда ўрганиб олар эди. Лекин ҳамма тилни билар эди, Ер юзининг одами билан замонасозлик қилиб тура Ана энди юрагини босиб олиб, яланғоч бўлгандан бе сап бекларнинг сулув-сулуви олдига келиб, Сайрамнинг кўнгли тўлиб, «қизнинг душмани бўлами, ҳақ кўрса қучоқлаб хизматингни қиламан деб айтади-да бўлса менинг банди фармоним турур», деб [ўйлади]. дистонда бўлган рост гапдан айтишини кўринг Сайрамнинг. Ана энди Сайрамнинг айтаётган рост сўзи:

Акажоним, ширин жонни сотайин,
Борганда Чамбилни обод этайин.
Тинглайверинг, ака, менинг сўзимни,
Ҳиндистонда бўлган гапни айтайин!

Сўзлайди бу ерда укангнинг тили,
Ҳеч кима тушмасин жудолик хили.
Кўрганимни айтаверай, акажон,
Тала-тўп бўп қолди Ҳиндистон эли.

Отингда бор қоши ўсик эгаринг,
Ҳиндистон элини сизга мен айтсам,
Бориб қолди Ҳиндистонга хабаринг.

Келганингни битта одам, биледи;
Ҳали беқарордир Гулнор¹ паринг.
Ҳиндистон элати кўрсангиз обод,
Хафа қилмай кўнглимни қилгайсиз шод.
Бўлган гапни айтаверсам кўп сўздир,
Тойҳинди вазирман қилди маслаҳат.

Маслаҳат қип шоҳнинг ақли шошди.
Симин билан Амин вазир урушди;

¹ Қўлёзмада «Гулнор».

Борки икковлари хўп калтаклашди.
Гулранг пари бориб кўплар уришпб,
Нимкаласоз ишни қилиб ярашди.

Симин вазирларнинг сизга сўзи бор,
Овлақ топса балки пича арзи бор.
Кўнгил қоралиқ бўп Ҳиндистон юрти,
Маржон пари деган сулув қизи бор.

Гулноржонга келибсиз, важингиздан,
Маржон пари келиб кўп гапларни айтди.
Томошалар қилайик деб сулувлар,
Гулноржонни Қонғар тоққа оп қайтди.
Маржоннинг отаси қаттиқ сўз айтди.

Сиз тан бўлди Ҳиндистоннинг ярмиси,
Ҳали ҳозир бузуқдир Ҳиндистон юрти,
Айтса соп бўлмайди Ҳиндистон сўзи.
Йингитга кўп бўлар қизларнинг нози.
Ака, топган гапим менинг шул бўлди,
Анов турган, ака, подшонинг қизи.

Тағи топган тутгаимни айтаман,
Подшо зўрдир ишгинасин қайтаман?
Жавоб бернинг, ойимимнинг олдига,
Ака, ўзим, ўтиришга кетаман!

Ана энди Гўрўғлибек:

— Ҳа чирогим, сени, ўлмасам, Чамбил олиб кетаман.
Оталик-оғалик қиламан. Сени бир, қўлинг хамирга бота-
диган яхши эрга бераман. Сени тугишган синглимдан зиёд
кўраман,— деди. Шуйтиб [Сайрам] ана буларни қариндош
қилиб, индамаслигини билиб, кўнгилни бир ёқди қилиб,
аста Гулноржоннинг олдига етди. Ҳангамада ҳеч тингани
кўрмагандай бўлиб ўтирди. Ана Гўрўғли навкарларини,
қўшинини шу [ердан] гир айлантириб, ўртага олди.

— Ҳовлиқиб аста талатўп бўп қолмасин! Ҳеч қайсинг
дахл қилманглар! Ҳеч тингани кўрмаган қизлар, кўриб,
тагин юраги ёрилиб ўлмасин,— деди [Гўрўғли]. Ана шуй-
тиб гир айланиб ётаверди қўшинлар. Соқибулбул билан
Гўрўғлибек қизларнинг хангамаси қизиққан паллада «са-
лом алайкум» деб, етиб борди. Гулнор пари ҳам салом бе-
риб жойидан тура келди. Кўрмаган қизларнинг кўзи чап-
па-тос бўлиб, чанғароқлаб қолди. Гўрўғли:

— Сонам қизлар, энам қизлар, қизлар қўрқманглар, —
деди кулиб. Ана Гулнор пари уялганидан Гўрўглибекка
қараб бир сўз айтaverди:

Хуш келибсиз, ана маътил, ана жой.
Юрагимдан кетди қайғу билан ўй.
Ҳар босган изингиз кўзима дори,
Епарман мен сизга чиройли сарпой.

Ваъдалашиб Чамбил шаҳридан қайтдим.
Ҳиндистон шаҳрига Мисқолман етдим
Мисқолни Эрам боққа узатдим,
Биздан ўтганига узр, подшошон.

Гулранг пари кийим кийибсан, деди,
Балки сен бир одам суйибсан, деди.
Кийимни кўрди-да, кўплар урушди,
Сен ўзинг бировга тейибсан, деди.
Хато қилдим, афу қилинг, подшошон!

Қайтайин энамнинг кўп қаҳри келди,
Қобоғи уюлиб кўп заҳри келди.
Сен эрга тегибсан, деди уришди,
Мен бебахтни уриб овоққа солди.

Мен аёлман ваъдама боролмадим;
Сўрамайин ҳеч жойга юролмадим. .
Гуноҳ қилдим, хўп, кечиринг, подшоҳим!

Уйланг тараф сиздай подшо қасдида,
Мерган олқор овлар тоғнинг устида.
Биздан ўтганига маъзур, подшоҳим,
Ҳар бир нэларингиз кўкрак устига.
Гуноҳ қилдим, хўп, кечиринг, подшоҳим!

Хангомалар шоир билан созники,
Оппоқ кўллар ўрдак билан гозники,
Улмайгина кўрдим ойдай бетларни,
Мендайин қиз валлакатим, сизники.
Гуноҳ қилдим, қарам қилинг, подшоҳим!

Юракда ваҳм йўқ, қайғу черингман,
Қабул қилсанг, ваъдам битта, ёрингман,

Мен бормабман, сиз келибсиз сўроқлаб,
Ҳақ ҳурмати қиёматлик чўрингман.

Насва тортган жойга ўзим етман,
Яхши гапни, ёмон гапни битаман.
То ўлгунча ўйнаб, кулай, подшоҳим,
Хўп келдингиз, бирга Чамбил кетаман.
Алдамчи деб сўнгра айтманг, подшоҳим!

Ана энди Гўрўглибек Гулнор парининг бу сўзидаш
кўнгли тўлиб, ойимга қараб, саллани ўраб, бир сўз ай-
таверди:

Мисқол борди, нега ўзинг бормадинг?
Ё билмадим, бизни кўзга илмадинг,
Подшоларнинг қаторида билмадинг.
Ювгинангга қул бўп келдим, бўйингдан.

Кўплар сўраб турди сенинг изингдан,
Танда жон айлансин ойдаи юзингдан.
Ишқингда ўртаниб келдим, паризод,
Жон айлансин жовдиллаган кўзингдан.

Бу элатга подшоликка ярадим,
Мисқол боргандан сўнг дурбин қарадим.
Кўнглим тинмай ўзгинангни сўрадим,
Сўзингга ўртаниб келдим, ўзингдан.

Ишқивоз¹ савдосин бошимга солиб,
Мен ўзим дардли бир девона бўлиб,
Сенинг учун ўзимни сарсон қилиб,
Бошима неча бир кулфатлар солиб,
Адо бўп, сўроқлаб келдим, қаддингдан.

Улмайгина мен эшитдим сўзингни,
Яхши одам деб қолувдим ўзингни.
Ҳар тунлари йиглаб сенинг ишқингда,
Букун келиб, кўрдим, қора кўзингни.

Эсон-омон кўрдим, бўлди, ўзингни;
Кўнглим тўлди, айтдинг тўгри сўзингни.
Ўрта чўллар узоқ экан бенаҳот².

¹ Ишқивозлик.

² Бениҳоят.

Улмайгина кўрдим ойдай бетингни.
Ишқингда ўртаниб, кетдим паризод.

Суягим туташиб, ўртаниб кетдим;
Эсга тушсанг, ўзим хуноба ютдим.
Нима бўлди Гулноржонимга, дедим,
Улмайгина сенинг олдинга келдим.
Ўртаниб жингак бўп келдим, ҳолингдан.

Отанг жанжал қилса эртанман туриб.
Қайтибгина оп кетарман элингдан?
Ўзимни дуо қилдинг паризод,
Элимдан бегона қилдинг, ақлингдан.

Ҳай аттанг ваъдага вафо қилмадинг,
Бек Соқининг насиҳатин олмадинг.
Мисқол борди, сен Бормадинг Чамбилга,
Ҳийла гапинг, бизни кўзга илмадинг.
Айролик бағримни тилди, сўзингдан,

Элчи-совчи мен отангга юбориб,
Яхшиликман сени олгани келдим.
Сўзгинанг ўртаган бизни, қошингдан.

Оғир лашкар менинг билан келади,
Кам ақлинг ҳамиша иши чалади(р).
Ўрта қилиб сўзлашайик бу сўзни,
Ер бўлсанг маслаҳат қандай бўлади?

Сени кўрдим келолмайман ўзима,
Озроқман, тарафим кўпдир изима!¹
Кўнглинг берсанг бир маслаҳат кўрсатгин,
Маслаҳат бер, бўйгинангдан ўзима!
Ўртаниб сангилар бўлдим, кўзингдан.

Ана энди Гўрўглининг ақли шошди. Дамн ичига тушди.
Маржон пари жойидан туриб, қошини кериб, подшога
қараб, бир сўз айтаверди:

Симин отамизнинг меҳри тошди,
Вой аттанг, дардим дардга улашди.

¹ Изимда.

Бўлган ишни айтаверай, меҳмонжон,
Менинг отам Амин ҳиндман гашди.
Нима бўлса сизнинг учун урушди.

Худойим кўрсатди сизни бегумон,
Ҳаммангиз бўлгайсиз дунёда омон!
Айтаверай мен сизга рост гапни.

Ҳангомада шароб ичиб маст бўлган,
Ҳам подшога, ҳам Аминга қасд бўлган.
Айираман ўзим ҳамма элатни,
Сизи билан менинг отам дўст бўлган.

Симин отам сизнинг учун қон ютди.
Гулноржонни алдагин деб ўзима,
«Гўрўглини десин», деди хон отам;
Сизнинг учун неча сўзларни айтди.

Отам [ўзи] ҳамма гапга чеварди,
Баччалар ўқиди имло-забарди.
«Гўрўглини десин,— деди,— Гулноржон»,
Сизнинг учун ўзгинамни буюрди.

Шерик бўлманг юракларда ваҳмга,
Одам кўнгил берар аҳли фаҳмга.
Амин ҳинди сизман урушай, деди.
Ишқивоз эканди Гулнор ойимга.

Илгаридан шериклашиб ўқиди,
Баччаликда Амин гапни тўқиди.
Гулноржонни оламан деб шу Амин,
Ҳали ҳозирга Ҳиндистон эл қўқиди.

Ана энди Гулнор пари Соқи билан Гўрўглибекка тўрдан ўрин берди. Мисқолнинг ўтирадиган тахтини Соқибекка берди. Юнуснинг ўтирадиган тахтини Гўрўглибекка берди. Маржон пари қўл ювдириб, дастурхон ёзиб, ёқут, гавҳар лаълиларга овқатни уйди. Гулнор пари етти марта «хуш кўрдик» деб таъзим қилиб ўтирди. Ҳамма қизлар «Энасининг айтгани рост экан. Чамбилга бориб тегиб келган экан. Балки никоҳин қийиб келган экан. Баракалла, сенинг эл қидириб топган эрингга», дейишди. Ана энди оқи оқ, кўки кўк тоққа томошага келган беш юздай қиз

яшнаб бир ўтириш қилди. Шу юзлари анор билан қизил олмадай яшнаб кетди. Тўти, майна, қумри, булбул баландликларда чақ-чақ қилиб, ана майна қуш Гулноржонга қараб бир сўз айтаверди:

Юраклардан кетди қайғу-ўйингиз,
Гавҳар, садаф ўтиришга жойингиз.
Муродингин олло берди жон қизлар,
Энди қутли бўлсин ойим тўйингиз!

Ҳеч қайтмасин бу дунёда раўйингиз,
Асли келбатлиди қадди бўйингиз.
Қошли қизлар, тўшли қизлар,
Қутли бўлсин энди катта тўйингиз!

Гўрўглибек оша юртга оп кетар,
Меҳнат қилган одам муродга етар.
Эрларингиз қутли бўлсин, ойимлар,
Дам ғанимат, ўйнаб-кулгин, бибижон.

Юрган йўлинг мушки қалампир сасиб,
Амин шеригингинг кўкайин кесиб.
Битувчилар битган экан тақдиринг,
Ҳангомада икковгинанг ўтирсанг,
Келган меҳмон ўзингизга муносиб;
Келган меҳмон қутли бўлсин, жон қизлар!
Балли қизлар, жонон қизлар,
Узи катта ғўнон қизлар.

Ана энди қизлар ваҳм тортди. Гулнор Соҳибекка бир соз топиб келиб бердиртди. Ана энди Гулнор парининг хоҳиши ҳангомага бўлди. Гўрўглибек, «бугун ётиб, эртан ҳангома қилса экан» деб кўнглига келди. Соҳибекни айттирамиз, деб ҳамма қизлар иттифоқ бўлди. Подшо ҳам кўпнинг айтганини қилар экан. Катта ҳам кўпнинг айтганини қилар экан. Ҳамманинг раўйи Соҳибекни айттирмаққа бўлди. Энди қизларнинг иттифоқ бўлишини кўринг. Ана энди Соҳибулбул сөзни чалишини кўринг. Совни чалиб, ана Соҳибек айтаверди сўзни:

Йигитлар ишқивоз сочи сунбулга,
Насва тортиб келдик Ҳиндистон вага.

Эсон-омон турган жонго қызларни,
Соғ-саломат ояиб борсак Чамбилга,

Ҳар жойда қўлиж тегди созларга,
Соғ-саломат чиқсак қишдан ёзларга,
Худоё товфияқ бер мана қизларга,
Эсон-омон оп борайлик Чамбилга!

Оқшомиман базм чақ-чақ втармиз,
Ҳар алвонда қойим созни чертармиз.
Қўрқманглар, ҳуркманглар сап сулув қизлар,
Душман келса катта шуйхон втармиз.
Дуо қилиб турнинг тоғнинг устида
Ҳаммамиз туркманга бирга кетармиз.

Ҳар гапинг жонима дармон жононлар,
Элимизда нечов бўлган интизор.
Уйнаб-кулиб ҳангома қинг, парилар,
Ҳақ ёр бўлса бу сафарлар бехатар.

Ҳамсуҳбат бўп қолди, сулув парилар,
Насиҳат беради ёшга қарилар.
Эсли одам ҳамиша ишни тўғрилар,
Саломат Чамбилга етиб олайик.

Ов қилдик кўлда гозлардан,
Айирма пари қизлардан.
Йўл юрдик қуло тузлардан;
Бир маслаҳат беринг энди,
Маслаҳат чиқсин қизлардан!

Қуло тоғда туринг энди,
Сочни тоблаб ўринг энди!
Тонг отган сўнг подшо келар,
Ажалли урушда ўлар,
Бир маслаҳат беринг энди!

Тонг отгунча Соқи созни чалади,
Эшитиб қолмайми Ҳиндистон эли?

Бу гапни Тойҳинди отанг билади,
Гурзи олиб, филни миниб келади.

Отанг бизлар билан жанжал қилади.
Гулноржон, маслаҳат қандай бўлади?

Борасанми, бормайсанми Чамбилга
Бормасанглар кетинг Ҳиндистон элга!
Катта-кичик бунда турган парилар,
Ўйланглар, маслаҳат қандай бўлади?

Отанг хуруж қилса одам ўлади,
Кўнглинг бузуқларинг бергин маслаҳат.
Ўйланглар шу сўзим нима бўлади?

Ота-энангга¹ кўнглинг бўлса кетинглар,
Тонг отгунча уй-уйингга етинглар!
Зўрлик билан бизлар турибмиз деманг,
Кўнглинг бўлса Ҳиндистонга кетинглар!
Саҳар бориб жой-жойингда ётинглар!
Эналар, маслаҳат қандай бўлади?

Хиёл банда юзларингга,
Ота-энанг бор изларингда.
Хиёл кўнглинг, тўғринг қолгин,
Ихтиёринг ўзингизда!
Гулноржон, маслаҳат қандай бўлади?

Раҳм айладик бизлар сенинг ҳолингга,
Булбул мақом қилар богда гулингга.
«Фириб билан ушлаб олди», деманглар,
Кетаверинг Ҳиндистондай элингга!
Доналар, маслаҳат қандай бўлади?

Жонивор тўти ҳақиқат бир сўзни айтяпти қизларга қараб:

Қонгар тоққа кетган, дейди,
Айши ишрат этган, дейди,
Иши тамом битган, дейди,
Кетсангиз ҳам элингизга,
Урушсангиз биров билан,
Гўрўғлининг қўшиниман,
Томоша тоғнинг бошида,
Айқалашиб ётган, дейди.

¹ Кўлсэмада «отанангга».

Қиз эмас, ҳаммаси хотин;
Гўрўғлибекнинг лашкари,
Ҳаммасини нетган, дейди.
Уят ўлимдан ёмонди,
Тегинг энди, тегинг энди!

Элингиз бари сўзлайди,
Тоғда олиб ётган дейди.
Улмай кетманглар юртингга,
Подшо банда савлатингга,
Сизлар қизсиз гапга ёвуқ,
Бу беклар оп қўйган, дейди.

Таъна қилади бетингга,
Борма Ҳиндистон юртингга!
Сабаб билан беклар келган,
Ев қуршаб гирдингни олган.
Ҳамманг кетолмасдай бўлган.

Бу феълингни қўйгин энди,
Катта-каттанг йигит сайлаб,
Қонғар тоғда тегкин энди!
Кет деганман кетолмайсан,
Кўп қўшиндан ўтолмайсан.
Минг тақдир ҳийлалар қилсанг,
Элгинангга етолмайсан.
Қизлар тег энди, тег энди!

Энди Соқибулбул бир сөзни чертиб сўз айтди. Шу қизлар Соқибулбулнинг юзидан, ҳеч жиримайди сўзидан. Жуда рози бўлди Соқибулбулнинг ўзидан. Қизлар Соқибулбулнинг димоғини чоқлаб турса, қирқ кун айтса ҳам жангилмайди Соқибулбул сўзидан. Вақтини хушлашиб, косани қўлга ушлашиб, бошни чайқаб, «сап маст қизлар, бежой қизик ҳангома бўлди», деб лабини тишлашиб, «Симин соғ» деб косани тўлдириб, бир май ичмоққа тейишди қизлар. Масти беихтиёр бўлди бари. Ана энди булар Тошоша тоғда, ўз завқи шавқида ётаверсин, энди сўзни Ҳиндистон подшосидан эшитмак даркор. Ана одам бор ерда сўз бор. Яхши бор ерда ёмон бор. Эл бор ерда элак бор. Тоғ бор ерда булоқ бор. Подшоликда тўлон бор. Қизда қилиқ бор. Ана энди гапни мижародан, жанжалдан эшитмак даркор.

Ана Маржон пари Гўрўғлибекдан, Гулнор паридан жавоб сўради. Тонг отди. Қараса бир лашкар айланиб турибди, найзасини қўлига олиб. Буни кўриб қизлар «ёвнинг харосати бўлар» деб. Бир ақлини бой берди. Гулнор пари айтди:

— Кўрқманглар, шу лашкар ҳаммаининг хизматкоринг! Хафа бўлмаглар, оймингнинг посбони турур!— деди. Ана энди дилжаҳамчилик бўлди. Беш юз сулув қизлар маслаҳат қилди. «Мнинг жонинг бўлса бу беклардан омон-эсон қутулмайсан»,— деди. Бир яхши-яхшисига тегадиган ҳисобни маслаҳат қилаверди. Ана энди Маржон пари Ҳиндистонга кетди. Тикка бориб, Тойҳиндининг олдига етди. Ана шу Симин билан Амин вазирнинг олдида, шу подшоликда ҳамма амалдорлар турган ерда, Маржон пари рост сўздан айтаверди:

Одам битган нари-бери юрисин,
Сувдан чиққан балиқ ерда чирисин!
Кўрганимни айтиб берай ростини,
Дод фарёд Гулноринг қурисин!

Чамбил белдан шоҳ Гўрўғли келибди,
Келганини уйда туриб билибди.
Кўп лашкарман тоғни босиб қолибди,
Гулнор Гўрўғлиман бирга бўлибди.

Ҳали Гулнор элдан чиқиб кетибди,
Қиз булоқда, қиз томоша супада,
Қизинг Гўрўғлиман бирга ётибди.

Ҳиндистонда, деган одам қизини,
Гулноринг ияртиб кетибди.
Кўриб келдим ўз кўзимман подшоҳим.

Чиноринг пастида жавҳар супада,
Гўрўғлиман айқалашиб ётибди.
Ҳамма қизлар ўрталикда гам тортиб,
Теварагин лашкар босиб ётибди.

Эна халқи қиз фарзандни йиғмайми?
Ота давлатида кийим киймайми?
Шундай бебош бўлиб кетди қизинга,
Ота-эна фарзандни тиймайми?

Нима бўлса қилғуликин қип қўйди,
Айтадиган сўзнинг барин деб қўйди.
Ул-ўлгунча¹ таъна бўлди юзинга,
Гўрўғлибек Гулноржонни оп қўйди.

Хуруш қипти Ҳиндистондай юритингга,
Улуғ подшом душман тушди ортингга.
Бесовчи оп қўйди Гўрўғли подшо,
То ўлгунча иснод бўлди бетингга.

Кўплар мен эшитиб келдим сўзини,
Гўрўғлининг кўрдим ўйинбозини.
Бу қандайчанги расвочиликди,
Гўрўғли олди Гулнорнинг ўзини?!

Соқибулбул қойим созин чертибди,
Қоровул отин ҳар ёққа йўртибди.
Дунё келар-кетарини билмайин,
Гўрўғлибек ўртага олиб² қизларни,
Тоғда сайил қилиб, ўйнаб ётибди.

Бўй ётган қизларинг ўзи борибди,
Урганишгандай бўп қайқайиб турибди.
Мен сенга ростини айтсам подшоҳим,
Гулнор қизинг баланд тоғда турибди.
Қуртдай қайнаб Гўрўғлининг лашкари;
Қайтай, қизларингнинг бари борибди.
Ихтиёр ўзингда энди подшоҳим.

Ана энди Амин ҳинди ўзидан кетди. Симин муддаосига етди. Рост гапни Тойҳинди эшитди. Дарров Гулнорни сўратди. «Йўқ экан, рост экан», деб, одам келиб Тойҳиндига айтди. Тойҳиндининг газаби ўтдай туташиб, дуди осмонга ўрнаб кетди. Ана энди Тойҳиндининг куйганидан дод деб айтаётган сўзи:

Симин вазир, Амин вазир келинглар,
Вой, бу ишнинг дарагида бўлинглар!
Бу қандай гап, рост бўлса, вазирлар,
Гўрўғлининг иложини қилинглар!

¹ Ула-ўлгунча.

² Қўлэзмада «ўртаголиб».

Ҳар тарафдан лашкар жамлаб келинглар,
Е ўлинглар, Гўрўғлини олинглар!
Хўп қилгулик баччагарга қилинглар!

Афгоннинг элидан қайтиб ўтибди?
Қаерларда шу кўппак ит ётибди?
Бу ишнинг иложин қилинг, вазирлар,
Қандайгина бизнинг элга етибди?

Сатта номдор ҳиндиларни йигинглар,¹
Келган бўлса кўкайини қийинглар!
Ўлигин чош қип ўртага уйинглар;
Ҳар шаҳарга бўлган гапни ёйинглар!

Шунча элдан қайтибгина ўтибди?
Маломатга қулоққинам битибди.
Амин билан Симин, беринг маслаҳат,
Шу энагар қайтибгина етибди?

Лашкар олиб, атрофини олинглар,
Кескир қилич энди белга чолинглар!
Адабини бериб қўйинг, халойиқ,
Гўштларини бурда-бурда қилинглар!
Ҳар тарафга лашкар йигиб, халойиқ,
Кўп лашкарни дарров тўда қилинглар!

Тириклайин Гўрўғлини ушланглар,
Устидан боринглар, каманд ташланглар!
Банди қилинглар катта-катта полвонни,
У ёгининг ўлигини чошланглар!
Олиб кенглар подшоларнинг қизини,
Унгарилмасдайин қилгин ўзини!

Сап полвонни йигиб келинг, вазирлар,
Ўйиб ташланг туркманларнинг кўзини!
Филларга едиринг келса ўзини!

Танга-тилла Тойҳиндида фаровон;
Бирга бўлиб кетган бўлса Гулноржон,
Вақтида лашкар йигинглар элатдан,
Ғайрат қилинг Симин билан Аминжон!

1 Қўлёзмада «жийинглар».

Ногора, сурнай, карнайлар тортилсин!
Чин полвоннинг ширин жони сотилсин!
Гиришини соэлаб олинг сар ёйнинг.
Камон ўқи душманларга отилсин!
Пешонада ҳар гап бўлса битилсин!

Ногораман карнайларни қўйдирди,
Ҳар шаҳарда добилини туйдирди!
Аччиғланиб Тойҳинди ёронлар,
Миллиард-миллиард кўп ҳиндини йиғдирди.¹
Дйтаверсам ё рост экан, лоф экан,
Зўр ҳиндиман,² бежой фили кўп экан.

Гўрўглибекка от тортди.
Урушда таниқлиқ бўнг³ деб,
Пешонасига қизилдан,
«Ҳинди-ҳинди» деб хат тортди.
Оғир лашкар Ҳиндистондан,
Қиз булоққа чиқиб кетди.

Гўлдиратиб тилларини,
Тала тўп қип элларини,
Гўшт қип олиб молларини
Гўркиратиб миниб олди.
Зўр ҳиндилар филларини.

Гўрўгли йўлини тўсиб,
Анжомини белга осиб,
Бирқиллаб ҳинди жўнади:
Лашкар кетди чўлни босиб.

Гўрўглибекман ғаш бўлиб,
Ҳар шаҳардан лашкар етди.
Ҳинди, ҳиндига дуч бўлиб,
Туғи аламнинг остида.
Тойҳинди кетди бош бўлиб.

Тумшуқларини тўлғатди,
Сихча уриб елкасига,

¹ Кўлсэмада «жийдирди».

² Ҳинди билан.

³ Бўлинг.

Фил битгани гуркиратди.
Фили қургур илдам экан,
Савондай бўлиб ҳиндилар,
Филни чўлларда хевлатди.

Қиёматдан ёмон бўлди,
Ҳиндистонни туман тутди.
Елша-ёвлақ ҳинди битган,
Қонғар тоғига йўл тортди.

Уруш бўлса найза синди,
Соат ўтган, қоронғи туиди.¹
Филни миниб, лўкилатиб,
Ғайрат қилди сатта ҳинди.
Остида филлари ўйнаб,
Ҳиндистондан чиқаверди,
Ҳинди битган қуртдай қайнаб.

Загчадайн чулдирашиб,
Филни қистаб ҳайдашиб
Келяпти ҳинди битган,
Бир-бирига гулдирашиб.

Ёйни елкасига осди,
Гўрўғли йўлини тўсди.
Тумшуқларин қимиллатиб,
Қўшин келди даста-даста,
Ҳиндилар тоққа тармашди.

Ана энди гапни Саҳмондан эшитмоқ керак. Аста ерга
қулоқ солди. Лашкарни билди. Саҳмон полвон:

— Воҳ-ҳу... Худой уриб қолибди.— деди. Ҳамма қангу
манг бўлди. «Нима гап, нима гап?» деди. Ана Саҳмон пол-
вои Гўрўғлибекка, Шодмонбек, Холдор маҳрамга, Аҳмад-
бек Темирхонга қараб бир сўз айтяпти:

Ҳай аттанг бизлар қоровул қўймабмиз,
Қизиб кетиб дастурхонни йиғмабмиз.
Уруш анжом-асбобини киймабмиз,
Чоқ бўлгин, деб навкарларни йиғмабмиз.

¹ Кўлэмада «қоронгтунди», қоронгу тун эди ўқилсин!

Темирхон ишимиз қийин бўлибди,
Ҳай аттанг, зўр талаб бўп қолибди.
Дарров мининг бедовларни, Холдоржон,
Ҳинди битган тоққа келиб қолибди.
Пак бўлмаса гирдимизни олибди. -

Дарров чаққон бўлинг, жами ўғлонлар,
Тез-тез бўнглар, ишлар қийин бўлибди.
Ҳар атрофи ҳайбат, ҳашам тутибди,
Ер юзини билдим лашкар тутибди.
Ер қимирлаб, тоғ тебраниб боради,
Яқинлаб пак олдимизга етибди.

Авлиё Соқибек созни чалибди,
Дарров отлан, бу иш қийин бўлибди!
Гуркирайди бир нарсанинг довуши,
Дарров чоқ бўнг, душман яқин келибди!

Яратганим жудоликни солмасин,
Қайтайин душмандан битта қолмасин!
Чин сидқидил отга мининг сардорлар,
Бу қизларни ўртага олиб¹ қурчаланг,
Ғайрат қинглар санам қизлар ўлмасин!

Душман кепти ўқни, тўпни отади,
Ҳеч билмайсиз қулоқ чиппа битади.
Миниб олинг сатта тўқол ёл отни,
Ер юзини ҳайбат, ҳашам тутади!

Кўлга борган отиб келар гозларни,
Лашкар тутиб қопти қуло тузларни.
Ҳасанхонни қўйинг мажлисга бош қип,
Яхши асранг мана меҳмон қизларни;
Ғайрат қинг, сардорлар, қизлар ўлмасин!

Қўрқоқлар чақирди сап қайбатини,
Айтолмайди юрагида дардини.
Ботирлари шердай бўлиб гуркираб,
Белига бойлади чин пўлатини.

Ирғиб-ирғиб минди отнинг белига,
Пўпакли найзани олди қўлига.

¹ Қўлёзмада «ўртаголиб».

Отам деб ёд этди ҳазрат Довудни,
Иш тараблаб, кийди совут-мовутни

Томошо айланг йўлбарсларнинг ишига
Қалқонни эғнидан тақиб заб арлар,
Чор ойна дубулға илди бошига.

Ботирларнинг чўртга кўнгли тахт бўлди,
Кунининг ўзи айни чошка вақт бўлди.
Туйғундай талпиниб сатта эрабат,
Ҳамма бирдай урушмоққа чоқ бўлди.

Чўл титрабди филларининг довушига,
Томоша айланг Тойҳиндининг ишига.
Гўрўглибек, юринглар ойимлар, деб,
Отларга миндириб, қўлтиқдан суяб,
Бир қўлиман жиловини етаклаб,
Олиб чиқди Қиз булоқнинг устига.

Қўшин тўлиб, Қонғар тоғнинг тошига,
Полвон етар тарафларин бошига.
Юринглар, деб сатта семиз қизларни,
Олиб чиқди Қонғар тоғнинг бошига.

Гўрўглибек қизларни Қонғар тоғнинг бошига олиб
диб қўйиб, хўп аҳтиёт қилиб, Гулноржонга қараб, хўп
сиҳатлар қилиб, бир сўз айтаверди:

Урушда қилчлар бўлар қўчқил қон,
Олис қолиб кетди Чамбилдай макон.
Сендан бошқа менда ошна бўлмаса,
Қизларга аҳтиёт бўлгин, Гулноржон!

Ҳинди битган келяпти изимдан,
То ўлгунча жангилмайман сўзимдан,
Қизиқишиб бизлар урушиб қолсак,
Хабардор бўл, кўзгинангдан, ўзимдан!

Мени қилма бундан бу ёққа интизор,
Мусофирман, сен ўзинг бўлгин раҳбар!
Оралаб санчарман ҳинди зўрини,
Гулноржон, овқатдан бўлгин бохабар!

Қаддингдан, бекларнинг вақтин хушлагин,
Урушдан келганда бармоқ тишлагин!
Чарчаб-ҳориб беклар келса майдондан,
Ҳорманглар, деб отларини ушлагин!

Сени қилдик элнинг, молнинг эгаси,
Келганча овқатни мул қип чошлагин!
Қобоқ ўйиб эл динмогин кўйдирма,
Хафа қилиб кўкайини қийдирма!
Ўзинг бўлдинг шу бекларнинг эгаси,
Яхши-ёмон гапни асти дедирма!

Банди бўгининг бўшлаб тургин,
Дастурхонлар ташлаб тургин!
Ўзбек халқи кўтармади,
Урушдан келганда барини,
Жуда вақтин хушлаб тургин!

Ҳой, балли, йўлбарслар, деб,
Сардорларнинг, катталарнинг,
Отларини ушлаб тургин!

Ҳиндилардан қўрқманглар, де,
Тилдан одам шер бўлади,
Урушга кетар вақтида,
Душманлардан қўрқманглар, де!

Кўплар вақтини хушлагин;
Урушдан беклар келганда,
Қон тўккан йўлбарслар деб,
Салом бериб, чопиб чиқиб,
Бедов отларин ушлагин!

Катта ярашни қилгунча,
Отни тинмайин жилгунча,
Хизмат қилгин чин сидқидил,
Шу уруш тамом бўлгунча!

Ўзинг бўл беклар соҳиби,
Сен Гўрўғлининг заифи!
Хизмат қилсанг йўқ айиби
Мен подшоман сен вазирсан,
Ўзинг подшонинг ноиби.
Ҳукумат юргизиб тургин!

Қизларга насиҳат қилиб,
Кетиб қолмасин барисн,
Юзча одам бунда олиб,
Кетай деса дабдаба қип,
Ҳаммасини ётқизиб тургин!

Асватлаб тургин қизларни;
Сен нонбсан, мен подшоман,
Ишинга аҳтиёт бўлгин!

Ана энди Гулнор пари, ҳамма қизлар қараса, йигит
ғўчоқ, найзасида гулгун чақ-чақ барзудай ҳайбат қип,
Саҳмон полвон маст туядай гуркираб, ер юзини югуриб,
оладигап чоққа етибди. Буларни кўриб, Гулнор парининг
кўзига ҳинди битган чивинча кўринмай қолди. Гулнор
парининг чин сидқидил бир сўз айтишини кўринг:

Сизга қараб, кўнглим қайнаб, жўш урдим.
Отларингиз изларига бош урдим.
Оқ юзли обрўли бўлнинг ҳар жойда.
Таваккал денг, бугун киринг майдонга,
Ҳаммангизни зўр худойга топширдим!

Оқшом бўлса мен қоровул, гам еманг,
Оқшомлиққа тоғ бошида туринглар!
Чамбилдагидайин бўлиб юринглар!
Боринг, беклар, зўр худойга топширдим!

Номозгар бунда келиб ётинглар,
Не овқат пиширай, менга айтинглар?!
Ҳеч кимни юбормай тинмай урушинг,
Добил туйиб, кун пор-пора қайтинглар!

Бемаҳалга, қолманг асти бир вақти,
Кеч қолсангиз номозшомга етинглар!
Нима бўлсам сизлар билан бўлайин,
Номозшомда, номозгарда келинглар!
Фил ёмондир, филга аҳтиёт бўлинглар!

Томоша айланг Гулнорнинг ҳимматига,
Эркаклардан кўп бўлган ғайратига.
Сап ўралиб юрган кўп сулув қизлар,
Дуо қип фотиҳа торти бетиға.

Ҳамма қойил бўлди Ғулвор сўзига,
Амин тараф Гўрўглининг ўзига.
Сулув қизлар омин дейишиб ҳаммаси,
Омин, деб фотиҳа тортди юзига.

Лашкар тўлган тоғнинг баланд-пастига,
Ҳинди келаётир полвон қасдига.
Фирқўк отни кийикдай қип ўйнатиб,
Гўрўглибек бувдоқ-бувдоқ¹ қўшинман,
Чиқиб олди тоғнинг тақти устига .

Ана энди шу Гўрўглибек юз етмиш уч туг-аламни яла-пиллатди. Юз етмиш уч туг-аламни кўриб, Ҳиндистон подшосининг кўзи манглайига чиқиб кетди. Тоққа келаётган қўшинни тўхтатди. Айтди:

— Ҳой, ҳўй, Симин, бир балоси бўлмаса шундан-шунга келадими?— деди. Ана энди булар шу ерда тураверсин. Бир яхши гапнинг Ҳиндистондан келишини кўринг. Маржон пари ўпкаси пишиб, терлаб кўйлак баданига тармашиб, «салом алайкум» деб, Гўрўглибекнинг олдига бориб таъзим қилди. Ана Маржон пари Гўрўглибекка қараб бир сўз айтаверди:

Катта подшоҳдир Ҳиндистон,
Бўлгайсиз ҳаммангиз омон!
Отамизга қарагани —
Кўп одам сизларга тан.

Ҳаммани душман билманглар
Урушга кирганларингда!
Пешонасида хати бор,
Тойҳинди деган оти бор;
Хатлисига ханжар солинг,
Хатсизини ўлдирманглар,
Эҳтиёт бўлинг, акажон!

Хатсизининг вақтин хушланг,
Хатлисини чопиб ташланг!
Бизни деганинг айрил, деб,
Бугунча уруш бошланг.

Пишади тоғнинг бодоми,
Яхшининг ҳеч йўқди гами.

¹ Байдоқ-байдоқ.

Хатсизлари фуқародир,
Хатсизи отам одами.

Ҳиндиларга қасд бўлганди,
Қатта дарахт паст бўлганди.
Симин отам сизинг билан
Ғойибона дўст бўлганди.

Хатсизини тиқсаманглар,
Хатлисин чопиб ташланглар!
Ботирнинг мингани пироқ.
Ўлмасликдан борми дарак?

Симин отам сизга керак,
Ҳиндистондан оп кеп берар,
Ҳаммангизга яхши яроғ.
Ўлганнинг йўқдир фойдаси,
Отам дўстдир сизга керак.
Хатсизини ҳеч ўлдирманг,
Хатлисига солинг яроғ.

Тинмай отни жилдиринглар!
Фил деган бир зўр нарсадир,
Ўзи кучли ўр нарсадир,
Аралашиб қолсангизлар,
Дудамани қўлга олиб,
Тоқ қориндан суқиб олинг!
Андан кай¹ бўлар иложи,
Етмайди сизларга кучи.
Ғойҳиндиннинг тушиб кетар,
Бошидан подшолик тожи.

Аввал филин ўлдиринглар!
Хатлисини чопиб ташланг,
Хатсизининг вақтин хушланг!
Отам сизни таниб қўяр,
Хон отамга дуч келсангиз,
Кулибгина лабни тишланг!

Хати борини сўйинглар;
Хатсизи сизларнинг тани,

¹ Кейин.

Ҳаргиз хатсизин қўйинглар!
Алами бўлсин зиёда
Ваҳм тортмайик дунёда,
Фил битгани ўлдириглар,
Тойҳинди бўлсин пиёда!

Ҳиндининг ақли шошар,
Ботирнинг юраги тошар.
Зўрлик қилай деса ҳинди,
Уят-суятларни қўйиб,
Хон отам сизга бўлишар.

Кўрарсиз сўнгра қизиқни,
Ҳиндистон эли бузуқди.
Ошна бишиш бўлайин, деб,
Отам сизнинг билан, шоҳим,
Гаплашувга қизиқди.

Ана энди Гўрўглибек:

— Баракалло, эсон-омон ҳиндлардан обрў топсам, сени Шодмон мерганимга олиб бермасам бўлмас,— деди. Ана Гўрўглибек Маржон парига қараб, бир гап айтяпти, қўтармалаб:

Ота-энангга салламно,
Қипти отанг сени мулло,
Ота-энангга салламно!

Гапларингдан кўнглим тўлди,
Сени раззоқ йўлга солди,
Отанг бизиман дўст бўлди,
Энанг қайтиб мулло қилди,
Узгинангни тилло қилди?
Айтган сўзингга салламно!
Хафа бўлма келин бўлдинг,
Қоши кўзингга салламно!

Узингга Шодмонбек банда,
Яхши сўз оп келдинг бунда.
Қилма бизларни шарманда,
Айтган тилингга салламно!

Улмай борсам туркман элга,
Тўйлар қилайин беноҳат.¹
Гапирган гапингга салламно!

Шодмон хизматкор ўзингга,
Розиман айтган сўзингга,
Жони бандадир кўзингга,
Сенинг ақлингга салламно!

Отаман ёнанг ўлмасин,
Қипти ўзгинангни мулло;
Босган изингга салламно!

Хўп таҳаллик бўлганингга,
Яхши хатни олганингга,
Неча мақом гаплар билан,
Раҳмат бунда келганингга,
Босган изингга салламно!

Мартабангиз зиёд бўлди,
Гапингиздан кўнглим тўлди.
Эгам сизни йўлга солди,
Шодмонбек хизматкор бўлди,
Сенинг ёрингга салламно!

Хўп яхши сўзларни айтдинг,
Ҳамма одамни балқитдинг.
Ҳар бир ҳолингга салламно!
Лабда болингга салламно!

Ана энди Маржон пари кўйлагига сигмай, гуппайнб кетди.

Ана Шодмонбеккина ўзи ёв юраккина, соқоли торпоққина, уруги барлос, ўзи жуда сипоҳидан келган, ўзи жуда чоққина, Гўрўғлибекдан рози бўлиб, урушга йўлбарсдай талпинди. Шу кўшнни тоғ-тоғига ҳар тарафга тўзитиб от чоптирди, туғи-аламни ятиллатиб, Ҳиндистон подшосининг кўзига ҳар қайсиси минг одамдай кўринди. Шунда Гўрўғлибек назар тутиб қаради. Ҳамма кўшин ҳам қаради. Шундай қараса, шу тошларнинг остида филларни гуркиратиб, елкаларини қонатиб бир ҳинди юрибди. Филлар бутутдай гуркираб турибди. Бир ҳинди чиқиб келяпти худди қумурсқадай ёйилиб.

¹ Бениҳоят.

Бу тоғнинг бошидаги туғи-аламини кўриб, Ҳиндистон подшоси лашкарни тўхтатди. Бир чақирим кейин қайтди. Бориб саф тортди. Ана энди Ҳиндистон подшосининг қўшини саф тортиб тураверсин, энди Гўрўғлибекдан эшитмоқ керак гаппи.

Ана энди Гўрўғлибек турди таваккал деб. Ана Соқибулбул Гўрўғлибекка, турган ҳамма кўнгилли халқда бир сўз айтаверди:

Кетин қайтди ҳам тортманглар,
Як дил-а бўлиб от қўйинг,
Уламан деб ҳам тортманглар!

Кетин қайтиб нақд бўп турди,
Ярмиси қийшайиб қолди.
Туғ-байдоғи бошқа бўлди,
Бир чеккаси қашқа бўлди.
Зафар ўзимизга келди,
Кўнгил тўқ бўлиб от қўйинг!

Тойқиндидан даврон ўтди,
Юраги аросат олиб,
Қўрқиб ўзи кетин қайтди,
Зафар Гўрўғлига етди.

Босим Гўрўғли давлати,
Қилинг энди қиёматни!
Қўрқманглар давлат бизники.
Ҳиндистоннинг пойтахти,
Гулнордаини қизники.
Ёппа-ёвлик аралашинг,
Қўрқманглар, навбат сизники!

Соқибулбул қараб билди,
Ҳар жойда ажалли ўлди.
Ажал етмаса ўлмайди.
Ҳиндистон қўшинининг
Ярмин кўнгли бўлак бўлди,
Хаёлини бошқа қилди,
Қўрқманг, даврон бизга бўлди!

Уламан деб ҳеч тортманг ҳам!
Ўлмаини қолмас ҳеч одам.

От қўйнинг дарров дам-бадам!
Узимизга қараб кетар,
Туғи қашқа, кўнгли бошқа,
Кўмак беради кўп одам,
Қўрқманглар, давлат бизники!

Ана энди Гўрўглибек:
— Баракалло Соқибулбул. Йигитларни йўлбарсдай
қилишга келтирдинг,— деди. Ана энди Гўрўглибек қўши-
нига қараб бир сўз айтаверди:

Булдираб ётган Ҳиндистон,
Остингизда бедов ҳайвон,
Келдинг ҳиндининг қасдига,
Жонни сотинглар, Саҳмонжон!

Уртанмагай устихоним,
Тогда бор Гулнордай жоним.
Томошалар кўрсин қизлар,
Бош кесинглар, Холдор жоним!

Кўздан кўзлаб отгайсан,
Ей тортгини, Шодмон мерганим!
Қийшайтирмай туғин ушланг,
Тоғагинам, Аҳмад жоним!

Ҳангома қип вақтин хушланг,
Беклар майдонга келганда,
Ҳар тарафдан душман тушса,
Қимирлатмай туғни ушланг!

Қимирласа беклар бўшар
Қўрқоқлари ўлдик, дейишар.
Номард қочиб йўлга тушар,
Бир нечалар тўхта дейишар.
Кетказмайин ушланг туғин,
Бохабар бўлинг, тоғажон!

Баланд тоғ бошида тургин,
Қизлар билан томоша қип,
Раҳмат деб тургин, Ҳасанжов!
Ҳинди келди қуло туздан,

Маъни чиқар айтган сўздан.
Шердай бўлиб ҳиндиларнинг
Улигини ортмоқ биздан.
Қўрқманг, ҳурқманг, сатта беклар,
Ғайрат тилайман мен сиздан.
Ҳиндининг қаддини букинг,
Бир кам ўттиз бўлак бўлиб,
Тўп бўлиб ҳиндига тегинг!
Ҳеч қайтмасни шераматлар,
Отларнинг бошини қўйинг!
Подшонинг кўнглини топинг!
Бўри қўйга теккандай бўп,
Бир кам ўттизинг ҳар жойдан,
Тикка ҳиндиларга чопинг!
Ҳар тарафга қувиб суринг,
Филларнинг қоринини ёрнинг!
Гулноржон қўй дегунча,
Ҳинди битганларни қиринг!
Элига қайтариб суринг!

Туркман элининг шерамати,
Сатта бирдай валламмати,
От қўйинг туркман жаллоди,
Келдинг Ҳиндистон устига!

Суриб санчинг, тинмай қиринг,
От қўй Тойҳинди қасдига!
Қистаб чопиб йўлин тўсинг,
Устирмай изини босинг!
Калласини дўлдайин кесинг!
Келдинг Тойҳинди қасдига!
Кўзим чиқди от қўйинглар,
Гала ҳинднинг устига!

Ана энди Гўрўглибек лашкарни бир кам ўттиз қилиб бўлди¹. Шу отларнинг бўйига рўмол бойлатди. Рўмолга Гўрўглибекнинг отини битди. Гўрўглибек жўнатди энди кўшинини. Бир кам ўттиз сардорни лашкар [боши] қилиб, Гўрўглибек юраги ошдай қайнаб, бир сўз айтаяпти.

Бекларни пастга туширдим,
Ҳинди кўп, ақлим шоширдим.

¹ Тақсимлади маъносиди.

Бекларимни, қўшинимни,
Аввал ҳаққа Ҳазрат одам,
Жами пирларга топширдим.

Хон Гўрўгли тогдан энди,
Пастга қараб беклар дўнди.
Зағчадайин чарқиллашиб,
Қора қўнғиздай функллаб,
Шовқин солди сатта ҳинди.

Энди булар кетаверсин. Тойҳиндидан тўрт огиз сўз
вшитмоқ даркор.

Тойҳинди, дод деб бир сўз айтаверди. Амин, Симинга
қараб:

Гўрўгли келди бегумон,
Ўртада қолди Гулноржон.
Ҳақланглар берган тузимни!
Баччағарлар ўртага олиб,
Беркитди Гулнор қизимни.
Симин билан Амин вазир,
Буйтибгина юрганымдан,
Ўлмаклик менга лозимди.
Ҳеч қайтмаси урушинглар,
Туядай бўп суришинглар,
Ҳақланглар оши тузимни!
Ҳаёлларинг бузуқ бўлса,
Чопиб ташланглар ўзимни!

Келди-келди, от қўй, дейди.
Сўйлатди подшо тилини,
Терди Қиз булоқ гулини.
Амин вазир тамлигиман¹,
Гуркиратишиб филини,
Ғубор оп ҳинди элини.

Тойҳинди от қўй, дейди,
Уста бўпти чаппа қилиққа.
Жилдиришиб қистайверди,
Ҳайдади ҳинди филини.

¹ Тамғалиги билан.

Бошдан тугин қилган қашқа,
Лашкар чангиб тоғда, даштда,
От қўйишиб келаяпти,
Симин вазир бўлди бошқа.

Лашкар қайнаб кетди даштда,
Юлдуз учгандайин бўлди,
Арвоҳ кўчгандайин бўлди,
Ҳамма подшо назаркарда;
Тойҳиндининг хаёлида,
Лашкари қочгандайин бўлди.

Осмондан ажал етди,
Филларни гуркиратди.
Амин вазир ғайрат қип,
От қўй, от қўй, дейишиб,
Гўрўгли лашкарига,
Филларни чопиб¹ кетди.

Симин вазир ғайрат қип,
От қўйгин, Аминжон, деб,
Аминнинг ёнбошига
Бул Симин чопиб етди.

Катта гурзи гаронман,
Аминнинг билагига.,
Лабин тишлаб, куч тугиб,
Бир солиб, қистаб ўтди.

Амин анча бориди,
Бежой катта полвонди.
Узи бежой зўриди.

Ҳиндистондай эл бўлди,
Сўйлагани тил бўлди.
Амин ҳинди аттанг деб,
Қўлгинаси шол бўлди.

Қўлидаги анжоми
Шалдираб тушиб қолди.
Билагини сизгандан қай,

¹ Чоптириб.

Беҳуш бўлиб филидан,
Ҳамма ер қоп-қора бўп,
Эсанкираб йиқилди.

Тойҳинди кўрди-да,
Оғзидан кўпик кетиб,
Бў Симинга гайрат қип,
Қилич ҳавола қилди.

Гўрўглибек шу ҳолда
Ғиркўк отни ўйнатиб,
Яшиндай қип жайнатиб,
Тўхта-тўхта ҳинди, деб,
Чопар эди Симинни,
Ўз кўзиман кўрди-да,
Подшоҳ олдига ўтди.

Жон дегани кўп ширин,
Ҳинди ўзин тўхтатди.
Ҳамма ерни дуд тутди,
Осмонга чиқиб кетди.
Гўрўглининг лашкари,
Бир кам ўттиз камардан,
Лўп-лўнда бўп от қўйиб,
Ҳиндига оралаб¹ кетди.

Қиёматдаин бўлди,
Исрофил сур тортгандай,
Айқиш-уйқаш бўлишиб,
Ҳиндиларман туркманлар,
Яшин оққандай бўлиб,
Емон урушлар бўлди.

От қўй, от қўй, дейишди,
Милтиқлар зарқиллашди.
Гурзилар бошга тегиб,
Булутдай гуркирашди.

Тоза қизиб кетибди,
Танимайин бир-бирин,
Найзани узатибди.

¹ Қўлёзмада «Ҳиндигоралаб».

Бежойин кўпди одам,
Тўп-тўп бўп, тўда бўп,
Ушла, ушла, дейишиб,
Тўбалашиб ётибди.

Фил битган гуркирашди,
Қўрқоқларнинг қони қочди.
Улик битган чалкашди,
Оёғи дингиллашди.
Жони чиққан ўликлар,
Улгани узалишди.
Туркманларман ҳиндилар,
Бир-бирига тегилди.
Уз-ўзини айрил деб,
Гана-гана етилди.

Довруқ олиб ҳаммаси,
Рўбарў ўмганлашди.
Қирилик ўйранишди.
Қўямоқ қўлтиқ бўлиб,
Найзани йигиб қўйиб,
Қирчиллашиб чопишди.
Ажал осмондан келиб,
Одамзотга ёпишди.

Тепинишди отлари,
Одамнинг кўмагида,
Уқиб билиб хатларни,
Энди ўрганиб қолиб,
Ҳиндиларман Гўрўғли,
Данғал туриб чопишди.

Уликлар гупдай ҳишди.
Одамнинг кўплигига,
Дами ичига тушди.
Бўридай бўп чопиниб,
От қўяди сап ўғлон,
Отам ўлмасин, дейди.
Қонғар тоғнинг бошида,
Томоша қип Гулноржон.

Лайлак ютагондай бўп,
Улик қолди чалқашиб,

Дарахт буттагандай бўп,
Сап ботирлар жон сотди,
От ичига чанг кетди.
Гўрўглибек гайрат қип,
Тўп-тўпига йўлбарсдай,
Махт бўп кетган шердай бўп,
Бедов устида қиндини
Тошдай қип тўғаб отди.
Темирхонжон, Холдоржон,
Полвонини кўзлайди.
Ҳай баалли Шодмон мерган,
От қўяди тўп-тўпга.

Саҳмон билан Холдорхон,
Тоқди¹ бир кун урушди,
Калла шолғомдай учди,
Намоздигар бўлганда,
Чўртта танглай қуврашди.

Улик тўлди Қанғар тоғнинг даштига,
Ҳайвон келар ўлганларнинг гўштига.
Гулиор пари, сатта турган сулувлар,
Қойил бўлди Гўрўглининг ишига.

Айрил карнай тортиб энди Тойҳинди,
Уликларни кўриб беҳуш бўп кетди.
Аҳмадбек ҳам «айрил» деб карнай тортди,
Тузқа қараб Гўрўглибек бошлади,
Гўрўглини кўриб энди қўшини,
«Айрилинг», деб вақтларини хушлади.
Симин вазир қўшилмай ҳеч қайсига,
Тоғнинг тумшуғида одамлариман,
Бориб бўлак ўзи бир қўш ташлади.

Улганларга раҳмат, жонини сотди,
Ҳаммаси мингани дол бедов отди.
От териға чанглар қотиб ёронлар,
Тойҳинди қўшиниман айрилиб,
Ҳам қизидан, ҳам Симиндан айрилиб,
Номоздигар кетиға қараб қайтди.
Тойҳиндининг дарди дардга улашди,

¹ Тагида.

Жингак бўлиб жуда ранглари ўчди:
Уз куйгани ўзига етмайин,
Ярим тош кетинга Тойҳинди тушди.

Гўрўглибек бир оллони ёд этди,
Турбоши Аҳмадбек туғни тикка қип,
Қонғар тоққа қараб Саҳмонжон қайтди.

Жана майда ёмғир ёғса тойрилди,
Тойҳиндиннинг юраклари мойрилди.
Бир кам ўттиз сардор ўз одамиман,
Тартиб билан бўлак-бўлак айрилди.

Қизлар томоша қип беклар ишига.
Турна-гажир қўнди ўлик гўштига.
Келаётир Гулноржоннинг қошига.
Маслаҳат чиқади эсли ўйидан,
Қорни тўяр сах¹ одамнинг уйидан.
Гўрўглибек от ўйнатиб келади,
Гулнор пари учиб турди жойидан.

Рўмолини пириллатиб бошида,
Усма қўйган бари қалам қошига.
«Ассалом алайкум жами беклар», деб,
Беш юз қиз чиқди бекларнинг қошига.
Баракалло, ўлмагин санамлар, деб,
Гўрўглибек, кулди сардор Саҳмонжон,
Рози бўлди бу қизларнинг ишига.

Етимлик боланинг кўзин ўяди,
Бефарзанднинг ўтган куни зояди.
Гулнор пари Гўрўглини ҳорманг, деб,
Бир қўлиман жilовини етаклаб,
Бир қўлиман қўлтигидан суяди.

Маржон пари ишдан вақтин хушлади,
Кўп уялиб, лабларини тишлади.
Нимкаласоз салом бериб ой Маржон,
Шодмонжоннинг отгинасин ушлади.

Чиқиб эди баланд чўққи бошига,
Кўнгли тўлган бу бекларнинг ишига.

¹ Сахий.

Гўрўглига салом бериб бек Ҳасан,
Чопиб борди Саҳмон полвон қошига.

Кўрқмайди Саҳмон зўр, ҳеч битта зўрдан,
Рози бўлди чўртта бу Ҳасанхондан.
Хизмат қип Гулнор юрагин ҳиширди,
Гўрўглини неча тартиблар билан,
«Полвон» деб, Фирқўк отдан туширди.

Гўрўглининг жуда кўнглин хушлади,
Ёнбошига ёстиқ қўйиб ой Гулнор,
Қават-қават кўрпалардан ташлади.
Чопонининг енгидан муқомман ушлаб,
Шундай ечиб, паст-паст шохга ташлади.

Ёмонлардан айтмай, сирни яширди.
Хизмат қилиб жами турган қўшинни.
Баракалло, энди отдан туширди.

Ана энди, ҳамма беклар Гулноржондан кўнгли тўлди.
Чангларини ювишиб, қонларини ювишиб, отларнинг сову-
ғи тушиб, терларини қашлашиб, ҳаммаси Гулнор паридан
бежой рози бўлди. Жудагина кўнгли тўлди. Шуйтиб туриб
вди, минг филда, овқат, арпа, беш минг отда неча турли ов-
қатдан Симиндан тортиқ етди. Ана Марижон пари тортиқ
олиб келган отасининг маҳрамбаччаси билан Гўрўглибек-
нинг олдига бориб, қўлини кўкрагига олиб, талтайиб, калла-
сини ҳам қилиб, Гўрўглибекка қараб, бир сўз айтаверди:

Ассалом алайкум Чамбил подшоҳи,
Сизга кўмак келди Ҳиндистон элдан.
Жонимни бекларга қилайин қурбон,
Сизга тортиқ етди Симин отамдан.
Тақсиро бўлгайсиз отамдан хурсанд!
Ҳиндиларман кеча-кундуз қасд бўлган.
Хон отамнинг баланд тоғи паст бўлган.
Сизга ихлос қилиб тортиқ берибди,
Сизи билан отам чўртта дўст бўлган.

Юрагидан сиз кетқаринг мотамни,
Худойим элатдан кўтарсин ғамни!
Шунча тортиқ инъом, эҳсон келибди,
Айтиб келайинми бориб отамни?

Юртдан юрт кетса, меҳнат,
Юртга эл қўшилса, давлат.
Бориб обод қилсам хонадоимни,
Ҳеч нарсадан парво қилманг подшоҳим,
Айтиб келайинми отажонимни?

То ўлгунча сизга хизмат қилайик,
Каллангизни этакларга солайик.
Подшоҳим маслаҳат нима бўлади,
Отамизни бориб айтиб келайин?!

Ҳиндистондан бўлди сизларга ҳамдам,
Сизман юрган одамда йўқди ҳеч ғам.
Отажонгинамни айтиб келайин,
Сизга дўстдир, отам кўп яхши одам.

Дўстлик гап чиқади отам тилидан.
Ҳеч иш келмас кам гайратнинг қўлидан.
Ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик келади,
Кўп иш келар Симин отам қўлидан.

Шунда:

— Охир сени бир элга ҳоким қиламан,— деди Гўрўр-
либек.— Эл қуримаса, эр қуримайди. От йўқ бўлмаса тул-
пор қуримайди. Кўп хизматлар қилдинг. Энди сендан рози
бўлдик. Энди сен бор, чўричоғим. Сен ўз фароғатингни де!
Гулноржонга дастурхон ёзиб, ҳамма қизларга баковул бўл-
гни! Мен одам юбориб, отангни айтиб келтирайин,— деди.
Маржон пари келиб қизларга:

— Баковулик амал тегди, [— деди]. Ана энди Гўрўр-
либек Темирхон, Аҳмад сардор тоғасига, Саҳмон полвоц,
Холдорга бир сўз айтаверди:

Ҳамманг сатта шерсан, ёлдор бўрисан,
Ҳар биттангиз шу йириннинг зўрисан. •
Яхши инъом, яхши анжом келганди,
Симин дўстгинама қайсинг борасан?

Уруш куни от ёлини ўрасан,
Сатта беклар азаматлар, қайсарлар,
Дўстгинама қайсинг бориб келасан?

Бир кун майдон кириб, чарчаб қолибсан...
Сатта шерлар, сап ёлдор бўриларим,
Қайсигинанг бормоқлиққа толибсан?

Мажлис куни ҳаммагинанг балосан,
Ев бўлса душмандан шуйхо қиласам,
Сап қоплон сифатли, шер юраклигим,
Қўрқмай, пусмай қайсинг бориб келасан?

Кўзлари жавҳардир, юзида нурлар,
Урта яшар, катта мўйсафид пирлар
Шу хизматим, билсанг катта хизматдир,
Қўшин боши сатта турган сардорлар,
Кўнгил бутланг, қайсинг бориб келасан?

Кимга давлат берса кўп эл қарайди,
Подшо одил бўлса арзни сўрайди.
Маслаҳат бер, барзи сифатли Саҳмон,
Симин дўстим не кунларга ярайди?

Хўн эшитдим баали айтган тилини,
Ким суйканса яхши қилинг ҳолини!
Ошнолиғи энди бизга рост бўлса,
Оп берайик Ҳиндистондай эмини.
Бу хизматга қайсинг бориб келасан?

Яхши экан Гулнорнинг чорбоғи,
Сарғаймасин ҳеч бировнинг еиёғи.
Улаганига уюлмасин қовоғи!
Яхши кунга Симин дўстим ярайди,
Маслаҳат бер, бизга туркманнинг беги!

Борадигангинанг баринг чоқ бўнглаар,
Хафа бўлмай дарров баринг тахт бўнглаар!
Қайсинг Симинжонга бориб келасан,
Борадиганинг дарров чоқ бўнглаар!

Ана энди Ҳасан жойидан туриб, Гўрўглибекка «қул
деб, отасига қараб бир сўз айтаверди:

Қонғар тоғнинг чўли бўпти қирмиз қон,
Остимизда отлар ўйнар юз алвон.
Тагин-а қиблагоҳ, малол келмаса,
Бу хизматинг биздан бўлсин, отажон!

Тополарман ўзим дардга давомни,
Кўнглимда қиларман бир кун ҳавомни.

Бу хизматниг, ота, бизга лойиқдир,
Бориб оп келайин Симин бобомни.

Бориб туриб, мен парвона бўлайин,
Бу бошнимни унғурига солайин.
Отажон, тагин-а малол келмаса,
Симин дўстингизни олиб келайин.

Кокилимни мушки бериб ўраман,
Қўшин билан ҳамиша билла тураман.
Бу хизматлар биздан бўлсин, отажон,
Симин дўстингизга ўзим бораман.

Бориб туриб, бир кун, ик¹ кун тураман.
Бу хизматни яхши қилиб, отажон,
Аввал бориб дўстингизни кўраман.
Эса ўзим, кеч ҳам бўлса майлига,
Дарров, ота, одам қўшинг, бораман!

Ана энди борма деса, Ҳасанхоннинг кўнгли қолади, бор
деса ишонмайди. Таваккал қилиб, бир сўз айтаверди Гўр-
ўглибек:

Ҳасанжоним келгин бунда,
Дам ғанимат кўришайик!
Искалашиб кел фарзандим,
Сенинг билан суюшайик!

Даври-даврон сураб бўлдинг,
Яхши кунга ярар бўлдинг,
Кел чирогим кўришайик,
Қолиб хизматга борар бўлдинг!

Мана тоғдан ўтар бўлдинг,
Кўнгилга тасалли қилдинг.
Бу хизматим қатта хизмат,
Ҳиндиларга борар бўлдинг.
Ул Симинининг ватанида,
Бир, ик, уч кун турар бўлдинг.
Кел чирогим кўришайик,
Дам ғанимат сўрашайик.

¹ Икки.

Хон Ҳасанхон ўзи ўн беш ёшида,
Рози бўнглар нима қилса ишига!
Катта хизмат, димоғлари чоғ бўлсин,
Жига санчинг, фарзандиминг бошига!

Нима деса айтганини қилингла,
Подшоҳим деб, айтган амрин қилингла!
Юр деса юрингла, ёт деса ётинг,
Туш деса тушингла, мин деса мининг!
От қўй деса душман устига дўнинг,
Нима деса айтган амрига кўнинг!

Эгарлаб тўғри ҳайвонни,
Сайил қип боғи жаҳонни,
Жига санчиб, амалдор қип,
Шайладилар Ҳасанхонни.
Кетар бўп Ҳиндистон юртга,
Дунё қўймагай ҳасратга;
Ҳасанхонни катта қилиб,
Миндирдилар илдам отга.

Келганча булар итизор.
Саҳмон полвон жиловдор,
Борамиз деб сап сардорлар,
Минди тўқмоқ ёлли отни.
Ҳасанхоннинг юзларини,
Кўрган қизлар болқиб кетди.

Балли айтган сўзларига;
Олмадайин юзларига,
Қарашиб балли айтади,
Сатта турган гўнон қизлар.
Жони банда, нечови бўлиб шарманда,
Ҳасанхоннинг кўзларига.

Холдор маҳрам минди отни,
Тогларин босиб савлати.
Соқибулбул, Шодмон мерган,
Ияришиб ўттизчаси.
Ҳасанхонман билла кетди.

Қулоқ солмайин тилига,
Қарайди тоғнинг гулига.

Яхши ҳангомалар қилиб,
Элчиликка хон Ҳасанжон,
Кетди Симнининг элига.

Синмасин марднинг қаноти,
Қўш кокилин силдиратди.
Саҳмон жиловдор бўп тоғда,
Бораётир катта зовда.
Элчиликка жўнайверди,
Гоҳо нишаб, гоҳи тоғда.
Ҳой балли, беклар жон сотди.
Тоғдан пастроққа тушди.
Айни саҳар бўлганида,
Қонгарнинг белидан ошди.

Бедовни югуртар қамчи,
Баланд тоғда борди гончи.
Еш ҳам бўлса хон Ҳасанжон,
Бўлди Ҳиндистонга элчи.

Булбуллар бўлади баҳор,
Подшолар қилмасин қаҳар.
Боряпти Ҳасан элчи,
Кун бўп қолди кеч саҳар.

Кокими тирқираб кетди,
Саҳардан кейин тонг отди.
Тонг уйқуси Ҳасанжонини,
Бадангинасин балқитди.

Тоғларда бўлган уяди(р),
Миришкор добил туяди.
Саҳмон полвон Ҳасанжонини,
Шундай қўлтиқдан суяди.

Ҳасан юриб жилиб кетди,
Ёзда чашма қуриб кетди.
Уйқу бежойин зўр экан,
Хон Ҳасанжон эриб кетди.

Тоғи тушсин кўп ўр экан,
Холдор Саҳмондан зўр экан.
Яқин эмас, олис экан;

Бу Симининг ётган жойи,
Узи бир анча бор экан.

Боққа кирган олма отди,
Ҳасанхонни олдига соп,
Симинга одам жўнатди.

Темирхон Симинга кетди.
Кун ёйила-кун ёйила,
Симинга яқинлаб етди.

Ҳиндилар тунгилиб қолди,
Узини ўнгилиб қолди.
Ҳинди битган ҳайрон қолди;
Бариси чоппа-чоқ бўлди.

Бу нимага келади, деб,
Кўзи бақрайиб қолди.
Айирмайини ик кўзини,
Манглайин теги-текис бўлди.
Қора тайроқдай ҳиндилар,
Ҳуркишиб бари турганда,
Темирхон отини елиб,
Бизлар дўст, деб бориб қолди.

ҳуркак ҳиндиларга қараб, бир сўз
зирга:

Туркманнинг булбули келди,
Элчи бўлиб туркман юртдан,
Подшомизнинг ули келди.

Отларни тунида жилди,
Кўп қўшин маслаҳат қилди.
Қўрқманг, пусманг бизлар, дўстмиз,
Гўрўғлидан элчи келди.

Олис, подшомизнинг эли,
Сўйлар Темирхоннинг тили.
Элчи бўлиб келаётир,
Гўрўғли подшонинг ули.

Юракда йўқди армони.
Анов Ваянган сиртломи.

Анов ўзбек элидан келган,
Ўзбек элиниг Холдоржони.

Ўзи муйтан, эли барлос,
Хов анови Шодмонжони.
Бўз от миниб келаётган;
Оти Аҳмад туркман хони.
Элчи бўлиб келаётган
Гўрўғлининг Ҳасанжони.

Ҳар иш бўлса энди бўлди,
Маржон пари хизмат қилди.
Қани Симиндай зўравор,
Подшомиздан элчи келди.

Симин ҳинди, энди ошналикқа кўнди. Ана ~~Симин~~
ҳиндиларга қараб, бир сўз айтаверди:

Дарров жойингивдан турниг!
Дўстимдан меҳмон келибди,
Чопқиллашиб дарров борниг!

Жиловни бўйинга солиниг!
Иززат қилиб Ҳасанжонни,
Гавҳар тоққа олиб келиниг!
Хизматиши яхши қилиниг!
Яхши тўшаклардан солиниг
Кўрқманг, пусманг, дадил бўлиниг!
Дўстимдан меҳмон келибди,
Борасоп олдида бўлиниг!

Салом бериб вақтни хушланг,
Кулиб туриб, лаблар тишланг!
Одоб билан чопиб бориб,
Аввал Ҳасанхоннинг отин,
Ундан кейин ҳаммасининг,
От-отини жуда ушланг!
Қўлтигидан суяб келиниг!

Ҳамма ҳиндилар туриб кетди,
Нима гап бўлди, дейишиб.
Пиёлата май қуйишиб,
Хушвақтчилик ҳангома деб,
Симин вазир карнай тортди.

Меҳмонни карнайдан билди,
Ҳинди димоги чоғ бўлди.
Симин вазир ўйнаб-кулиб,
Гўрўглига ошналикка
Бир меҳри тоза юз бўлди.

Ҳасанхонни, Саҳмонжонни,
Холдоржонни, Шодмон мерған,
Аҳмаджонни, келган полвонни,
Неча таъриф, тавсиф билан,
Симин вазир олиб келди.

Яхши тош сечиб бошидан,
Бирор фасл айрилмайди,
Ҳасан ўғлоннинг қошидан.

Ҳинди каттасини йигди.
Ҳаммасига тўшак солиб,
Ҳасанхонга ним тахт қўйди.
Дастурхонлар ёзиб Симин,
Овқатларни чош қип қўйди.

Чин кўнгилман хизмат қилди,
Кўп яхши бўлди хизмати.
Соқибулбул ҳам Саҳмонга,
Бул Симиннинг кўнгли ёқди.

¹Ана види ҳеч бобдан Симиндан камлик топмади. «Баракалло, Симин вазир, ҳақиқат ошна экансан», деди. Ана види оқшом бўлди. Симин, «соқ» деб, косаларнинг гардишига келтириб ҳамма кекни кўкайдан кеткариб, меҳмонларга қараб, Тойҳиндиннинг вазир — Симин вазир, бир сўз айтаверди:

Ҳиндистон дер униб ўсган маконим,
Улган сўгин ёниб кул бўлар таним.
Ҳиндистонни қилдирайин томоша,
Ҳиндистон бир обод элдир, меҳмоним.

Сизлар кепсиз неча тоғлардан оша,
Чарчаб, ҳориб ҳисоблардан адаша.
Ҳиндистон эл томошали шаҳардир,
Қилинг, меҳмон, Ҳиндистонни томоша!

Қишининг куни кўкламдайди Хиндистон,
Саратовда дўзахдан ҳам кўп ёмон.
Хиндистон эл доим ёзди, меҳмонлар,
Обод шаҳар томоша қинг, меҳмонжон!

Ёзининг куни уйдан-уй қип ётади,
Деворлар чўгдайин қизиб кетади.
Хиндистон бир томошали обод эл,
Хўп ажойиб, хўп гаройиб ишларни
Келган меҳмон томоша қип кетади.
Хиндистонда томоша кўп, меҳмонжон.

Хиндининг ичгани асил чой бўлар,
Еганлари тоза овқат, мой бўлар.
Оч эмасдир ҳамма ҳинди бой бўлар.
Хиндистон эл бежой обод жой бўлар,
Беш-олти кун томоша қинг, меҳмонлар!

Қулоқ сонглар, меҳмонларим, тилима,
Хиндистон шаҳари томошали жой,
Оралатай азиз меҳмон, элима.
Хиндистон эл обод шаҳар, меҳмонлар.

Бу Симинни Тойҳиндидан кам деманг,
Узи қўрқоқ, юрак багри қон деманг!
Юраверинг шаҳарима, меҳмоним,
Тойҳинди душман, деб асло ғам еманг!

Ботирлар тарафнинг кўзин ўяди,
Хумса билан ўтган умр зояди(р).
Меҳмон келса эр кишининг уйига,
Меҳмонга қандай одам тияди.¹
Хиндистонни, юрт ораланг, меҳмонлар!

Соқибулбул кўп сўзга уста эди. «Энди ёвгарчилик қандай бўлади, қандай қўяди», деб, одамларнинг кўнгли хаста эди. Бек Соқи ҳангомада сўз айтмакка ёмон уста эди. Ана созини белдан олиб, Соқибулбул неча мақомлар чалиб, ҳиндиларнинг ҳаммаси «меҳмонлар, қизиқ меҳмонлар экан», деб, хўп томоша қилибди. Ана Соқибулбул ҳам пичагина фириб сўз, озроққина ҳийла сўз, кичкинтойгина бузоқи сўз, оз-мозгина иғвогарлик сўз, ҳар боб сўзлан

¹ Тетади.

Симнига айтаверди. Аҳмадбек бу ишни билди. Ҳасанхон
жилмайибгина кулди. Ҳасанхоннинг жилмайиб кулгани
қиндиларнинг ақлини олди. «Ўзбеклик қилма, бу ер
ажалхонадир», деб Саҳмон полвон Аҳмадбекка Ҳасан-
хоннинг гапини ман қилди. Темир полвон Соқибекка ай-
тинг, деди:

Тойҳиндиннинг зўр вазирн,
Соқибек сўзга чеварди.
Бизлар подшонинг одами,
Бизларни сизга юборди.

Яхши хизматлардан қилдик.
Маржон пари кўп мақтади,
Гўрўглихон боринг, деди.
Подшонинг амриман келдик.

Ҳар нарсани орту¹ қилди,
Подшомизнинг гапи битта;
Маржондан сизни эштиб,
Бизни сизга Гўрўглибек,
Боринглар деб, тортув қилди.

Подшонинг амриман келдик,
Сизга хизматкорлар бўлдик.
То ўлгулча сизнинг билан,
Ошнолик қилгани келдик.
Гўрўглибек боринг, деди,
Бизлар тўй қилгани келдик.

Ҳиндистоннинг шаҳарида,
Хотин олиб, салтанат қип.
Бизлар жой қилгани келдик.
Ҳангома қип сизнинг билан,
Бизлар уй қилгани келдик.

Душман борди кўп қўрқамиз,
Тойҳиндидан кўп ҳурқамиз.
Бизлар бир озроқ элди
Подшонгиздан хўп қўрқамиз.

Бизлар бир озроқ элди,
Ўзимиз созроқ элди.

¹ Ортиқ.

Сабаб билан Ҳиндистонга,
Талтайиб Гулнор деб келдик.
Сизни бизлар зиёфатга,
Олиб кетгани келдик.

Жавоб берсангиз қайтамыз,
Бориб подшога айтамыз.
Тойҳинди лашкар қип борса,
Гала қизлар. Гулноржонни,
Ундан сўнг, бизлар қайтамыз!
Ўзгинамиз озгина эл,
Тойҳиндидан кўп қўрқамиз.

Ҳангомада борди сўзлар,
Филни мишиб тоғни кўзлар,
Тойҳинди лашкари чиқса,
Бади қилиб гўшти тузлар..
Маслаҳат беринг, Симинжон,
Бизлар ўласак гўрга эди,
Урталикда қолган қизлар!

Гўрўғли қўйган чиндобил,
Кечаси қўйган қорьул.
Ой Маржонни яхши кўриб,
Гўрўғлибек ўз кўзиман,
Гулноржонга беш юз қизга,
Маржон пари қизингизни,
Ўз гапиман, ўз кўзиман,
Ой Маржонни подшойимиз,
Қилди қизларга баковул.
Маржон катта оқсоқолдир.
Қизларни хиёматкор қилиб,
Кечаси уради добил.
Тойҳинди бежой зўр экан,
Баланд ёғи кўп ўр экан.
Бизлар оз элмиз, қўрқамиз.
Биз олиб кетгани келдик,
Зиёфат этгани келдик.

Томоша сўгин қилармиз,
Хўп иттифоқ бўлсак бизлар

¹ Қандай этамиз.

Ҳиндистон эли олармиз.
Тойҳиндининг давлатига,
Сизни биз подшо қилармиз.
Мол ўртоқди, жон ўртоқди,
Подшо қилиб ўзингизни,
Андан қай хизмат қилармиз.

Юринг подшомиз олдига,
Тойҳиндини гап қилармиз!
Ундан кейин наф қилармиз.
Бизлар билан юринг подшом,
Бамаслаҳат ўрталикда,
Дуппа-дуруст гап қилармиз!
Бизлар Гўрўглининг қули,
Ҳасанжон подшонинг ули;
Узоқдир Чамбилнинг бели.
Юринг тонг отмай кетамиз,
Подшо олдига етамиз!
Тойҳиндидан кўп қўрқамиз,
Ҳаммамиз бежой ҳурқамиз.

Тонг отмай етиб борамиз,
Шоҳ Гўрўглини кўрамиз.
Маслаҳат қип сўгин бизлар,
Иттифоқ бўлиб кўрамиз.

Ширин жонни сотинг, деган,
Отга қамчи чотинг, деган.
Хаялламай дарров бориб,
Отдан тушмай, қайтинг, деган.

Ана энди, кам эсга давлат берами? Эслиликдан подшоинг вазиригини уdda қилиб юриб эди. Ана Симин вазиригини Соқибекка қараб, айтган сўзига қаранг:

Шоир меҳмон алдаб айтдинг,
Созингни ўхшатиб чертдинг.
Кўтармалаб ўзгинамни,
Қўрқаман, деб ёлгон айтдинг.

Қабул қилмай сўзларимни,
Юборувдим қизларимни.
Тойҳиндидан ҳеч қўрқмайсан,
Алдаб айтдинг ўзларимни.

Кеча мен қилдим томоша,
Булутдай қип сурдингизлар;
Жуда туриш бердингизлар.
Баттоллик бежой кўп экан.
Фил битганни ёрдингизлар.
Ҳиндини пиёда қилиб,
Йўлбарсдай бўп қирдингизлар.

Қўрқаман деб алдаб айтдинг,
Симин ҳам душман бизга деб,
Нишонага бойлаб айтдинг.
Оралаб қириб ҳиндини
Кеча тўс-тўс қилиб кетдинг.
Жўрттага меҳмонгинам,
Нега чатоқлик гап айтдинг?
Ҳар қайсинг Рустамдай бўлиб,
Бўри қўйни қувгандайини,
Тойҳиндиннинг захрасини,
Чўртта кеча ёриб кетдинг.
Азиз меҳмонгинам нега,
Иғво сўздан айтдинг?

Уз кўзимман кеча кўрдим,
Калласини дўлдай қилиб,
Ўлдиргани қароринг йўқ,
Қўлдан ушлаб ўлигини,
Филдан ҳар тарафга отдинг.
Кеча кўрдим кўзим билан,
Қўрқаман деб ҳазил айтдинг.

Рустамдан зиёдди баринг,
Сиз катта одам ҳазиллашдинг,
Мен сизларнинг хизматкоринг.
Тикласанг одам ўлади,
Йўлбарс экансан баринг.
Сизлар подшо мен хизматкор,
Узим сенинг хизматкоринг.

Ана энди Тойҳинди подшо ота-бобосидан қолган кўҳна филни олиб, миниб бир хурушга кирди ўзи. «Тағи Симиннинг қонини тўкмасам, сигир эна урсин; бизнинг билан ака-ини бўлинқираб юрган тана урсин: ихлос қиладиган олов урсин; ҳазонда пишган палов урсин! Аввал

Симиннинг қонин тўқаман», деди, қасамёд этди. Тонг отгандан кейин Тойҳиндининг ишини кўринг энди.

Ана энди Тойҳинди кечаси билан урушга бет бериб, каманнинг гиришини бураб, қилични қумга солиб ётаверсин. Ана энди гапни Симиндан эшитмак даркор.

Симин меҳмонлар билан кўп ҳангомалашиб, ҳаммасига, ўзига монанд чопонлардан ёпиб, гавҳар-жавҳар тошлардан берди. Меҳмонлар кўп хушвақт бўлди. Ана энди Симин Гўрўглига борамаи деб ихтиёр қилди. Айтди: «Ўз жойингда турмасанг, подшодан одам келса, уят бўлса... уят деган одам бир ишни қилами?» деди. Симин вазир бир сўзни айтаверди:

Эшитинг Симин додини,
Уқинг дўстимнинг хатини!
Тонг отмай бориб келайин,
Миндиринг меҳмон отини!

Кўрмайсизми савлатини?
Аввал оп келиб миндиринг,
Ҳасанжонимнинг отини!

Ҳинди битган чопиб кетди.
Отанинг фарзанд қаноти,
Неча салтанатлар билан,
Симиннинг хизматкорлари,
Отларга югуриб етди.
Ҳасанхонга оп кеп маҳрам,
Азизгина меҳмоним, деб,
Манакай, деб отни тутди.

Билмаганини билдирди,
Хушвақт қилдириб кулдирди.
От-отига меҳмонларини,
Чиройли қилиб миндирди.

Ҳинди битган таъзим қилди,
Саҳмон димоғи чоғ бўлди.
Рози бўп Симин вазирдан,
Бекларнинг қорни тўқ бўлди.
Симин вазир бормоқликка,
Юзча катта ҳинди олиб,
Отни минншиб чоғ бўлди.

Фили қолди отлиқ бўлди.
Юринглаар меҳмонлар, деди,
Ҳаммаси анча чоғ бўлди.

Симин қамчисин тишлади.
Ҳиндиларнинг кўнгли тиниб,
Евдан димоғи чоғ бўлди.
Симин вазир юринг, деди.
Гўрўглига боринг, деди,
Ярим кечадан ўтганда,
Тез-тез бориб келайлик, деб,
Симин вазир чоғ бўлди.

Хушвақт бўп Саҳмон жўнад
Уялиб Соғи жўнади.
Холдор билан Шодмон мерг
Душманларини кўзга илмай,
Ули билганидан қолмай,
Аҳмадбек йўлбарс жўнади.
Катта сардор лашкар боши,
Сардорлар бари жўнади.
Симиннинг кўпди хотири,
Элчилик ишини битириб,
Жўнади туркман ботири.
Ҳасанхонни подшомиэ, деб,
Бўлди ҳиндилар шотири.

Силдираб Ҳасаннинг кокили,
Кўпди Холдорнинг ақили,
Елкада панжа доқили,
Келаяпти қора тунда,
Ҳиндистон элининг оқили.
От чопганда ҳилпирайди,
Ҳасанхоннинг ик кокили.
Сап элчи беклар жўнади,
Гала сардорлар жўнади.

Кийимлари тозодалар,
Катта бирдай озодалар,
Элчиликка келиб эди,
Сатта бирдай хонзодалар.

Ажал майин ичиб келган,
Кафан тўнин бичиб келган,

Уламан деб хафа бўлмай,
Оғзидан дур сочиб келган.
Баракалло наъра шерлар
Ширин жондан кечиб келган.

Емон бўлса қочамиз, деб,
Кўкрагидан санчамиз, деб,
Саҳмон полвон, Холдор маҳрам,
Туркман-ўзбекнинг ўткири,
Сатта ёлдор бўри келган.

Белига бўғилган алвон,
Белида кескир исфихон,
Хар кўзи чўғдайин жайнаб,
Остида тулпорлар ўйнаб,
Келаётир Қонғар тоғда,
Сатта зўрлар, жами полвон.

Юрган жойи нишаб, ўрлар,
Юрагида йўқди черлар;
От қўйса душманни хўрлар.
От чопишиб чапараста,
Қистаб ҳайдар сатта зўрлар.

Симин вазир гайрат этди,
От чопиб ҳиндиси билан.
Аралашиб полвонларман,
Доно Симинжон йўл тортди.

Ҳасанжон ойдаини яшнаб,
Кокилин елкага ташлаб,
Ҳангома қип Ҳасан сардор,
Бекларнинг вақтини хушлаб,
Қиз булоққа яқин етди,
Урдан, тогдан қистаб ўтди,
Гўрўғлининг қўшинига,
Отларнинг дубири етди.
Қоровулга чиндобилга,
Бекларнинг говири етди.

Хушвақт бўлиб бек Темирхон,
Гўрўғли олдиға кетди.

Азиз меҳмон келади, деб,
Пешвоз чиқинг, деб Темирхон,
Кўринган бекларга айтди.
Машъал ёқишиб катталар,
Симиннинг олдига кетди.

От чопиб тоғнинг тошига,
Ҳамма беклар гайрат қилиб,
Неча яхши сўзлар билан,
Салом бериб борди Симиннинг қошига.

Кўп бўлди беклар иззати;
Қўлтигидан суяб олиб,
Симинжонни олиб қайтди;
Гўрўглига яқин етди.

Салом бериб Гулнор пари,
Симин вазирнинг олдига,
Аралашиб хушвақт бўлиб,
Ўтириш хонага етди.

Гўрўгли қўлин тишлади,
Гулнор пари тилла сочиб,
Симиннинг вақтин хушлади.
Сулб олиб қўлтигидан,
Қимматбаҳо кийимлардан,
Симинга либос ташлади.

Бежой зиёфатлар қилиб,
Хушвақт бўлиб Гўрўглибек,
Хуш кўрдик меҳмоним, деди;
Бежой вақтин хушлади.

Ана энди Томоша тоғ чўртта ёп-ёруғ бўлиб кетди.
Куннинг ўзи саҳарга етди. Гулнор пари ўрталиқда даиғал
туриб хизмат қилди. Маржон пари ҳаммасига хизмат
буюриб турди. Симиннинг вақти хуш бўлди. Утиришнинг
бир белгиси майхўрлик. Ҳасанхон енгин туйиб, ўртага
кириб, косани тўлдириб, «аллаёр жўш-жўш» деб, қамма
бекларнинг вақтини хушлади. Гўрўглибекка қараб, жавоб
сўраб, бир сўз айтаверди Симин вазир:

Эртан билан душман филни жилмаса,
Тойҳинди бошимга бало бўлмаса,

Тонг отмайин қўшинима борайин,
Ушгу сўлдан бўлиб турай хабардор.
Тинч бўлсак ҳангома сўгин, журажон.

Тойҳинди келади менинг қасдима,
От чопаман уйдан қирга, пастима,
Эртан билан қон тўкишиб урушар,
Тойҳинди қуюлар менинг устима.
Тонг отмасин, жура тевроқ кетаман.
Ошнолигим маълум қилай деб келдим,
Хўп танишиб, сўрашиб, сизингман,
Келмади деб кек қилмасин меидан, деб,
Бориб туриб, салом берай деб келдим.

Ана энди Гўрўғлибек сипоҳгарликнинг илмини билди.
Симиннинг сўзи тўғри сўз, ҳеч эгрилик йўқ. Ошнолик-

нинг бир белгиси тўн ёпишмоқ. Гўрўглибек ҳаммасини сарпойга ўраб ташлади. Ана Симиннинг кўнгли тўлди. Ҳамма сардорлар, беклар «ошнолиқ тўн қутли бўлсин!» деди. Симин «қуллуқ» деди. Жойдан туриб, Гўрўглибекка, ҳамма бекларга таъзим қилди. Ана Гўрўглибек бир сўз айтди:

Кўнглимда қиларман мен ҳавасимни.
Тойҳинди ҳаммамизга қасдиди?
Соқибулбул, Холдор маҳрам, Шодмонжон,
Ияртиб боринглар Симин дўстимни,

Симин жўра, ўзинг жойингга боргин,
Тонг отмайин лашкар ичида тургин!
Бир насиҳат шулдир сенга, жон дўстим,
Уруш бўлса отнинг ёлини ўргин!

От ёли ўрилганга тижсоманг,¹
Зинҳор ишингизга эҳтиёт бўлинг!
Симинни узатиб тоғдан тушириб,
«Хуш келдинг», деб ҳаммангиз қайтиб келинг!

Симинжон зинҳор майдон ичида,
От ёлига қараб, найза-тиғ солинг!
Бизнинг қўшинларнинг барин оти бор,
Зинҳор фил минганга эҳтиёт бўлинг!

Дўстимни нар ёққа узатиб келинг,
Яхши сўзман юракларин ҳиширинг!
Тойҳиндини кўп дамидан туширинг!
Симинжондир Ҳиндистоннинг ағаси,
Бу катта подшони тоғдан туширинг!

Кўрмайсанми давлати бор сахтини,
Худо очган бу Симиннинг бахтини.
Тойҳиндини эртан ўлжа қип олсак,
Симинга берармиз тожи тахтини.

Ана энди Гўрўглибек, ҳамма сардорлар, туғдорлар «хуш келдингиз азиз меҳмон» деб, Симинни тоғдан ошириб [қўйди]. Симин ўз қўшинига кетди; тонг отмай қў-

¹ Тиғ солманг.

шинига етди. Ҳамма қиндилар Симиннинг тўнни сўраб, димоги чоғ бўлиб кетди. Ана булар тураверсин, Симини [одамларига қараб айтди]:

— Оти бор, отининг ёлини ўраверсин! Филларга ҳам отнинг ёлидан қирқиб, филнинг ёнбошига ўриб қўйинг! Биз Гўрўгли билан ошно бўлдик. Шу фирибни ўргатди. Ҳар ким ўз мазқабиди, ўз миллатида юрар,— деди.

Ана шуйтиб Холдорбек Гўрўглининг олдига етди. Узлари урушиб, ёмон чарчаб эди. Шу куни меҳмон кутиб тонг отди. Булар ҳам чоғ бўлиб, Гўрўглибек [лашқари] қуртдай қайнаб, тоғдан ўтаверди. Ана энди гапни Тойҳиндидан эшитмак даркор.

Ана Тойҳинди ҳам қизининг алами, ҳам Симиннинг алами, ўзи булутдай гуркираб, отасидан қолган кўҳна зўр филга минди. Фил қургур неча урушларни кўрган, урушга ҳадискор бўлиб қолган. Тумшугидан уриб, зер билан забар қилган. Тойҳинди одамларига қараб бир сўз атяпти:

Душман бўлиб, қасд бўп кетди,
Симин мартабадан қайтди.
Аввал Симинни ўлдириб,
Тарафимман дўст бўп кетди!

Бизга тамник¹ манглайга хат тортди,
Симин хат тортмайини ўзи,
Гўрўглига тан бўп кетди.
Симинни дарров ўлдириб!

Ҳар тарафдан ўртага олинг,²
Қайгу-кулфатларга солинг!
Бул Симинни ушлаб олинг,
Ундан кейин гапга солинг!
Тикка от қўйинг қиндилар,
Ушлаб олиб шу Симинни,
Дарров ўзини ўтга солинг!
Қовоғини уйдиринглар,
Қиёматга сўйдиринглар!
Ўтга ёқиб куйдиринглар!
Ўртаб юборинг тилини,
Туйиб эланглар кулини!

¹ Тамғали.

² Қўласмада «ўртаголинг».

Қора қилинглар ҳолини!
Талтайиб, одам бўп кетди,
Элнинг ярмини айириб,
Ишимаини ўзи ётди,
Бизга ғаним бўлиб кетди.

Дарров ушлаб ўлдиринглар!
Ҳар ёқдан тўзиб келинглар,
Симинга савдо солинглар!
Одамларин ўлдирмайин,
Оп келиб тамник қилинглар!
Бул Симинни талтайтириб,
Оп келиб ўтга солинглар!

Тойҳинди филни югуртди.
Икки филни бўшатди.
Бу Симиннинг тоқ устига,
Аччиғланиб подшо кетди.

Фил битганлар гуркирашди,
Довушлари буркирашди.
Ҳинди битган тирқирашди;
Эйнинг ўқи зирқирашди.
Куни қандайча бўлади?
Тойҳинди жанжал қилади.
Шундайин Симин қараса,
Қари-қашқа филни миниб,
Подшо ғайратман келади.

Ана энди Симин қараса, Тойҳинди қашқа филни миниб, икки филни ёнбошига олиб, худди осмондан яшин тушгандай бўлиб келяпти. Шундай қараса, осмондан юлдуз тўкилгандай бўлиб Симинга ҳинди югуриб келаяпти. Симин қўрқди; қўрқса ҳам ёмон ҳуркди. Лекин зўр одам тасалли бўлар экан, ошна Гўрўғлидан кўнгли тўқ эди. Ана энди Симин бечора «дод» деб, одамларига қараб, бир сўз айтяпти:

Ажалга энди кўнинглар,
Тақдирга хўп тан беринглар,
Тарафларга гам беринглар!
От қўйинг тараф устига!
Тойҳинди от қўйиб келди,

Мендай бебахтининг устига,
Кун қиёмат ажал бўлди,
Қашқа филларини жиқди.
Тойҳинди қаҳри билан,
Икки фил олдига олди.
Қиёматдай уруш бўлди.

Гўрўғлибек билса экан,
Саҳмон полвон келса экан,
Холдор маҳрам, Шодмон мерга
Қоқ миядан урса экан.
Қўрқмагини деб, вой олдимида,
Ошноларим турса экан.
Якка ўзим нима иш қилай,
Рафиқларим бўлса экан.
Тойҳиндининг келганини,
Бир-ортаси кўрса экан.
Кечагидай оғни чанги,
Еппа от¹ кўйиб турса экан.
Бизни деганинг от кўй,
Қўрқма, қўрқма,— деди.

Ана шунда Гўрўғлибек гўччоқларга қараб,
лаб, бир сўз айтиверди:

Ҳиндистон эл чангиб қолди,
Осмоини тўзон олди.
От қўйинглар Холдор маҳрам,
Саҳмон полвон, Аҳмад сардор,
Қиёматдап ёмон бўлди!
Бу Симин ўртада қолди.
Ҳай аттанг-а ошнам ўлди.
Симин пароканда бўлди.
Бу Симиннинг қўшнингга,
Қашқа фил яқинлаб қолди.
От қўйинг Саҳмон полвоним!
Еш бўлсанг ҳам сен сардорсан,
Урушга кир, Ҳасанжоним!
Сардорларим, сап бекларим,
Чаппа от қўйгин, Холдорим!

Чувлашиб ҳинди нечаси,
Еппа-ёвлик от қўйинглар,

* Қўлэзада «жоппот».

Туркман-ўзбек беқбаччаси!
Симияжон ошнам ўлмасин,
Юракка ваҳим солмасин!
От қўйинглар тўгилишиб,
Симинга етмайин, баринг,
Тойҳиндига қориштиринг!
Тойҳинди бир зўр полвондир.
Ҳар тарафдан баринг бориб,
Тойҳиндига каманд солинг!
Лўп-лўнда қип банди қилинг,
Ҳиндистон элини олинг.
Симияжонни подшо қилинг!

Юлдуздай тўкилиб келди,
Воҳ, Симининг қўшинлари,
Қайтайин ўртада қолди;
Эсизгила ошнам ўлди.

Жондан кечган наъра шерлар,
Тойҳинди ушлаб олмайин,
Олдинга ўтсанг на бўлди?

Гўрўглибек жонни сотди,
Саҳмон полвон, хон Ҳасанхон,
Совут қалқон, анжом кийиб,
Тогдан чувлаб пастга кетди.

Саҳмон полвон, ҳай-ҳай,
Шошма қашқа фили, деб,
Баракалло Саҳмон полвон,
Тойҳинди олдиға ўтди.
Урушда зўрлик иш бермас.
Шу Саҳмонни қашқа фили,
Тумшуқман уриб йиқитди.

Тумшуқ тегиб гурпак бўлди,
Отдан йиқилди-да Саҳмон,
Кийим-кечак турпоқ бўлди.

Гўрўглибек ёнбошидан,
Холдор айрилмай қонидан,
Е пирим, деб мард Гўрўгли,

Тойҳиндига найза солди.
Фил битганнинг товушига
Исрофил сур тортгандай бўлди.
Ҳам эл, тоғ ларзага кирди.
Тойҳинди кўп зўр экан,
Шуидайни ушлаб найзани,
Гўрўғлидан тортиб олди.
Бежой катта полвон экан,
Қашқа фили қургур келиб,
Гўрўғлига тумшуқ солди.

Гиркўк бедов парқин сочди.
Во, Холдор полвон етишди.
Назаркарда жонивор Гиркўк,
Рад бериб шу қашқа филга,
Олтмиш газ осмонга учди.
Ҳай аттанг ранги сўлди,
Филнинг тумшуғи тегиб,
Хон Ҳасанхон от-потиман,
Чанг бўлиб думалаб қолди.
Саҳмон полвон кела солиб
Ҳасанни қучоқлаб олди.
Воҳ, Холдорбек, Шодмон мерган,
Бу ҳолларни кўриб туриб,
Аттанг, деб шошиб қолди.
Саҳмон полвон бир тош отди,
Қулоқ дозга тегиб кетди.
Миясини гангиратди,
Тойҳинди қургур зўр экан,
Бу Саҳмонни қувиб кетди.
Соқибулбул чўгдай жайнаб,
Мажнункўк остида ўйнаб,
Тойҳинди олдига етди.
Узун ходани қўлга оп,
Фил тумшуғи тегмас ердан,
Бурнига ёмон туртди.
Аччиғланиб бек Соқини,
Чирқиллатиб қувиб кетди.
Тойҳиндиман чилиғишди,
Сизлар уёғман бўнг, деб,
Тойҳиндни ходаман туртиб,
Соқи булбул алдаб қочди.

Ана энди Соқибулбул алдаб, ҳар вагонда буриб кетади. Филн ўмбалақашади. Тойҳинди ёнбошига тушади. Шу, пиёдалаб шоплашади. Ҳеч ким дош бермади. Беклар шу, уруш қилди, Қонғар тоғнинг пастиди, ўлик чалкашиб қолди. Қиёматдан ёмон уруш бўлди. Бу Тойҳиндига ҳеч полвон дош бермади. Узи филдан ёмон, филн ўзидан ёмон. Узун хода билан [Филнинг] тумшугига қаттиқ туртиб, Соқибулбул ҳар вагонда алдаб қочади. Шу, пешинга-ча шундай уруш бўлди. [Тойҳинди] шундай интилиб Саҳмон полвоннинг қўлидан ушлаб, силкиб, бир тортди. Кучанлик қилди. Қўлининг томири ёмон чўзилиб кетди. Филн тумшуги билан Саҳмонни ёмон отди. Саҳмон полвон ўзидан кетди. Энди Тойҳинди Саҳмоннинг қулогидан ушлаб [олди.] Соқибулбул бориб, шу ходанинг учи билан (Филнинг) бурнига қаттиқ туртди. Бурнидан тойиб кетди. Учи Тойҳиндининг кўзига гирт этиб кириб кетди. Кўз қандай нарса? Тананинг эгаси. Тойҳиндининг жон-пони чиқиб кетди. Қўлидан шоп, анжом-асбоб тушиб кетди. Соқибулбул ходани жон ҳолида тортди, кўзининг ичидаги қорачиқларини, гўшларини илиб чиқиб кетиди хода. Шу [Тойҳинди] тура солиб Соқибулбулни қувиб кетди. Бора солиб Соқибулбулни осмонга қаратиб отди.

Холдор маҳрам чопиб, чопқиллаб бориб, Саҳмонни ўнгариб, тоғига олиб чиқиб кетди. Шодмон мерган ерга туширмай Соқибулбулни кийимидан чаққон ушлаб олди. [Тойҳинди] кўзи чўнгирайиб, бир уруш қилмоқчи бўлди. Соқибек билан Саҳмон полвоннинг ёси анграб қолди. Ана энди тепалар соя ташлаган паллада, Гўрўглибек билан Саҳмон полвон уриб ўтади қилич билан, филлари йитади. Тумшугини тўлғаганда жонивор Ғирот ўттиз газ, йнгирма газ баландга кўтарилиб кетади. Шу филлари булутдай гуркираб Тойҳинди Гўрўглини қувиб кетди. Туркмандан ҳам ўлди, ҳиндидан ҳам кўп ўлди. (Тойҳинди) кўзи кўр бўлгандан кейин қизиб урушди. Босимлик қилди Тойҳиндининг лашкари. Энди булар урушаверсин, гапни Гулнор паридан эшитмак даркор.

Бог гули очилгандай бўлиб, Қонғар тоғнинг бошида Гулнор пари бу сирри ҳолларни кўриб, «дод, меҳмонлар қирғин топадиган бўлди», деб бир сўз айтаверди:

Саҳмон полвон кўринмади кўзима,
Гўрўғлига зафар бергин, худойим!
Омин денг қизлар, полвонлар ўлмасин!

Чамбил бўлиб эди, бил, қойим жойим,
Ҳиндистонда бесоҳиб бўлсин уйим!
Отам қурғур жуда зўрлик қилади,
Омин денг, қизлар, меҳмонлар ўлмасин!

Меҳмонима, қайтай, бўлди қиёмат,
Чамбил элга кетсин соғу саломат,
Омин денг, қизлар, меҳмонлар ўлмасин!

Бежойин кўп ҳиндиларман урушди,
Гўрўглининг қайтайин ақли шошди.
Улик битган бу майдонда чалкашди.
Туркманлардан кўп одам ерни қучди.
Тахт туриб Симин назир урушди,
Омин денг, қизлар, Симинжон ўлмасин!

Катта давлат эсон борса элига,
Қараб өдим полвонларнинг қўлига.
Эга бўлсин Ҳиндистоннинг элига,
Омин денг, қизлар, туркманлар ўлмасин!

Йўлиқмасин ҳиндиларнинг қаҳрига,
Йигитлар талтаяр қизнинг баҳрига.
Зўр бўп кироин Ҳиндистоннинг шаҳрига,
Томоша айланг! Тойҳиндиннинг зўрига,
Омин денг, қизлар, Шодмонжон ўлмасин!

Томоша айланг Гулноржоннинг додига,
Баракалло қизларнинг ҳимматига.
Дуо қилиб беш юз санам йиғлади,
Омин, деб фотиҳа тортди бетига.

Ана энди шу кун пора-пора бўлай деди. Тойҳиндиннинг лашкарбошиси «айрил» карнай тортди. Тойҳиндиннинг лашкари урушдан тигин йиғди. Аҳмад сардор ҳам. Ана Гўрўглининг ҳам лашкари айрилди. Тойҳинди беҳуш бўлиб ўзидан кетди.

Гўрўглининг қўшини тоққа қараб қайтди. Симин ҳам аралашиб кетди. Ана энди бир кам ўттиз сардор одами ни санади. Ҳар қайсисидан анча-анча одам йўқ. Ана энди Холдоржоннинг Саҳмонга айтаётган сўзи:

¹ Қўлағида «томошайланг».

Уруш куни ингранган әрмисан,
Чиллада маст бўлган қизил нормисан,
Қаддингдан кетайин Саҳмон полвоним,
Уликмисан, бу дунёда бормисан?

Евнинг куни ариллаган шермисан,
Химоятинг нечовларга пирмисан?
Холдор маҳрам келаётир соғиниб,
Биродарим Саҳмон полвон, бормисан?

Оқизма Саҳмонжон, кўздан ёшингни,
Қочирмагин, дадил бўлгин, ҳушингни!
Холдор хизматкоринг келди соғиниб,
Қадрдон Саҳмонжон, кўтар бошингни!

Улмайгина бир эшитай сўзингни,
Нима десанг кўтараман позингни.
Холдордай хизматкор келди соғиниб,
Дадил бўлсанг, гапир менга сўзингни!

Шикаст кўрдинг Тойҳиндидан бегумон,
Бўлгаймиз ҳаммамиз дунёда омон!
Оч кўзингни, кўтар азиз бошингни,
Ҳар сўзинг дардима дармон Саҳмонжон!

Тўкилган кўзимдан селоб ёш бўлсин,
Сендайин зўр шу лашкарга бош бўлсин!
Бор бўлсанг гапиртгин қизил тилингни,
Сен гапирсанг вақтигинам хуш бўлсин!

Ана энди жуда қаттиқ ҳолда эди. Отнинг дубирини билиб ётиб эди. «Лашкар қочдими экан», деб гумон қилиб ётиб эди. Бу Холдорнинг товушини эшитиб, эр эмасми. тураман деб эди, туролмади. Шунда бечора энди тагин ётди. Шу ерда ётиб туриб, ана Саҳмон полвон Холдорбекка қараб бир сўз айтаверди:

Отни чопиб ичим куйиб кетибди,
Улик битган кўп чалкашиб ётди.
Хафа бўлма Холдор маҳрам, ўзгинанг,
Сувсиёдан чанқаб қувватим кетибди.

Буринма, оғзима кўп чанг ўтибди,
Қулогим турпоққа тўлиб ётибди.
Ғам ема кирарман эртан майдонга.
Сувсизликдан жуда мазам кетибди.

Хафа бўлма кўзгинангдан, Холдоржон,
Кўп кучли эканди билдим Ҳиндистон.
Бир сув ичсам бойнагидай бўларман,
Ярадор деб хафа бўлма, Холдоржон!

Жонгинам айлансин, Холдор, сўзингдан,
Майдонга кирарман эртан изингдан.
Сувсизликдан бежой ташналаб қопман,
Сув ичиргин қоматингдан, ўзингдан!

Фил хароб қип Саҳмонжоннинг ҳолини.
Олиб кетсак Ҳиндистоннинг гулини.
Хафа бўлма, ичим куйиб ётибди,
Олармиз-да Ҳиндистоннинг элини.

Чанг асар қилибди менинг ўзима,
Сувсизликдан ер булдирад кўзима.
Ғапгинанг жонимга дори, Холдоржон,
Ўз қўлингдан сув бер менинг ўзима!

Кечасиман ўзим дадил бўларман,
Қайғу-кулфат Тойҳиндига соларман.
Эртан билан кириб майдон ичида,
Тойҳиндидан ўзим лотни оларман.
Сув ичирсанг яхши бўлсам, Холдоржон,
Салқин тушгандан қай одам бўларман.

Хушвақт бўп Холдоржон кўзини ёшлади
Бежойин кўп вақтларин хушлади.
Юраги ёрилиб, димоғ чоғ бўлиб,
Холдоржоннинг калласидан ушлади.

Ер булдираб, юраклари куяди,
Олис йўл бедовнинг кўзини ўяди.
Тура кел деб Холдор қулочин ёйиб,
Хушомад қип Саҳмонжонни суяди.

Тогда қўйган Тойҳиндининг қизини,
Хушвақтчилик қилсин қиши ёзини!
Холдоржондан кўнгли тўлди Саҳмоннинг,
Дадла бўп Саҳмонжон очди кўзини.

Ана энди Соқибекни ўнгариб олди. Сув олиб келиб, Саҳмонга ичирди. Саҳмон дадил бўлди; ўзига келди. Қараса, шу Саҳмон Шодмонбек Соқини ўнгариб келяпти. Саҳмоннинг ҳуши бошидан учди. Холдорга қараб Саҳмон полвон бир сўз айтаверди:

Холдоржоним, кун қиёмат бўлдим?
Очилмайин гулгинамиз сўлдим?
Ойдайн ярқиллаб Соқи кўринди,
Ҳангомачи Соқибулбул ўлдим?

Охиратга сафар қилиб кетдим?
Ё билмайман, ёлғончидав ўтдим?
Сўзчигинам, созчигинам Соқижон,
Жони чиқиб ҳузурда ётдим?

Булбулдайн тилли Соқи шоирим,
Овжи келса кўп гап айтар тонрим,
Ростин айтгин Холдор маҳрам тилингдан,
Оҳангдор наъмагар Соқи ўлдим?

Дарров бу гапни Соқибулбул эшитди. «Саҳмон хафа бўлмасин», деб Соқибулбул бир сўз айтаверди:

Бедов отлар шайланибди,
Якка миҳга бойланибди.
Отгинадан мен йиқилиб,
Пича бошим айланибди.

Соқибек чарчаб ётибди,
Мажлисда сўзин айтибди.
Пичагина бош айланиб,
Қулогим чинглаб ётибди.

Баданим ҳаммаси соғди,
Келган жойим баланд тоғди.
Отлар ёмонроқ йиқилиб,
Миям чайқалиб кетибди.

Даврон сурамиз бегумон,
Хафа бўлманг, Соқи омон!
Озроқ боши айланган,
Хафа бўлмагин, Саҳмонжон!

Олис қолди хону моним,
Ғам ема таним сиҳатди.
Хафа бўлма, Саҳмонжоним!
Соқибекнинг гапларига,
Димоглари чоғ бўп кетди.

Эсонлик кўп ганиматдир.
Икковининг гапларига,
Келаётган кўп қўшиннинг,
Димоғи чоғ бўлиб кетди.

Аста-аста, даста-даста,
Саҳмонжоннинг кўнгли хаста.
Гулнор пари қараб турса,
Айни номозшом бўлганда,
Беклар келди чапараста.

Улмасин, Гулиор, ўлмасин,
Қўшиннинг ҳушин хушламоққа
Гулиор пари бежой уста.

**Жами бекка Гулиор пари қаддин букди, салқм бериб
қизлар билан бекларнинг олдига чиқди.**

Бекларнинг вақтин хушлади,
Ҳорманг деб лабни тишлади.
Димоғи чоғ бўлиб кетиб,
Беш юз қиз шаппатдай бўлиб,
Беш юз бедовини ушлади.

Ҳамма беклар жўшиб кетди,
Жуда сийлади бекларни,
Жуда кўнгли тошиб кетди.
От-потини бойлаб қўйиб,
Ҳаммасига жой кўрсатди.

**Ана види ҳаммаси ўз жойида ўтиришиб, отларини
қашлашиб, қонларини, турпоқиналарини ювишиб, ҳам-**

масига дастурхон ёйиб, Гулнор пари овқат тортди. Қорин
тўқ бўлди. Димоғлар чоғ бўлди. Гўрўглибек «минг қар-
гага бир кесак» деб, зўр подшо билан ҳазиллашгани йўқ
эди йигит бўлгандан бери. Ана эртан урушнинг ваҳми
тушиб, бир Рустам сифатли Саҳмон полвон эди, бир
фирибгар Соқи Мирохур эди, деди. Бу иккови ярадор
эди. «Эртан куним қандай бўлсин экан», деб оқ торт-
ди. Ана энди Гулнор пари зулфини тараб, бошини
чайқаб, Гўрўглибекнинг хафа бўлганини сўраб, бир сўз
айтаверди:

Ҳиндистонда отнинг думи чўзилди,
Уруш қурсин юрак-бағр өзилди.
Шундай полвон туриб ёйбошингизда,
Нимага, валлаамат, кўнглинг бузилди?

Ҳиндилардан, тўрам, олдинг лотиниши,
Хар алвонда чопдингиз Гирогингни.
Хуши-хушвақт бўлиб обрў топганда,
Менга айтгин, юрагингда дардингни!

Сиздай мард, ҳиндидан олди ўчини,
Гулнор пари тоблаб ўрди сочини.
Бу мажлисда оқ тортдинг, шоҳ тўрам,
Менга айтинг оқ тортганинг важини!

Уруш кунн от ёлини снлайсиз,
Менга айтинг хафаликнинг маънисин,
Шоҳ тўрам, нимага ўксиб йиғлайсиз?¹

Ҳиндистон қайлиғингнинг шаҳриди,
Хизмат қилиб сизга йиғди зўрини.
Сиз хафасиз менда тоқат қолмади,
Менга айтинг, юракларнинг черини!

Сабаб нима қон ютдингиз?
Ҳиндимаи саваш этдингиз.
Менга айтинг хафаликни,
Нимага ваҳм тортдингиз?

¹ Қўлсзмада «жмлайсиз».

Ана энди Гўрўглибек «қаддингдан, ўзимнинг шаҳ-
рим узоқлик қилди. Отанг менга зўрлик қилди». деб,
Гулноржонга қараб, бир сўз айтаверди:

Бойлар пўлат қирлиқ қилди,
Қонғар тоғи ўрлик қилди.
Сўрама юракда дардни,
Отанг менга зўрлик қилди!
Подшолигин йигиб қўйиб,
Шу бугун Саҳмон полвонга,
Отанг чўртта эрлик қилди.

Эртан ҳолим қандай бўлар?
Одамимнинг кўпи ўлар;
Куним қоронғу бўп қолар.
Отанг менга зўрлик қилди.

Саҳмон полвон билан Соқи,
Икови ярадор бўлди.
Куниман отанг урушиб,
Бизларга босимлик қилди.

Эртан нима бўлар ҳолим?
Ярадор Соқибулбулим.
Бир суянчим Саҳмон полвон,
Ҳай аттанг, арслонларим,
Ҳаммаси хафа бўп қолди.

Саҳмон беҳуш бўп йиқилди,
Отанг бизга зўрлик қилди.
Рустамдайини полвон экан,
Чўртта бизга ўрлик қилди.

Ҳам Симинга, ҳам ўзимга,
Якка ўзи зўрлик қилди.

Олис қолди туркман элим.
Беҳуш бўп Соқибулбулим,
Эртан нима бўлар ҳолим?
Қайтай, куним қора бўлди.

Мен отангдан ёмон қўрқдим,
Қочай десам уяламан.
Чўртта-пўртта ўзим қўрқдим,
Менинг ишим товба бўлди,
Лашкаргинам қўрқиб қолди,
Отанг менга зўрлик қилди.

Қайтайин, мен бўлдим сарсон,
Улжа бўлар Ғиркўк ҳайвон.
Қаникай ёмон кунимда,
Қани Кўлбар, Ҳасан чопсон?
Менинг ҳолим баттар бўлди.
Ҳиндистондан кетмаклигим,
Ҳай аттанг, хатар бўлди.
Ҳиндилар қўзғалиб кетди
Иш ёмон бўп, баттар бўлди.

Элим яқинда бўлмади,
Ҳасан кўлбар, Ҳасан чопсон,
Етти яшар Самандарим,
Ҳасан якдастам бўлмади.

Саҳмон полвоннинг ҳолига,
Қараб бир назар қилмади.
Думалатиб тоғнинг тошин,
Ҳасан чопсоним бўлганда,
Қиларди Ҳиндининг ишин,

Самандарим бўлгандайди,
Кесарди Тойҳинди бошин.

Подшонинг борди чотирн
Текис Ҳиндистон адири.
Ўтди полвоннинг қадря,
Хўрлик кўрди ҳиндилардан,
Гўрўғлибекнинг ботри.
Тойҳинди кўп зўр экан,
Ўтди чопсоннинг қадри.

Тоғни чолган туман бўлди,
Ҳиндистондан кетмоқлигим,
Мен қайтайин, гумон бўлди.
Эртан ҳиндилар урушса,

Ҳам бекларга, қўшинингга,
Қайтай, охир замон бўлди.

Тойҳинди бежой зўр экаи...
Қаддингдаш, Гулнор пари,
Кушим менинг ёмон бўлди.

Ана энди Гулнор пари Гўрўглибекка қараб, ёмон кун-
га яраб, Чамбилга бормоқликини сўраб, кийим-кечагини
кийиб, рўмолини ўхшатиб ўраб:

— Ғам еманг, Чамбилга ҳа-па дегунча бориб кела-
ман,— деди. Гўрўгли:

— Кошки эди бориб келсанг,— деди. Унда Гўрўгли-
бекка қараб, Гулнор пари тасалли бериб, «Ғам еманг», деб
жайранглаб кулиб, бир сўз айтаверди:

Хабардор бўлгайсиз сочи сунбулга,
Ғам еманг, шоҳ тўрам, қулоқ сонг тилга!
[Бугун ўзим] қанот бойлаб учарман,
Чошкагача бориб келай Чамбилга.

Қанот бойлаб кўкка учиб кетарман,
Қаттиқ хиёмат, жонгинамни сотарман.
Ярим кеча Чамбилбелга етарман.
Тонг отгунча бўлган гапни бекларга,
Бир-бир қилиб воқеасин айтарман.

Кун ёйила, ўзим уруш қўзғолмай,
Кун пора-пора чиқайин деганда,
Ғам еманг Чамбилдан қистаб етарман.
Агар Чамбил элда бўлса полвонлар,
Тез боринг, деб иш тараблаб қайтарман.
Агар полвонларга зўрлик қилса ҳинди,
Ундан кейин Кўйиқофга кетарман.

Кўйиқоф подшоси Раҳмат парига —
Юнусжоннинг отасига мен бориб,
Миллион-миллион девни олиб қайтарман.
Девни олиб Ҳиндистонга келарман,
Тупроқларин элаб кўкка созуриб,
Ўтлар қўйиб, мен қоп-қора қиларман.
Кам куч бўлдим дейиб кўнгни чўкарманг,

Ғам еманг обрўни ўзим оларман!
Айтган сўзим иложини қиларман.

Ғам еманг, ғамхўрнинг олло, подшоҳим,
Ҳиндилардан асти тортмангиз ваҳм!
Ҳабар оп турайин мен ўзим доим,
Ҳар ёққа бормоққа Гулноржон қойим.
Қулаб кетса майли наққошли уйим,
Тонг отгунча бу хизматни тиндирай,
Асти буниинг учун тортмангиз ваҳим.

Гўрўглибек:

— Қаддингдан, кўнглим тўлди сендан. Ҳали никоҳинг-
ни қийганим йўқ. Шуйтиб, чин сидқидил сўзингни айтаяп-
сан. Балли, энди каминг қолмади. Сендан рози бўлдим,—
деди. Ана энди Гулнор паридан эшитмак даркор гапни.
Ана энди Гулнор пари қанот бойлаб Чамбилга жўнашини
кўринг:

Сир билдирманг, деб қизларга сўйлади,
Тараф бўлиб, ҳиндиларни пойлади.
Қонғар тоғ бошига чиқиб Гулноржон,
Яхши қанот, яхши дум қип бойлади.

Қайнади Гулнорнинг кўнгли жўшди,
Буни кўриб қизларнинг ақли шошди.
Чоппо-чоқ бўп ўзин чоқлаб Гулноржон,
Ола гавгум Қонғар тогидан учди.

Ой Гулноржон гайрат қип,
Учаверди фалакка.

Ҳар пориллаб бўзлади,
Ҳар алвонда сўзлади.
Каптар бўлиб Гулноржон,
Чамбилбелни излади.

Сочин ёйиб ўради,
Ихлос уриб Гулноржон,
Неча тоғлардан ошиб,
Чамбил элга жўнади.
Гулнор жонини сотиб,
Ҳар паридан тер кетиб.

Гулнор пари қистайди,
Неча тоғлардан ўтиб.

Қўнмай тоғнинг гулига,
Келаётир Гулноржон,
Жўнаб Чамбил элига.

Ҳар тарафга кўзгинаси терлиб,
Осмонда пориллаб учди Гулноржон,
Адашмай деб Чамбида элга термулиб.

Шоир қўяр айтган гапни бобига,
Қизикса қўяди сўзни жуфтига,
Ярим кеча-ярим кеча бўлганда,
Гулнор яқинлади Бало тогига.

Бежой қистаб учди, ўпкаси ҳишти,
Чарчай деб Гулнорнинг ақли шошди.
Бало тоғдан ўтиб Гулнор паризод,
Чамбилнинг шаҳрига кўзлари тушди.

Гулнор пари энди вақтин хушлади,
Чамбил элин кўриб, бўғинин бўшлади.
Баланд учган экан ўзи давра олиб,¹
Юнусжоннинг пештоқига ташлади.
Энди етдим, деб вақтини хушлади.

Ана ҳар боли парлардан тер тўкилиб, тери қотиб,
Ўзини ростлаб олиб, ана Гулнор пари одам суратли бўлиб,
Юнусжонга қараб бир сўз айтаверди:

Ҳиндистондан учиб келдим шу замон,
Гирдимдан кетгай-да ҳамиша туман.
Уйингиздан, опа, нега чиқмайсиз,
Ҳиндистондан келди бир сийли меҳмон.

Кетган қўшинг бўлсин ҳар жойда эсон,
Юнус опа, уйингизда бормисиз?
Ҳиндистон шаҳридан келди Гулноржон.
Бемаҳалда бўлдим мен ўзим сарсон,

¹ Қўлзмада «давролиб».

Танам билан кўнглим бўлибди қайрон.
Иш-иш тараб дарров ўзим кетаман.
Уйингиздан дарров чиқинг, опажон!

Зиёд бўлган ой Гулнорнинг қоҳиши,
Қиз халқининг ўн саккизда равиши.
Юнус пари шундай қулогин солса,
«Опа», дейди бир аёлнинг довуши.

Юнус тура солиб эшикни очди,
Гулноржонни кўриб ақли шошди.
Туш дерга Юнусда тоқат қолмади,
Гулнор пари шундайин пастга тушди.
Юнус билан қучоқлашиб кўришди.

Қурбон бўлсанг хизматкорнинг бўйига,
Кўп гап келди ой Юнуснинг ўйига.
Юр чирогим, деди энди ияртнб,
Гулнорни аста оп келди уйига.

Энди аста, ҳеч кимни уйготмай ўтирди гул томда. Энди,
Юнус пари Гулнор парига қараб астагина бир сўз айтди
верди:

Гап чиқади куйганларнинг тилидан,
Ҳар гапинг дардима дармон Гулноржон,
Ёмон келдинг Ҳиндистоннинг элидан.

Ошиб кепсан неча тоғнинг белидан,
Қистаб ўтиб, занглаб ётган чўлидай.
Босган изгинанг кўзимга сурма,
Қаттиқ кепсан Ҳиндистоннинг элидан.

Эл харобот бўлар ёмон тилидан,
Ҳеч иш келмас кам гайратнинг қўлидан;
Яхшиликми, ёмонликми келганинг?
Якка келдинг Ҳиндистоннинг элидан.

Кетган беклар ё бир шўрли бўлдимиз?
Ҳинди, Хитой атрофини олдимиз?
Уртада қоп, кетган беклар ўлдимиз?
Сендай жонон билдирай деб келдимиз?

Ўзимдан кетибман, қайтай, шу замон,
Туи ичида бўпсан сен ўзинг сарсон.
Қаттиқ ишга келгандайин хўрсиндинг,
Келганингнинг маънисини Гулноржон,
Келганингни дарров айтгин, дўстимжон!

Кетган беклар қўлли бўлдим?
Қиёмат савдода улар қолдим?
Қоронгу кунлар бошнга туғиб,
Сендай ойим билдиргани келдим?

Ана энди Гулнор пари Оға Юнусга қаради. Оға Юнус
деб аталишининг маъниси шу эди. Гўрўғли бир шаҳарга
Чамбилдан ёлаб кетганда Чамбилни Юнус сўраб тургув-
чи эди. Оғалигининг маъниси шу эди.

Энди Гулнор пари Юнус парига қараб бир сўз айта-
верди:

Қўрқма, ҳуркма эсончилик, опажон,
Бўлган гапнинг ростисини айтайин!

Ғам еманг бекларим Афғондан ўтди,
Ҳиндистон элига ҳаммаси етди.
Қизбулоқ тоғида қўшининг ётди,
Мендай чўринг сизга ростини айтди.

Ноз қип қаддимизни букдик,
Гавҳар, ёқут маржон тақдик.
Бу қўшинни бизлар билмай,
Шиша супа, Маржон супа.
Биз Томошатоққа етдик.

Билмаймиз бизар қўшинни,
Беш юз подшонинг қизиман,
Қўрқмай, ҳуркмай Қизбулоқда,
Ҳангома чақ-чақ қилишиб,
Кичкина подшо қизиман,
Ҳангома қип тоғда ётдик.

Бизар билмадик қўшинни,
Яна кундуз куни ётдик.
Чироқдан Соқи билибди,
Чақ-чақ қип билмайин қопмиз!

Гўрўглибекнинг қўшини,
Бизни айланиб қолибди.

Шу гапларим рости бўлди;
Айланишиб кўп лашкар,
Бизларни қамсашиб қопти,
Шу ишимиз уят бўпти.

Маржон пари чиндобилим,
Маржонман ваъда қилибди,
Биз билмаймиз шунча гапни,
Соқибулбул, Гўрўглибек,
Ўртага келиб қолибди.

Бир неча қиз ётиб қолди,
Қўрқиб ичи қотиб қолди.
Гўрўглиман Соқибулбул,
Салом бериб етиб қолди.
Соқибек шоирлик қилиб,
Қиз битганга айтиб қолди.

Уйранишди қизлар энди,
Бўйин қўйди тақдирига.
Канизлар хизматкор бўлди.
Эрта билан тонг отганда,
Ҳиндистондан қуртдай қайнаб,
Ҳинди битган етиб келди.

Симин бизарга тан бўлди,
Отамнинг ичи ғам бўлди.
Отам бежой зўр полвонди,
Узи кириб кўп урушди.
Бизларга босимлик қилди.

Саҳмон билан Соқибулбул,
Озроқ ярадор бўлди.

Хуфтон чоғи Гўрўглибек,
Ҳасан кўлбар, Ҳасан чопсом,
Эсиз полвонларим, деди.
Аттанг деб хўрсиниб қолди.
Айтиб келай эса, деди
Гулвор, полвонларга келди.

Отамнинг ўзи урушган,
Жуда ёмон уруш бўлди.
Қанча ўлганин билмайман,
Улик сой-сой тўлиб қолди.

Қонлар ютиб хизматкоринг,
Билдиргани бунда келди.
Кўрган-боққаним шу бўлди.
Ҳасан чопсонни айтгани,
Еталаб кетмоққа келдим
Олиб кетмоққа келдим
Қайси бировин айтайин,
Кўрган-боққаним шу бўлди.

Уч юз ботмондан подшоликдан ун берар эди, тўрт пол-
вон бўлиб олишиб, тоғларнинг чашмасини ҳовуз қилиб,
атала қилиб ичар эди. Қорни тўймай чўлларда говвосни,
айиқни, шерни, каркни, филни ушлаб олиб, еяр эди. Ана
буларнинг жунини тутатса келар эди. Дарров Юнус пари
бировининг соқолини тутатса [унинг] қулоғи говлаб кетар
эди. Жунини тутатса етар эди. Жунини тутатди. Хез қи-
либ тўрттови ҳам орта саҳар Юнуснинг олдига етди. Юнус
билан Гулнор пари кулиб акаларининг олдига чиқди. Ҳа-
сан кўлбар Ой Юнус билан Гулнор парига қараб бир сўз
айтаверди:

Жонингдан бўлайин қурбон,
Уйгинангга кепти меҳмон.
Келган меҳмон қутли бўлсин,
Бўғоз бўлиб, сутли бўлсин!
Ёмгир ёғиб, Чамбил тоғи,
Кўкалам бўп, сутли бўлсин!

Нега қийнадинг жонимни,
Катта меҳмон кепти бунда,
Гулнор дўстим қутли бўлсин!
Улай деб келдим мен бунда,
Кўзли меҳмон қутли бўлсин!

Юзгинанг ёруғ бўпти,
Тоғдан оққан ариқ бўпти.
Сулувиди меҳмонгинанг,
Бу меҳмонинг ориқ бўпти.
Баданлари чуйкаб кетиб,

Юзгинаси сариғ бўпти.
Семиз қўйдаи бўп юрарди,
Қутли бўлсин меҳмонжонинг,
Нега буйтиб ориқ бўпти?
Қутли бўлсин сий¹ меҳмонинг!

Ана энди Гулнор полвонларга қараб бир сўз айт-
япти:

Ориқладим, юракларим қаварди.
Гулнор сўзга чеварди.
Олиб келдим мен сизларга,
Ҳиндистон элдан хабарди.
Фил миниб ҳиндилар келди,
Исрофил сур тортгандай бўлди.
Шуйтибгина озиб Гулнор,
Емон хабар олиб келди.

Тоғнинг гули хазон бўлди,
Мулла айтган азон бўлди.
Филни миниб ҳинди келди,
Саҳмон билан Соқибулбул,
Улик-тиригини билмадим,
Иккови ярадор бўлди.
Каттаси деб Гулнор пари,
Сизларга айтгани келди.

Ана энди, шунда, шу бечора Юнус пари етти яшар
Самандар билан Ҳасан чопсоиға булар Ғиротдан илдам
эди, Ҳасан кулбар билан Ҳасан якдаста кўп оғир эди
қараб бир сўз айтаяпти:

Ҳасан ака, жонни сотинг.
Қалтакни осмонга отинг!
Борганча ўзинг совутинг,
Келган меҳмонман ияриб,
Ҳиндистонга билла кетинг!

Бетарадди бўлманглар,
Насиҳатни ҳеч олманглар!
Меҳмон билан билла кетинг,
Меҳмондан асти қолманглар!

¹ Сайланадиган.